

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!

МУНДАРИЖА:

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси,
Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Бош муҳаррир муовинлари:

Гаффор ҲОТАМОВ
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:
Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир хайъати:

Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Алишер ТЕШАБОЕВ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Шодикул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Ҳамроқул АСҚАР
Муҳаммад ИСМОИЛ
Жамол КАМОЛ
Абдуқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАХМУДОВ
Тўра МИРЗО
Камол НОРҚОБИЛОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Бегижон РАҲМОНОВ
Аҳмад УСМОНОВ
Холмирза ХОЛБЕКОВ
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

ушбу сон Ўзбекистон Ёзувчилар
уюммасининг Адабиёт жамғармаси
компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Саодат ТўЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 1 (148) 1996 й.

Муқовада хонанда Кумуш РАЗЗОҚОВА
(Абдул Ғани ЖУМА фотоси)

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Юксалиш фасли 3

НАСР

Ражаббой РАУПОВ Иймон минораси, Хикоя 8
Абдуқаюм ЙЎЛДОШ Катта ўйин, Қисса 12

САҲНА

Тўра МИРЗО Амир Темур, Драма 39

БОҚИЙ КАДРИЯТЛАР

Накшбандий машойихлари 57

ЯНГИ НОМЛАР

НУРИЛЛОХ, Дилдора ХУДОЙНАЗАРОВА,
Шавқиддин БАҲРИ, Шахло АҲРОРОВА,
Холбуви ТУРДИЕВА, Бобоқул ТОШЕВ 5

КАЛЕ МАНЗАРЛАРИ

Фотима ДИЛМУРОДОВА Юрак шаклидаги дард . 54

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

27 ёшли қайнсингил ... 63

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

ҒАЗЗОЛИЙ, Дақойиқ ул-ахбор. 52

Манзилми: 700017, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй
Телефонлар: 33-40-83; 33-06-63.

Босишга 25.12.95 й.да рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8
Шартли босма тобоғи 9,2. Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,0
Буюртма 52

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб
изохланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарк" нашриёт-мағбаа концернининг
босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



ЮКСАЛИШ

ФАСЛИ



Мана, зум ўтмай буюк мустақиллигимизнинг бешинчи баҳорини ҳам қарши олаёпмиз. Бу баҳор ўзгача баҳор бўлади. Чунки умидлар, ишончлар кўп ўтмай ҳаётий тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон ўзининг беқиёс қудратини шопилмасдан дунё узра намоён этмоқда. Биргина марказ шахримиз Тошкентни олинг. Бу шаҳар ҳолисонлилло айтганда бундан беш йил аввалгига нисбатан мислсиз ўзгарди. Ҳар биримиз бозору гузарларни айланаётиб, савдо марказлари-ю янги иншоатларни кўраётиб, янги тушган равон кўчалару кўприкларни, саройларни кўриб кўзимиз қувонади. Мамлакатимиз раҳбариятининг чинакам савй-ҳаракатлари ила ватанимизнинг иқтисодида улкан бурилиш ясалди. Худо хоҳласа, дон майдонларимиз тағин кенгайиб, ўзгалардан ризқ сотиб олмаслик ҳаракатидамиз. Ёнилғи мустақиллигига ҳам иншооллоҳ, тез фўрсатда эришажак бўлиб турибмиз. Ва мана шу икки омилнинг ўзиёқ давлатимиз оғирини нақадар енгил қилажagini яхши ҳис этамиз.

Бир-биридан қувватли корхоналарнинг бу йил кетма-кет ишга тушиши - бу машинасозлик саноати қисқа муддатда республикамиз равнақига равнақ қўша олаётганининг далили. Албатта, биз бу ўринда Хоразм ва Асакадаги автомобилсозлик заводларини назарда тутаётганлигимизни сезиб турибсиз.

Хориж инвестицияларига кенг йўл очиб берилаётгани, жаҳон банки маъмуриятининг юртбошимиз билан фикр алмашувидан сўнг беғараз ва имтиёзли шартлар асосида саноатимизнинг кенг кўламда ривож топиши учун бир миллиард долларгача қарз беришга тайёр эканлигини таъкидлашининг ўзиёқ бизнинг тезда оёққа туриб олишимизга

жаҳон жамоатчилиги катта ишонч билдираётганининг ёрқин белгисидир.

Элимиз сарвари Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллагинчи юбилей сессиясида сўзлаган нутқи сўзсиз юртимиз тинчлигининг барқарор бўлишидаги дадил ҳаракат деб баҳоланса тўғри бўлар. Боиси чиндан ҳам Ўзбекистонга ҳудудан чегарадош бўлган ҳалқларда осойишталик ҳукм сурсагина бизнинг уйқумиз тинч, турмушимиз ҳаловатли бўлади. Гап шундаки, Президентимиз Афғонистон, Тожикистон, Россия ва бошқа шу давлатлар орасига қутқу солаётган кучларни БМТнинг диққат марказида туришига ундади.

Яна шу минбарда юртбошимиз нафақат ўзбек халқи, қўшни ва қолаверса Оврўпа давлатлари учун ҳам реал экологик ҳалокат хавфини туғдираётган Орол денгизи муаммосини кунҷаклик ила изҳор этиб, огоҳликка, ёрдамга чорлади. Бу ҳаракатлар, албатта аста-секин самара беришига ҳеч шубҳа йўқ. Ва бундай жонкуярлик, ватанпарварлик ҳисси ҳар биримизнинг қалбимизда мудом жўшиб туриши лозим. Ҳолбуки, келажак авлод олдида бусиз ҳам бизнинг қарзларимиз чексиз даражада кўпдир.

Шундай улкан қарзлардан бири биз зиёли ва ижодкорларнинг зиммасига катта юк қилиб юклатилгани сир эмас. Муболағага чақмасангиз ёзувчи, шоир деб номланмиш зотлар бундан юз йил бурун ҳам озодликнинг жарчилари, қувғиндаги жонфидолари эдилар. Ва асримизнинг биринчи ярмига қадар урагида ўти, кўкайида ҳасрати бор

зиёлилар халқпарварларнинг боши неча бор кундага ётқизилди. Оз қисми яшаб қолди. Бироқ халқимизнинг асрий орзуси бундан атиги беш йилгина бурун рўёбга чиқди. Мана шу беш йиллик катта хазина бизнинг бошимизни гангитмаслиги керак. Зеро, шу хазинага кўз олайтирувчилар ҳали ҳам бор. Уларни тахт, бойлик қизиқтиради. Унутмаслигимиз лозимки, уларнинг ғараз ниятлари пучга чиққан сайин аламзадаликлари ҳам кучая боради. Шунда бизнинг орамиздаги ожиз, полапон бўғинга таъсир ўтказишга урина бошлайдилар.

Аввало нима қилиш керак? Фикр тарбиясини мактабда кучайтириш зарур. Устоз муаллим Абдулла Авлоний ёзган эди: "Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суюнган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратлик бўлишига сабаб бўлур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур". Дарҳақиқат мактабларда биз ҳали жуда кўп ислоҳатлар ўтказмоғимиз шарт. Даставвал тарбияли тарбиячиларни, билимли ўқитувчиларни тайёрлашимиз керак. Япон мўъжизасининг асоси мактабдан бошланганини сира унутмайлик.

Бир неча ой бурун Тошкентда "Туркистон - умумий уйимиз" шиори остида ўтказилган Марказий Осиё маданиятлари анжумани қардош, жондош дўстларимиз орасидаги сусайиб, деярли барҳам топаётган маданий, адабий алоқаларни тиклаш йўлидаги муҳим қадам, таъбир жоиз бўлса, янги асос бўлди. Албатта, маданиятларимиз, фан ва адабиёт улугларининг мазкур носий жараёнга етакчилик қилишаётгани жуда хайридир.

Тагин бир мулоҳаза. Президентимиз Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг навбатдан ташқари сессияларида ирод этган маърузаларида маҳаллий раҳбарларнинг лоқайдлик, совуққонлик ва тўрачилик иллатлари жиддий танқид қилинди.

Бироқ сўқир кўзнинг очилиши қийин кечади шекилли. Жойларда таъмагир, юрт мафаатидан беҳабар мансабдорлар, чин маънодаги тўралар ҳамон курсиларда чўнг савлат тўкиб ўтириб олиб, икки сўзнинг бирида юқоридаги раҳбарларни мақтаб, аслида иш услубларини ҳеч ўзгартирмай "фаолият кўрсатмоқда"ки, беихтиёр ўзингча мустақил юртнинг қадди тез тикланишига худди мана шулар айбдор бўлса керак, деб хулоса ясайсан. Акс ҳолда давлатнинг адолати худди ўшалардан, жойлардаги адолатли, омилкорлик билан юритилаётган сиёсатдан бошланғуси. Халқимизнинг руҳини кўтаришга биргина Президентимиз эмас, ҳаммамиз масъулмиз. Халқ эса ўз ҳаққини истайдди, ўз ҳуқуқининг паймол бўлишини хоҳламайди. Бу эса ижодкорлардан тўғри сўзни талаб қилади.

Очиқ гапки, биз тўғри сўзимизни кўпинча аяймиз. Сабаби, ортиқча галвани ёқтирмаймиз. Аслида ўзўзимизга, виждонимизга, қолаверса, ҳалққа сўз орқали хиёнат қиламиз. Юртбошимиз матбуот ходимларига тўғри дашном берди. Энди лоқайдлик замони ўтди. Бир-биримиздан юзхотир қилиш пайти ортда қолди. Ўзаро меҳроқибатли бўлган ҳолда бир-биримизни тергайлик. Эртанги истиқболга далил-исботлар ила одамларни ишонтирар даражада бўлайлик. Мустақилликнинг яшарш, юксалиш фаслида бир-биримизни аяган ҳолда маъсулият, билим билан иш кўриб, эртани ёруғ юз билан кутиб олайлик.

Аёнки, эрта бир кун барча меҳнату заҳматларнинг ширин меваларини тотаётган маҳал, тарозу тенг тортилаётган паллада бир-биримизга қараб уялмайлик ва бугун сарф этилаётган фидокорона меҳнатимиз билан фахрланайлик.

Бошланган йилимизда улуг бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллик тўйини кенг ҳалқ оммаси билан бирга муносиб кутиб олиш масъулияти ҳам турибди. Ушбу тўй йили ҳам барчамизга шараф ва ғурур бағишлаши табиий.

Юксаклишнинг янги, муборак фасли қутлуғ келгай, иншооллоҳ!





ИЗТИРОБДА СЕЗДИМ АБАДИЯТНИ

Сўз мангу. Унинг ибтидоиси Оллоҳдан, интиҳоси-да Оллоҳгача... Сўз ҳаммага баробар. Истеъдоди ва қисмати даражасида ҳар ким ундан ўз улушини олади. Шундан мўъжиза, санъат яралади. Мумтоз ўзбек адабиёти буюк номлар, ҳайратангиз сўз мўъжизасига бой.

...Лекин замонлар ортидан замонлар, сафлар кетидан сафлар келар экан, Сўзнинг янги нафаси билан ўзгача тилсимлар очилади, бўлак дунёларга сафар бошланади. Шунда сўзнинг мозийдагидан яна бўлак қиёфалари тасвирини кўриб, унинг ҳар лаҳзада эврилиб, ҳар оннинг гўзал дарду қувончини ўзида мужассам этганини кўрамиз. Бу ҳаяжонли ҳодисани янги истеъдодлар тўлқини мавжланиб юракка тақдим этади. Бу шаффоф Сўзчиларга кўнгил ҳамшиша эҳтиёжманд бўлади.

Журналимизнинг янги йилдаги илк сониди биз ҳам улуғ умид билан ўриннинг бир қисмини илк бор машқлари ёритилаётган ёш истеъдодлар - янги номларга алоҳида бағишладик. Улар юртимизнинг турли вилоятлардан бўлиб, 1995 йил 1-4 ноябр кунлари Дўрмондаги ёзувчилар боғида бўлиб ўтган ёш адибларнинг навбатдаги семинар-кенгашида ёзганлари ижобий баҳоланган умидли ёшлар ҳисобланади.

Тилагимиз - ёш истеъдодлар айтмоққа чоғланган Сўз қисмати порлоқ, бу янги ном - янги нафаслар сари очилган кўнгил дунёси ҳамшиша уларга талпинувчи бўлсин.

ТАҲРИРИЯТ

Нуруллох
(Нурулла НАРЗУЛЛАЕВ)

КАПАЛАК УМРИНИ БЕРСАЙДИ МЕНГА...

Мен шаҳзода эдим, мен шаҳзода эдим,
Жаннатий маъвомда жаннатий насим.
Кўзим чаманига кузак ёт эди,
Паноҳсиз эмасдим, гадо эмасдим.
Шаҳзода эдим олтин қасрида ётган,
Мени оловларга отдинг беаёв.
Муҳаббат хобимдан ногоҳ уйғотган.
Менинг кўзларимни очган эй, олов.
Кўз очдим не тонгим чўғ ёғар фалак,
Хижрон маъвосида оташ дил маним.
Кўкларда ўт ичра кўринган малак.
Абрда ўйнаган раққосам қани?
Қани, айт-да энди қайда севлигим?
Усиз тунларимни захарлади мор,
Зугум оғочига осилди дилим.
Менинг осилганим, эй вужудсиз дор!
Муҳаббат! Осмонлар дол солди не сир,
Ёмғирлар юртида асрий мардудман.
Гадоман - беланоҳ, Телбаман басир.
Чакмокни соғиниб ётган вужудман.
То борман чалажон, то борман хаста,
Дардим тупроғида кўрсат лошимни,
Кўёшнинг нуридан бир қилич ясаб,
Ойдин тунда узиб ташла бошимни.



Гардун кузагининг хазони-хаси
Чўғлар гирдобига мени кўмарлар.
Бир осуда ҳаёт бўлмайди насиб,

Кўз ёшимни ичиб яшайди морлар.
Бул ёбон бағрида қийналар жоним,
Ёлғизлик қаҳридан айлайман фарёд.
То абад чорлайман, сени хижроним,
Бир нафас умрида айлармисан ёл.
Ул кўёш ҳаққига қасам келтириб,
Севарману тунни йиқа олмайман.
Энг баланд чўққимдан йиқилайвериб,
Энг чуқур чоҳимдан чиқа олмайман.
Кўнглим маъвосини зулумот суяр,
Қайта йиқиламан, яна сенга зор.
Нигорон кўзларим қайтадан куяр,
Юз тубан танимда қолмайди мадор.
Эй нажот кўклардан чорлайман сени,
Юлдузлар чикмайди хобхонасидан.
Маломат итлари талайди мени,
Бир қатра меҳрнинг остонасида.
Гуллар нигоҳимдан сўлади кейин,
“Чўли ирок”ини чалиб куяр най.
Севарман, севгимга жон тутган кўйи,
Жарлар сарҳалида кезарман итдай.
...Ҳайҳот, умрим ўтмас сув каби оқиб,
Тошларни кучоқлаб қоламан афгор.
Вужудим қолади жонсиз, бесоҳиб.
Эй, мени дард ичра яратган дилдор.
Ўзинг айт, мен озор эмасму, сўйла?
Тикан қилмасманми сенга заримни,
Гарчи соғинмайман кунимни ўйлаб.
Шамсдай ботиб кетган орзуларимни.
Сен севмайсан, дейман хунобам - кўз ёш.
Яна идраб кетар маҳжур жоним ҳам.
Кўнглим кўзларига кўринмас кўёш,
Менинг кўзларимга кўринмас олам.
Агар гуноҳ бўлса, ўзимда гуноҳ,



Ўзим севиб қолдим энг гўзал тунда.
 Бўғзимга дор илсин, илкимга пичок,
 Берсин бошимни ҳам қўймоққа кунда.
 Мен фақат ўлмоққа қодирман, зеро
 Фалак қузғунлари гамимни емас
 Кетарман, менга қол, демайди дунё
 Кетарман, абрлар яшайвер, демас.
 Бу чоғ сукут ичра фарёд мен ўзим.
 Бу чоғ қайлардасан, айро соҳирман,
 Келмассанки ..Сенсиз топмасман тўзим.
 Бир губор топмассан мендан охири...
 Аммо кетгим келмас гарчи дилафгор,
 Бир ором топмаган кафасбанд дилман.
 Мени хаёлига боғлаган дилдор..
 На маҳжур, на мискин - энг бахтли қулман.
 Яшасам бўлуirmi?

КАПАЛАК

(Равшан Файз хотирасига)

Мовий гўзалликка ажал чанг солди.
 Уни кўп кўрди гул баргида фалак.
 Бечора ўзини туголмай қолди,
 Оҳиста-оҳиста битди капалак.
 Тинди чаманзорда товланган ўлан,
 Алвон гуллар аза очди бемажол.
 Капалакни нафис вужуди билан,
 Тош йўлга супуриб ташлади шамол.
 О, жонсиз капалак жонини узган,
 Гардунда беҳуда чекурман нола.
 Ки одамга қандоқ меҳр кўргузгай,
 Капалакка шафқат қилмаган олам.



КЎКЛАМНИ СОҒИНДИМ...

Кўкларни соғиндим ашк сизиб дилдан
 Соғиндим ёмғирли ям-яшил кунни.
 Оппоқ кишларнида руҳим занжирбанд,
 Қандай яшираман жароҳатимни?
 Эй, хўм-хўк капутар, кўнгил сўрагин,
 Тутқиннинг қошига кел, кўклардан туш.
 Яраланган бўлса менинг юрагим,
 Нима деб илтижо қилай сенга куш?
 Кўкларни соғиндим, қайда у - куйдим.
 Бунда руҳимга дард ёғур ҳар кеча,
 Ўйларим, ўйларим, захридан тўйдим.
 Бир зум кўринсайдинг менга, бойчечак,
 Қорларни сидириб изладим, эй, жон.
 Соғиндим мен сени, ошно гулимни,
 Шафқатсиз пичоклаб қилайверди қон.
 Бинафша бағринга, олгин дилимни,
 Эй, майса, сижикдир гардун ҳар тунда
 Сигмадим дунёга азоб, оҳ билан,
 Капалак умрини берсайди менга
 Шу кўклар кетардим қизғалдоқ билан.
 Кўкларни соғиндим...

Охир не бўлурман? Ўзимга аён.
 Биламан, бу тунлар не этар охир,
 Кўнглимнинг беҳишти чамани пайҳон
 Ғамзада қушларнинг қаноти оғир.
 Дунёга тикилдим, қорачуғда ёш,
 Изтиробда сездим абадиятни.
 Бу шом ҳам йиқилди ярадор қуёш,
 Бағри яра экан башариятнинг.
 Охир не бўлурман - ўзимга аён,
 Титрайверди менинг қаршимда оғоч.
 Энг гўзал хаёллар қилдилар исён,



Энг гўзал ёлгонлар бўлди ялонғоч.
 ...Ўзимни оссам ҳам бўларди, аммо
 Қатра шаҳт қолмади дил бисотида.
 Муножот тунда мен бўлдим яғмо,
 Бу тунда ачиндим одам зотига!
 Фақат азоб экан сийратим, кури,
 Нурга туголмайман бағримни ўйиб.
 Менга халал берманг - ўлмасдан бурун,
 Йиғласам тупроққа бошимни қўйиб...

Дилдора ХУДОЙНАЗАРОВА

Юракда ғамларим бир талай,
 Қалбимнинг қиссаси тугамас,
 Эртагим узоғу ҳар қалай,
 Умрим ҳам унчалик қискамас.

Баҳорда юрагим ўртаниб,
 Илҳомлар кўчада шеър ёзар.
 Хаёлим соғинчга ўрганиб,
 Тунларим санамай ўтказар.



Юрагим соғинчдан чарчагач,
 Ёз келса ақлдан озаман.
 Баҳорлар илҳомим ҳайдагач,
 Айрилиқ ҳақида ёзаман.

Шавқиддин БАХРИ

СЕН КИМНИНГ БАҲОРИ БАҲОРИМ

Дунё худди шундай:
 Алдаш... Алданиш...

Ва видолар айтиб бастма-баст,
 Ва кимнидир дилга солурсан.
 Ва кимнидир кўтарарсан даст,
 Ва кимнидир йўллаб қолурсан.

Дунё худди шундай:
 Алдаб... Алданиб...

Ва елкага осилар зиё,
 Ва юракгул узарсан маъюс.
 Ва ташлаб ҳам кетар бу дунё,
 Ва қиларлар бир куни беюс.

Дунё худди шундай...

Дунё гулдай ётар сочилиб,
 Ким ҳам куйинарди бизга куйганим.
 Келгин айтай бугун очилиб,
 "Сени Худо суйсин, менинг суйганим"!

Дунё худди шундай:
 Алдаш... Алданиш...

Хазонлар хаёлин бўлмаган эдим,
 Шамоллар шаҳрида бўлмаган эдим,
 Мен бундай баҳорни кўрмаган эдим,
 Мен дунёга тенгдош О, хорим,
 Бу кимнинг баҳори баҳорим?!

Ай дил, айтирингни ютиб яшадим,
 Ай дил, қайтарингни кутиб яшадим,
 Пойингга кафтимни тутиб яшадим,

Оҳ, десам тўкилиб кетар оҳорим,
Сен кимнинг баҳори баҳорим?!

Сени минг йил кутдим, қасрлар келди,
Унутдинг, унутдим, басирлар келди,
О сирлар келмади, асирлар келди,
Сап-сарик кўкарган кўм-кўк наҳорим,
Биз кимнинг баҳори баҳорим?!

УЙҒОНИШ

Ухлар совуқ қўйнимда илон,
Совуқ ухлар юрагимда ой.

Минг йил ўтди,
Миллион йил ўтди,
Дупур-дупур ўтди қанча сой
Ва нозланди неча минг чирой.

...Нега кўшиқ айтдинг-а Дунё?!

Қара қандай дўст эдинг илон,
Қандай ширин ухлар эдинг ой.

Шахло АХҲОРОВА

Мен сени йўқотдим, оқшом сочини
Қоратан фаришта жим ўрган кеча.
Мен сени йўқотдим, ишқнинг бошини
Қотил рашк кесмоқни буюрган кеча.

Мен сени йўқотдим, телба бу дунё
Қора туйнук мисол торайиб кетди.
Тун ҳукм ўқиди кийиб тим ридо
Ойнинг доғ юзлари қорайиб кетди.

Кирмизи гулларим титраб ялинди,
Сўнг мунғайиб қолди ортимдан йиғлаб,
Кўкка аталган ҳис ерга солинди,
Устига кир армон қўйилди михлаб.

Ноҳақлик, бу дея шивирлади барг,
Дарахтнинг тиллари суғурди ҳижрон,
Тонг бирла чўғланиб тугай бошлади -
Қуёшга айланиб ёниб кетди жон...

Мен сени йўқотдим, оқшом сочини
Қотил рашк кесмоқни буюрган кеча...

Холбуви ТУРДИЕВА

ХАЛҚ ОҲАНГИДА

Менинг қалбим гаввора,
Ишқ тебрата овора,
Юзи қаро хиёнат,
Қилди уни садпора.

Сен тош отсанг йўлимга,
Мен пойинга гул экдим.



Сен хўрлаган туйғуга,
Азиз жонимни тикдим.

Ўтди ойлару йиллар,
Менга иқбол бокмади.
Юрагим айтган кўшиқ,
Сенга сира ёқмади.

Охир тугади сабрим,
Ёки кўндим хижронга.
Муштипар қушча мисол
Такдир олди нишонга.

Энди кирма тушимга,
Хаёлимни бузма ёр.
Номаҳрамни эсламоқ,
Мен учун номусу ор.

Видолашув чоғида,
Бир сўзим бордур фақат,
Мен билан бирга сени
Тарк айласин муҳаббат.

Ёмғир узоқ ёғди, дилимни эзди.
Ўзига тушунмай табиат қарахт.
Борлик мотам тугар, оҳ кимдир ўлди.
Марҳумнинг қотили-Муҳаббат!

Рухим чорбоғида изғирин кузак,
Кўнглим кўрғонида кечди қиёмат.
Узлатдан изладим ўзимга маскан,
Яшамоқнинг исми-Хиёнат!

Бобоқул ТОШЕВ

КУТМОҚЛИК

Менинг баҳоримда кунлар битмайди,
Йўлларимда гилам ҳазон япроқлар.
Бироқ юрагимдан баҳор кетмайди,
Хаёлда жимирлар яшил ўтлоқлар.

Мен доим кимнидир илҳақ кутаман,
Қутаман кимдандир ширин маслаҳат.
Ёлғизлик энгади ўздан кечаман
Йўлимни тўсади кадрдоним "Бахт".

Қурашмоқда бугун жисмим руҳ ила
Хаёл таъна қилар камол ақлимга.
Хаётни тузмадим ёлғонлар ила
Неча бор гов турди кимлар нақлимга.

Тан бераман майли баҳорим кетсин,
Кетсин мендан майли омадлар-у, тахт.
Майли жўраларим тамоман кечсин
Ўзимда қолурман, асли шудир бахт.

Мени кўллар Рухлар, фақат илҳомим
Нетай ёлғиз ёрай саҳроларимда.
Фақат дилда қолсин ёлғиз каломим
Аслимдай қолурман ўз шеърларимда.



Ражаббой РАУПОВ

ИЙМОН МИНОРАС



ҲИКОЯ

Заргар Тўрахўжа хайхотдек ҳовлида ёлғиз қолди, икки кундан буён ўгли Қодирхўжадан дарак йўқ. Ётиб-туриб ўйласа-да, ўтган талатўпга ақли лол, бу хил жангу жадал, осмондан ажал ёққанини ҳеч тасаввурга сиғдирилмасди. Худонинг юборган балоси, офат десангиз-қирғинни ҳукмдор Олимхоннинг душманлари бошлаб келди. Ҳа, шу тупроқда униб-ўсган Бухоронинг тагли-тугли аслзода йиғитларидан бўлмиш бир гуруҳ илмпарвар ақлирасоларнинг билиб-билмай босган қадамлари шаҳарни қонга ботирди, хароб қилди. Чол таланган мол-дунёсига ачинмади, очикдан-очик зўравонликқа чидади, тушунди - келган бало бир унингмас, бутун Бухорони ёндирди. Шу топда ягона илинжи ўгли оиласини ишончли, тайинли жойга омонат қолдириб, ёнига эсон-омон қайтсин.

Чол бўғилиб ҳовлига чикди, ҳаво етишмагандек ҳансираб нафас олди. Супа ўратсидаги синган ҳассасига кўзи тушиб хўрлиги келди. Талончи гуруҳга қаршилик кўрсатмасда, борига қаноат қилмаган шайтонлар “кўмган тиллонгни топиб бер” деб савалашди. У мажҳул бир тарзда тураркан, Оллоҳдан юпанч истагандек осмонга қаради, кўзлари тиниб ҳеч нарсани кўрмади. Шу ҳолда бироз тургач, дарвозага кўзи тушди. “Ў, баччағарлар, - деди у, - оларини олиб,

яна дарвозани ёпиб кетишибди, қизил аскар дегани ишни пухта қиларкан...”

Чол дарвозани ланг очиб кўяркан, “таланган уйнинг нимасини бекитай, барибир ҳаммасига Оллоҳ шоҳидку”, - дея ўйлади. Ҳаёл билан секин кўчага чикди-ю, бехос тўхтади, ортига қайтди. Бухоро Бухорога ўхшамасди...

Кейинчалик, “бахти кетган бу халқ ва унинг подшоҳи” - Амир Сайид Олимхон ўз хотираларида болшевойлар босқини тафсилотини шундай тасвирлади: “душманларимиз (болшевойлар) найранг билан бизни ғафлатда қолдириб, мисоли бир йўлтўсарлар каби уруш эълон қилмасдан ҳижрийнинг 1339 йили (1920) зулҳижжа ойининг ўн бешида яқшанба кечаси соат ўн иккида соқчилар ва қўриқчилар устига ҳужум қилиб, темир йўл (Жогон бекати) атрофига қўйилган қоровулларни, тахминан юз эллик нафар кишини банди қилдилар.

...Харбий қуроллар жамлаб, тўп отиш ва ўқ ёғдириш билан бирга темир қалқонли аравалар - броневиклар, темир қопланган моторлар бронепоездлар билан уруш бошладилар. Улар ўн битта учқич (самолёт) билан Бухоро шаҳри устига ҳавода парвоз этиб, бомба ёғдирдилар...”

Шунга қарамай Амир лашкарлари тўрт кеча-кундуз душманга қарши курашди. Талофат ва харобаликлар ҳаддан ортиб шаҳар фуқарола-

ри жон сақлаш умидида мол-дунёсини ташлаганича турли томонга қочишди.

Сайид Олимхоннинг ички ва ташқи ҳарб қувватидан хабардор Фрунзе кетма-кет ҳамлалар уюштириб Бухорони ололмагач, Чоржўйга Польша фронтдан чакириб ҳозирлаб қўйилган махсус самолётлар дастасини жангга киритишга буйруқ берди. Бутун кун бўйи эрта тонгдан то шом қоронғусига қадар шаҳар бомба остида қолди. Амир Олимхоннинг Бухорони ташлаб чиқишдан бошқа иложи қолмади. Минг тўққиз юз йиғирманчи йил чоршанба - жангнинг тўртинчи куни Олимхон шоҳлик боғи саналмиш Ситорайи Моҳи Хоссадан чиқиб Фиждун туманига йўл олди. Шу кундан бошлаб манғитлар сулосасининг еттинчи ва охириги амири Олимхоннинг қадами Бухоройи Шарифдан узилди...

Фрунзенинг буйруғига кўра зулик билан махсус гуруҳ тузилди. Қазаклардан иборат сараланган аскарлар “инқилоб”нинг тўртинчи куни Бухоро хонадонларидан тилло йиғиш “мавсуми”ни бошлаб бердилар. Эшикларини танбалаб Оллоҳдан иноят кутиб ётган қариялар, иложсиз бандалар, Бухорога қаттиқ боғланган фуқаролар ҳар бир дами таҳликада ўтказишар, молу жон қароқчилари кечалар хонадонларга бостириб киришар, уй эгаларини қийнаб-қақшатиб тилло талаб қилишарди. Шаҳарда бу зулмкор

тўданинг олдини тўсадиган мард топилмади. Маҳаллалар аҳли ҳар эрта юзи тимдаланган, сочи юлинган, боши боғлиқ кўни-кўшнисига кўзи тушиб, сирдан огоҳ бўлар, ҳеч ким бир-бирига сўз айтолмай навбат кутар, эртага исталган вақтда ўлпон йиғувчи Фрунзе жаллодлари уйига бостириб киришидан хавотирда, юрак ҳовучлаб чора излашарди. Чора топилмас, зулмининг эшиги очилган, еб тўймас, талаб тўймас тиллохўрлар тўйдими йўқ эди.

Амир кетганининг эртаси тунда Заргар маҳаллалик ўн беш хонадонни тонг отгунча қийнашди. Оиласини Бухоро атрофидаги қишлоқлардан бирига яшириб қайтган Қодирхўжа қайсар отасидан хабар олгани уйга кирди. Чол ўлсам, ўлигим ҳовлимдан чиқсин, мол-дунё деб Бухородан кечмайман, менинг қочадиган гуноҳим йўқ, деб ҳовлида ёлғиз қолган эди. Эрталаб ўғли кириб келганида у оппоқ сурп кўйлак-иштонда супа ўртасида бош яланг, чўлтоқ ҳассасини бағрига сикканича хайкалдек қотиб, савдойи янглиғ турарди. Гишт ётқизилган кенг супа ағдар-тўнтар, қовлаб ташланган.

Ота-ўғил иккиси бир-бирларига тикилиб қолишди, кўзлар дардлашди - ҳол айтди, ҳол сўрди:

“Отажон, олиб кетай, кишлокка яширай, дедим, кўнмадингиз, ахир бу не кўргулик?”

“Ўғлим, сенга айтдим-ку, менинг яширинадиган, қочадиган гуноҳим йўқ. Топган мол-мулким ҳалол, ўзимники... Барига чидайман, Оллоҳдан деб кўникаман, ажалим етмаса ўлмайман. Лекин сендан бир сўроғим бор. Сенлар ишонган, юртни бузиб, юрт тузаман деганлар қани бугун? Нега улар жим? Юртим, диним, амирим деб жангга кирган лашкарларнинг хуни каммиди, нечун улар жонсиз минорани тўпга тутдилар, Бухоро дарвозаларини ёндирдилар. Дарвозалар ёнмади, менинг жоним ёнди, масжидлар қуламади, мен қуладим. Отанг молига эмас, жонига қуяди, жон ўғлим, Қодирхўжа?!” - чолнинг кўзларидан ёш думалади.

“Отажон, не қил дейсиз?! Шу топда қўлимдан келадиган қочиб, йўқса, розилик беринг, амир лашкарларига етиб олай, у зоти олий хизматини қисмат деб билай... Юрт бузиб, юрт сўрайдиганларга ўғлингиз - мен ишонмаган, уларнинг қисматидан

ҳазар қилганман, аммо бошимда бир улкан гуноҳ бордирки, ювса-да, кетмайди...”

Қодирхўжа аста бориб отасини озорсиз бағрига босди. Кетма-кет зарбаларга худди Катта минорадек қаддини тутиб берган бу чол Заргар маҳалланинг давлатли, диёнатли, обрўли оксоқоли ҳисобланар, у яккаю ягона ўғли Қодирхўжа билан фахрланар эди. Тўрахўжанинг асли касби заргарлик, сўнгра савдо билан шуғулланди. Ўғли Қодирхўжа саводли, мадраса кўрган йигит. У яқин беш-олти йилдирки отасининг ёрдамчиси, қариядан буткул ҳисоб-китобу иш юртишни қабул қилиб олган тадбиркор савдогар. Бухоронинг ҳур фикрли жадидлари савдо аҳли, айниқса, атроф туманларидаги ўзига тўқ хонадонлардан кўплаб яқинлар ортирган мулоҳазакор Қодирхўжа ҳар қанча ўйламасин қизил кўшиннинг ситилосини англаёлмасди. Нечун бу тартиб вайрон этиш, ёндириш, шавқатсиз кириш, талаш... Йўқ, инқилоб деган бу таҳлит бўлмас, зўравонлик бу, босқинчилик! Юртпарвар миллат кишилари нечун бу қирғин-баротга йўл кўйдилар, нега халқнинг бор-йўғидан хабарсиз ўлпон йиғдилар?

Қодирхўжа отасининг ёнбошидан суяб, айвон зинасига етаклади. Чол бир зина босиб-босмай тўхтади:

- Миллат қайғусида Бухорога кўшин чорлаган биродарингиз қайда, нечун индамайсиз, ўғлим?

Қодирхўжа тушунди, отаси “Ёш бухороликлар”га шаъма қияпти. Дарвоқе, нечун дўсти Файзулла бунинг каби талонга бепарво ёки билмайдими, шаҳарни кофирга тўлдириб, ўзи қаёққа гойиб бўлди?

- Отажон, ўзингизга маълум, уч кундирки оиламизнинг ташвиши билан бандман. Бухоро эгасиз қолди. Эгасиз юртни талашар экан. Боши берк - чорасиз кўчага кириб қолдик. Кимга ишонишни билмайсан киши.

- Ўзингизга ишонинг, Қодирхўжа, юртнинг эгаси бор, бугундир, эртадир бузгунчилар, юрт талашганлар жазосини топади, ўзи бошлаб келган яроқ бошини ейди. Юрт босиб барака топиш мумкин, аммо шуни билингики, юрт сотиб барака топмайсиз. Молдан-ку, кечдингиз, энди жондан кечиб бўлса-да, биродарингиз Файзуллога учранг, сизга айтган омо-

нат сўзимни унга етказинг. Қўлидан келса, итларини боғласин, халққа жабр бўлди, хўп жабр бўлди, талагани етар, ҳаққи қолмади! Ўз қавмига озор етказган барака топмайди, - чол зинага хорғин чўқаркан, Қодирхўжа ангиадикки, отасининг унга айтадиган сўзи тугади. Умр бўйи зар йиққан, тилло йиққан одам нечун бугун йўқотган молу дунёсига ачинмайди, юрт дейди, қавм дейди, қадди тик, юрагида галаён... Қодирхўжа остона ҳатлаб кўчага отиларкан, ушбу мулоҳаза юрагини ўтдек куйдирди.

У шаҳарнинг ҳаробага айланган кўчаларидан ўтиб бораркан, шундай ўйларди: “Яқингача Файзуллонинг менингдек дўстлари кўп эди, тарқаб кетдик, у эса аҳдидан қайтмади. Нечун мен инқилобчи бўлмадим, худо асрадим, журъат етмадимки ё унингдек замондан ўзиб яшолмадимми?” У шундай ўйларкан, нияту маслакларининг чилпарчин синиши - тескари аксидан ўзига келолмасди.

Катта минора ва масжид атрофидан узоқ айланиб юрди. Қорайган гишт, тупроқ уюмлари қабристонни ёдга солади. Ҳафта олдин шаҳарнинг энг обод, файзли манзили ҳисобланмиш бу азиз жойларда беш-олтитадан бўлиб қизил аскарлар турар, улар ҳаробаларни кўриклашаётгандек тева-ракни зийрак кузатишар, ярадор минорага ҳеч кимни яқинлаштирмас эди.

Муштарини тутиб, аскарларга яқинлашаркан, қулоғига бегона - ўрисча сўзлар чалинди:

- Стой! Куда ты, сарт?

- Помоему он бай!

- Амирнинг қариндошимикан, отамиз! Аскарлар бирин-кетин гирдини ўраб олишди. Қодирхўжа ўртада тўхтади.

“Отамиз” дедими? - у бир хил кийинган аскарларга разм соларкан, ўзбекча сўзлаган ёшгина йигитга тикилиб қолди. Бехос отасининг: “Ўғлим, менинг қочадиган гуноҳим йўқ”, - деган сўзларини эслади. У отишга ишқибоз аскарга яқинроқ бориб:

- Қочмагани отасизми, йигит? - деди. - Қўйингчи, биродар, ўзлари қим бўладилар, сарполар қулиқ бўлсин, хўп ярашибди! Сизга яроқ тутганлар адашмабди, баракалла, отинг мени, нега қараб турибсиз, камлик қилса, ана, Минорайи калонни отинг, қулатинг, нега қараб турибсизлар?!

- Мен қизил аскарман, инқилоб кўриқчиси, ўзингиз кимсиз, ҳужжат?!

- Ҳужжат сизда бўлади, қизил йигит, мен бухороликман, бухоролик Қодирхўжа! Мени каттангизга бошланг, айтадиган гапим бор.

- Каттамиз штабада, ўртоқ Фрунзе ниҳоятда банд, у сизни қабул қилмайди, гапингиз бўлса, марҳамат, ўртоқ комиссарга айтинг, - деди у чеккароқда нописанд турган малласоч кишини кўрсатиб.

"Ёраб, отам башоратчи экан, "Энди қисматингиз оғир кечади, ўғлим" деб ҳозиргина айтмаганмидилар? Наҳотки энди гапирадиган сўзимга, босадиган қадамимга шулардан ижозат сўрасам? Бухоронинг кўлдан кетгани ростга ўхшайди. Ё, Амири аъзам, қадрингизга етмабмиз-ку, биз гофил бандаларни шайтон йўлдан оздирмиш, мана оқибат, мана инқилоб!..."

Бу орада аскар йигит комиссарнинг сўзларини Қодирхўжага етказишга шошилди:

- Ўзингизни таништиринг, таъқикланган зонага нега кирдингиз?

- Боя айтдим-ку, нега англамайсиз, бухоролик Қодирхўжаман, дўстим Файзуллога ишим бор.

Аскар унинг сўзини комиссарга етказди. Комиссар чирт этиб ерга туфурааркан, нималардир деди, асабийлашди. Сўнг у бошлигининг сўзини шундай ағдарди:

- Ўртоқ комиссар сизга ишонмайди, у дейдики, дуч келган бухоролик ўзини Файзулла Хўжаевга дўст деб таништиради, бўлмаган гап бу. Сизлар уни ёмон кўрасиз, сиз феодаллардан уни ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиз. Хўжаев Бухоро инқилобининг калити, у бизга керак. Тушундингизми? Энди биз билан юрасиз, шахсингизни аниқлаш лозим.

- Чиғирқдан ўтасан денг, менга ишонмайсизми, тўғри қиласиз, бегона юртнинг шоҳи гадоси-да бир, ишонманглар, ишонманглар менга!

- Гражданин Қодирхўжа, нега ундай дейсиз, Бухоро бизники, биз уни озод қилдик, ёт кўллардан, манфур амирдан озод этдик, яшасин Инқилоб! Ёки сиз қаршимисиз бизга, хато қиласиз, сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда мана бу, эски тузум сарқити - амирнинг сояси ажал минораси ҳисобланмиш баландликка чиқиб

"Яшасин инқилоб!" деб бақирардим.

- Э, шундай денг, ажал минораси деб номладингларми, йўқ, иймон минораси бу, сизлар келгунда минорада сўфи азон айтган, барча мўмин-муслмонни эътиқодга бошлаган, - унинг сўзига ҳеч ким эътибор бермади.

Ўзига ярашиқли кийим кийган Қодирхўжани олиб кетишаркан, ёнидаги аскар чўнтагига қўл суқди:

- Тилла бар? Золото, золото?..

* * *

...Фрунзе аскарларининг муваққат штаби Олимхон Архига жойлашгач, инқилоб учун ҳавфли саналган ҳар бир кишининг тақдири шу жойда ҳал этила бошланди. Гумондорлар гуруҳларга бўлиниб, ҳукмдорга яқинлар амир хонадони билан юзлаштириш учун тутқинликда сақланарди. Асосий штаб эса, Когон темир йўли бекатида, қизил аскарлар Қодирхўжани Аркка судрашган пайтда Файзуллашаҳардан четда - Когонда ўзи учун ажратилган вагонда ёлғиз эди. Фрунзе уни Бухорода туришини маъқул топмади, суиқасд уюштиришларини рўқач қилиб, вақтинчалик махсус вагонда яшашини маслаҳат (аслида буйруқ) берди. Фрунзе ушбу тадбири билан икки вазифани адо этди: биринчиси, Хўжаевнинг четда туриши шаҳарда ўз истагича тинтув ўтказиш, хоҳлаган одамни қаршиликсиз қамаш, отиш - ҳар бурчида хазина яширилган Бухоро тиллаларини ижозатсиз йиғиш имконини берди; иккинчиси, инқилоб курашчисининг ҳаётини кафилликка олиб, қизил армиянинг садоқатини намойиш этди.

Ҳар икки тадбирни манфаат асослар, манфаат оқлар, шу боис қаршиликка ўрин йўқ эди.

Файзулла илк кунларданок савдогар отасидан мерос жамики бойлигини инқилоб ғалабаси учун ихтиёрли топширди. Айтиш мумкинки, бу борада у шахсий намуна кўрсатди. Унингча, эътиқод синовининг бундан бўлак ишончли усули йўқ эди. Узоқ муддат Бухорони мустақил ривожланган тенглик ва адолатли конунлар устиворлигига қурилган давлат бўлиши учун курашган экан, бундай улғ мақсад учун наинки шахсий мулк-бойлик, жондан кечишга ҳам тайёр эди у.

Ёлғизликда ўтаётган ҳар лаҳза унга тинчлик бермас, ўзича сабаблар топарди. - Агар у бизнинг ислоҳатлар-

ни қабул қилиб, амалга оширганида, бугун... кўрқди, ўзидан кўрқди, тахтдан кўрқди. Олимхон узоқни кўролмади, ўзига ишонди, пилта милтиқ билан кўролланган қари лашкарларига ишонди. Тақдир мен тараф бўлиб, ўрис кўроли билан уни енган эканман, қисматдан тонмайман. Отадан давлат қолади, мол қолади. Лекин унга мамлакат қолди, Бухоро қолди, у шунга лойикмиди?..."

Бухоро таланар, Бухоро ёнар, у эса ўз-ўзи билан хаёлан талашар, ўтган воқеалар бўлак имкон бермасди. Минг тўққиз юз ўн саккизинчи йилги Колесов жангидан сўнг унинг энг катта имкони жим туриш эди. Бир марта ишончли йўқотган маҳаллий инқилобчи иккинчи бор қизил армиянинг мададидан умидини узиши керак. Лекин унга ишонишди. Файзулла бўлгани учун ишонишди...

У шундай ўйласа-да, сўнгги икки-уч кунлик воқеалар силсиласи, бир-ярим ёнига келиб кетаётган яқинлари, маслакдошлар, қариндошларининг очик-ойдин норозиликлари бир дақиқа бўлсин тинчлик бермасди. Рост, қизилларнинг мадади кимматга тушди, лекин на чора, энди ортга йўл йўқ, кўприқлар синди.

Ниҳоят, вагон пардасини суриб атрофни кузатди: аскарлар терлаб-пишиб аҳду жаҳд билан елкасига қоп ташир, бирин-кетин тўлган вагонлар эшиги танбаланиб, соқчилар сони ортиб борарди. "Агар шу билан қутилсам, шу билан уларнинг қадами Бухородан узилса, - дея ўйларди у, - билингки, Бухоро ўзининг иккинчи умрини бошлайди, биз янги, мустақил давлатнинг пойдеворига гишт қўйган бўламыз..." Аммо бунга хали эрта, ўй-хаёллари тор вагонда, аскар кўриқчилигида, Бухородан четда кечаётган орзу эканини билмасди. Бухоро воқеалари шу қадар шиддат билан кечдики, энди у темир гўшасида тинч туролмас, шошилиш режалар тузар, ён дафтарига қайтлар ёзар, кимлар биландир хаёлан баҳслашар, вазифалар юкени таксимлар, хуллас, вақт унга, у вақтга тинчлик бермасди.

Нохос эшик тақиллаб, соқчи кўринди:

- Сизни сўраб келишди.

- Ким!

- Дўсти Қодирхўжаман, дейди, рухсатномаси бор.

- Кирсин.

Қодирхўжа вагонга кирганида у ярим сурилган парда ёнида туриб, бир маҳаллада улғайган болаликдаги ўртоғи ҳақида ўйларди: "Келгани яхши бўлди, у мени тушунади, ўтган гиналарни унутамиз, энди бизни иш бирлаштирсин, Бухоро бирлаштирсин".

Дўсти Файзулла кутганчалик кучоқ очмади, ҳаяжонланмади, бегона, бутунлай ёт бир кишига кўзи тушгандек ажабланиб қараб турди. Бир дақиқалик оғир сукунат Файзулланинг юрагига тошдек қадалди. "Нега мени тушунишмайди, нечун менга бундай қарайдилар, ҳамманинг кўли менинг ёқамда, ахир менга ҳам суянчиқ керак, қани ўша мард, ким бор?!"

Жимликни Файзулла бузди:

- Дўстим, тоқатинг етса, яна бир дам жим тур, гепирма. Мен бир ойдинлик тилайман, кўнглим эса кун сайин қора, қоп-қора: кўчинг етса, менга кўлингни узат, мадад бер, қадамим ёруғликка етсин, у ёғини ўзимга кўй, қаддимни тиклайман.

- Сен бошқа юртнинг одами-сан, - сокин тилга кирди Қодирхўжа, - танимайман сени, ёлгонми? Атрофингда соқчилар, ортингда юк тўла вагонлар! Сен мен учун гўё Бухорога келгансану савдонгни пишитиб, яна тўлиб-тошиб юртинга кетаётгандексан! Қаёққа жўнатаяпсан бу олтинларни?! Бухорога қасдинг бормиди?! Яна кўл чўз дейсан, сен шайтонга кўл узатдинг, сенга шайтон мадад берсин! Отангдан, уйингдан, ҳаммамиздан кечиб, топган тахтинга тупурдим! Нима қилиб турибсан бу ерда бекиниб, олиб чиқ темир тахтингни, Аркка ўрнат. Олимхон кетди, энди у йўк!

- Бухорога қасдинг бормиди! - Файзулло Қодирхўжанинг сўзини такрорлади. - Кеча амаким ҳам худди шу гапни айтди: Азоб-ку бу даъвои эшитиш, тушунтириш азоб. Мен сенларнинг қай биринг билан айтиб-эшитай! Шу кунгача ёлғиз эдим, наҳотки, яна ёлғизлик қисматим бўлса? Бунақада мен ким билан давлат қураман?! Йўк, сенлар гинани биласан, хатони кўрасан, лекин суянчиқ бўлолмайсанлар!

- Гапирма, сенга суянчиқ бўлишдан худо асрасин! Юртини кофирга топширган одамни мен тушунмайман!

- Менинг ўз режам, мақсадим бор. Сенлар юртни эмас, ўз молинг,

жонингни ўйлайсан! Бугун бўлмаса эртага мени халқ тушунади. Олимхондан кутулганига шукур қилади...

- Олимхон менга эмас, сенга яқинроқ эди. Мен тахт ҳавасидан узокда эдим. Тинчгина оилам, касб-корим, юрагимда шукронам бор эди - ҳаммасини тўзитдинг! Кошки тўзиган бир мен бўлсам? Айт! Даъвога арзимайдими булар?! Жавоб берасан, ҳаммасига жавоб берасан, юртнинг даъво-си елкангда турибди, кўзларинг кўр сенинг - кўрмайсан, қулоқларинг қар сенинг - эшитмайсан!

...Мутелик, бўшаганлик Файзулланинг табиатига ёт эди. Мақсадга эришишнинг қонунли йўли, вайронагарчилик, кўплаб яқинларидан ажралиш уни янада теранроқ ўйлашга, Бухоро билан боғлиқ ҳар бир катта-кичик воқеани қайта-қайта тафаккур мезонидан ўтказишга мажбур қиларди.

..Чўнтагимдаги сўнгги ақчамни тортиб олишди, - Қодирхўжа ҳамон тик турганича гапирарди. - Бу қадар пасткашлик?! Тунда отамни тунашибди. Бугун маҳаллани қон қақшатиб, кўзи тушган одамдан тилла талаб қилишади. Кечалари уйма-уй изғиб ўлпон йиғишади... Қарғишга қолдинг Файзулла, кўлингдан келса итларингни боғла. Халқни талагани етар, сендан қизиллар миннатдор бўлишса, шу ёғи ҳам етиб ортади. Амирни қулатишга етқулик, балки ортиқроқ хизмат ҳақи тўладинг! Энди айт, бизга тегмасин, бева-бечоранинг оҳи сенга етмаса, Оллоҳга етади!

Қодирхўжа! - Файзулла унинг кифтидан чангаллади. - Хотин-қарғиш сўзларингдан тўйдим! Яхшилаб эшитиб ол: Бухоро шу кунгача ватаним эди, энди эса қисматимга айланди! Биласан, қисматдан ҳеч ким кечолмағай. Агар тақдир устимдан қулмаса, Бухорони қайтадан қураман. Сен ҳали Файзуллани билмайсан!..

Сергак соқчи таҳдидли овоздан хушёр тортиб, вагонга отилиб кирди. Файзулла малласоч аскарга зўрма-зўраки жилмайиб: "ҳаммаси жойида, чиқиб тур" деди русчалаб.

У вагон бўйлаб аста юра бошлади, буткул тинчини йўқотди. Бир-биридан чалқаш, ҳавотирли ўйлар таъсирида вагондан отилиб чиққиси келди. Унинг чорасиз пайтлари кўп бўлган, лекин бугунгидек ўтган воқеаларнинг барча маломати йиғилиб бо-

шидан ёғилмаган эди. Нималар бўляпти ўзи? Бари унинг ихтиёрисиз кечди, у биладикки, унинг хоҳишидан шиддатли, қудратли бир куч Бухорога бостириб кирди. Фрунзе лашкарларининг қадами етган Бухорога ҳаммадан кўпроқ у масъул эмасмиди?..

Бир муддат жимликда кечган фурсат соқчиларни янада хушёрликка чорлади. Бу гал улар вагон панжарасидан пойлашди, ҳатто бириси пойлашганини атай яширмади, тиржайиб, очик-ойдин ичкарига разм солди.

- Кимни пойлашяпти, - деди Қодирхўжа, - меними, ё ...

- Мени пойлашяпти.

- Йўк, ҳато қиласан, Файзулла, уларга сен эмас, Бухоро керак! Холингни кўриб ҳаммасини англадим, энди кўлингдан бир иш келиши мушкул, сен алақачон болшавойнинг арвасига мингансан, тушмайсан, тушолмайсан, тўйиб-тўйиб кўшигингни айтасан, айтмасанг айттиради!

Файзулла уни эшитмагандек, хотиржам кўзларига тикилди:

- Дўсту биродарларга айт, Бухорони ташлаб кетишмасин, ҳали бир-биримизга керак бўламиз. Янглиш фурсат тез ўтади, менга ишонинглар, Қодирхўжа. Кел, хайрлашамиз.

- Кетаман, - деди Қодирхўжа орқага тисланиб, - лекин сенга ишонмайман, Файзулла, ишонмайман! Оллоҳга қасамки, барингдан ўч оламан, токи тирик эканман, ўч оламан... У эшикни тарақлатиб ёпди.

* * *

Бир муддат ўтгач, кетма-кет ўқ овози эшитилди. Қодирхўжа чуқур хандакда қонга беланиб ётар экан, Файзулланинг сўнгги сўзларини эслади: "...Янглиш фурсат тез ўтади, менга ишонинглар, Қодирхўжа..." У кўзларини катта очиб, чидам билан хўрсинди. Нохос тепасида белкурак кўтарган аскарлар пайдо бўлди.

У ҳали жони чиқмаган - тирик жасадини тупроққа қориштираётганларини томоша қилиб ётди, кўзларини юммади, юмолмади. Боши узра - осмонда элас-элас ярадор катта минора аксланди. Бир ўқ билан, ўн ўқ билан қуламаган минорадан мадад истагандек ўнг кўлини чўзмокқа талпинди-ю, шу лаҳза елкасига тош урилди, юзига қум тушди, кўзлари уни зулмат қарига тортиб кетди.



Абдуқоюм ЙЎЛДОШ



ҚИССА

“23 январ. 19... йил. Душанба. Оқшом.

Кундалик тутарман, деб сира ўйламагандим. Эҳтимол бунга ўқувчилик йилларим мактабдош қизларнинг чучмал жумлалару алмойи-жалмойи шиғирларга тўла “Хотира дафтари”ни тутқазиб: “Бир нима ёзиб беринг”, дея илтимос қилаверишлари меъдамга тегиб кетгани сабаб бўлгандир. Устига-устак, фикри ожизимча, кундалик - рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг мухтасар баёнигина эмас, кўнглида кечган ўй-мулоҳазалар, хусусий қарашларнинг ўзига хос оинаси ҳамдир. Камина эса, ҳар нечук, - ушбу битикларим ортиқча мактанчоклик бўлиб туюлмас, - матбуот юзини кўрган мақолаларим, суҳбатларимда дилимдаги пинҳон фикрларимни, нуқтаи назарларимни тўқиб солишга имкон қадар ҳаракат қилганман. Тўғри, касбимизнинг ўзи шуни тақозо этади (очига кўчганда, ҳали бўёғи қурмаган рўзнома саҳифаларини кўздан кечираётим, бирон гўрсўхта амалдор ёхуд пулдор бойвачча помидан берган ў з и м н и н г мақоламдаги ў з и м н и н г фикрларимга кўзим тушганда, баайни куппа-кундуз қуни катта кўчада ёнидаги пулиннинг бир қисмини олдириб қўйган лапашангдай талмовсираб, гарангсиб қоламан. Нимаям дердим, буям худбинлихнинг бир кўриниши бўлса керак-да). Аммо осмондан сийқаси чиққан ҳавойи гапларни олиб, бир-иккита “қизил” жумла қўшиш билан долзарб мавзуда “серсув” мақола ясаб ташлайдиган, сўғин ўзлари ёзган нарсаларга ўзлари ижрғаниб қарайдиган журналистларга ҳам кўп бор дуч келдим...

Таътилнинг биринчи қуни ҳам оёқлаб боряпти. Ўтган йили қишлоқда гишт қўйиш билан ўтказилган таътилимдан қайтгач, уч-тўрт кунгача нечукдир рисоладегадай жумла тузолмай каловлиниб юргандим. Бу йил қишда дам олаяпман. Иложи борича газета-журнал ўқимай, ҳатто телевизорни ҳам камроқ томоша қилиб, бир ой ҳордиқ чиқармокчиман. Шунга қарамай, қўлим қаламдан бутунлай чиқиб кетмасин деган ниятлами, кундалик тутиб, у-бу нарсаларни

фақат ўзим учун қайд қилиб боришга аҳд қилдим. Насиб қилса, таътил тугаган қуниёқ ушбу бекорчи битикларимни оловга ташлайман. Шунинг учун бўлса керак, жумлалар силлиқ, равон, таҳрир талаб этмайдиган бўлиш-бўлмаслигига ҳам умуман эътибор бериб ўтирмаяпман.

24 январ. Сешанба.

Эрталаб нон олай деб бозорга борсам, Тоштемир бўлам бир юк машинасини дарвозага тўғрилаб турибди. Қучоқлашиб кўришдик. Дарров қишлоқдагиларнинг ҳолаҳволини сўрадим. Худога шукур, ҳаммаси яхши экан.

Бўлам иккала ўғли билан ўн қоп ерёнғоқ олиб келибди. Йиғитчалар юкни тушириб бўлгунларича бўлам билан бозор айландик.

Расталарга ерёнғоқ деярли йўқ ҳисобида. Бориям - қовурилгани. Буни кўриб бўлам хурсанд бўлиб кетди. Сўнг, мени анча йиллик шаҳарлик, бозорнинг ҳам устаси фарангларида деб тусмол қилди шекилли, нарх борасида маслаҳат сўради.

Одам - ожиз мавжудот. Мақтанишга арзигулик нарсаси бўлмаса, жиллақурса ҳамсуҳбати кўнглида ўзига нисбатан эҳтиром уйғотсам дейди. Мен ҳам аслида алифни “қалтак” деёлмайдиган бу соҳада гўёки кўп нарсани тушунадиган одамдай ролга киришиб, жиддий тарзда бўламнинг ўз мўлжалини сўрадим.

- Овулда кўтарасига саккиздан олиб кетишяпти, - деди бўлам чаккасини қашлаб. - Энди биз ейиш-ичиш, мошин пулини қўшиб, ўн иккилардан сотсак, одамлар олармикан?

- Унда бундай қиламиз. бўла, - дедим қорни оч одамларга хос илҳомлиниб. - Бир нарса сотишдан аввал энг аввало бозор психологиясини яхшилаб ўрганиш керак. Бозор психологияси дегани нима? Бу - арзонга, яна сифатлироқ мол сотиб олиш дегани. Демак, биз мана шу эҳтиёжни қондиришимиз лозим...

Қисқаси, менинг “қимматли” маслаҳатимга кўра

ота-болалар бир растадан ёнма-ён учта жой оладиган бўлишди. Биринчи ўғил нарх сўраганларга “Ўн тўрт, лекин ками бор”, дейдиган бўлди; иккинчи ўғил “Ўн олти, ками бор”, дейди; бўламнинг ўзи эса “Бўлиши ўн олти” деб оёқ тираб тураверди. Менинг режам жуда жўн эди. “Ками” кўпи билан икки сўмга боради. Демак, кўзимга удли-шудлигина кўринган кенжатоё ерёнғокни 12 сўмдан, лекин асосий қисмини сотади. Шу мақсадда унинг пештахтаси тагига саккиз қоп ерёнғокни тахладик. Тўнғич ўғил ва бўламга эса бир қопдан тегди.

Шу билан катта иш қилган одамдай мамнун қиёфада уйга қайтиб келдим.

Кечкурун термосга чой, идишга овқат солиб бозорга борсам...

Ё мен бозор илмини мутлақо тушунмайман, ё харидор “психологияси”га нимадир бўлган, ишқилиб, бутун ҳисоб-китобларимнинг оёғи осмондан келибди! Яна денг, бўлам фойдасига!

Хуллас, натижани қаранг: кенжатоё килоси 12-13 сўмдан атиги икки қопча ерёнғок сотибди, холос; тўнғич ўғил 14-15 сўмдан бир қопча сотибди. Қолган барисини бўламнинг ўзи нақ 16 сўмдан пуллабди!

Во ажабо! Ерёнғок бир хил бўлса, бир томорқада етишган бўлса...

Афтидан, “арзоннинг шўрваси татимас, қиммат беҳикмат бўлмас”, деб бежиз айтишмайдилар, шекилли.

Оғзи қулоғида бўлам мени маҳкам кучоқлаб олдида, бир чангал пулни мажбурлаб чўнтагимга солиб кўйди. Кўзлари чақнаётган кенжа ўғил, бўлғуси қуёвтура эса ярим салафан халтача ерёнғокни кўлимга тутқазди.

Ҳаммамиз хурсандмиз. Қопларни йиғиштириб бўлган бўлам бизни бозор биқинидаги чойхонага бошлаб бориб, қиркка “заказ” кабоб, битта бурама қопқокли “Распутин” ароғидан буюрди. Мен опкелганларимни дастурхонга олдим. Ҳаммаёқ “сен же, мен же” бўлиб кетди...

Меҳмонлар уйга боришга кўнишмади. Ҳали охириги автобус жўнашига ярим соатча бор экан, таксига ўтириб, автобекатга кетишди.

Секин пулни олиб санаб кўрсам - 140 сўм. Ҳимматингизга балли-эй, бўла!.. Шундай тез-тез келиб туринг. Сиздан маҳсулот, биздан маслаҳат. Шунча йилдан бери шаҳарда бекорга санғиб юрганимиз йўқ ахир. Бозор деганларининг пири бўлиб кетганмиз, пири!..

25 январ. Чоршанба.

Қаламқашлар орасида азалдан шундай латифа юради. Эмишки, бир журналистга миллион сўм беришибди-да, “Хўш, энди бу пулни нима қиласан?” деб сўрашибди. “Қарзларимни қайтараман”, пинак бузмай жавоб қайтарибди журналист. “Қолгани-чи?” дея хайрон бўлиб яна сўрашибди. Журналист яна пинак бузмабди: “Қолганлар кутиб туради...”

Майда-чуйдаларниям йиғиб ҳисобласам, жами қарзим уч юзга яқинлашиб қопти. Аммо ҳамкасабам сингари мен ҳам пинак бузмадим. Зеро, биринчидан, ҳали меҳнат таътилим пулини олганим йўқ; иккинчидан, моддий ёрдам пулиям бор. Иккаласини қўшсак, солиқ-полиқлар олинганидан кейин, кўлга беш юзлар тегиб қолар. Шундай экан, гамкайғуга на ҳожат, илк бор “тижорат воситачилиги” қилиб

топган маблағни ошқозонга сарф қилган мақбул кўринадур...

Кўчага чиқиб, автоматдан телефон қилган эдим, ҳисобчи аёл таъбимни тирриқ қилди: банкда пул йўқ эмиш. Умуман, ўтган йил ҳисоботлари тўлиқ топширилиб, солиқ инспекцияси тасдиғидан ўтмагунча пул ҳақида гап бўлиши мумкин эмас...

Асабийлашиб... яна бозорга йўл олдим. Кўнғил-да, илинж бор, овулимизнинг ярми ерёнғок экади. Бўламга ўхшаганлардан яна биронтаси учраб қолсаю, худо “ол, қулим” деб юборса...

Надоматлар бўлғайким, бозорни уч айланиб чиқиб ҳам бирон таниш чеҳрани учратмадим.

29 январ. Якшанба. Оқшом.

...Дунёдаги жами воқеа-ҳодисотларни тасодиф отлиғ хилқат бошқариб турмайдами? Дейлик, дунёга келишимизнинг ўзиёқ тасодиф эмасми? Бошқа маконда ёхуд замонда эмас, айнан шу вақтда, шу жойда яшаб турганимиз-чи? Ёинки буларнинг барисида қандайдир биз билмаган, англаб етмаган, ҳис қилмаган собит ботиний қонуният, ўсиб борувчи алжабр сонларидек ички тартиб ва интизом мавжудми? Тасаввурга сиғмас даражада ададсиз Коинот, милёнлаб-миллардаб сўнган-сўнмаган юлдузлар, жажжигина сайёрамик бўлимиш она-Ер бағрида кўз очиб-юмгунча ўтадиган умримиз силсиласи қай Куч измида? Наҳот, ҳар бир тартибсизлик замирида мукамал тартибот бўлгани мисоли, ҳар бир тасодиф ботинида кўз илғамас қонуният яширин...

Бир кўшим бор. Деярли тенгдошимиз. Шунинг учун, бир-биримизни сиз-сизласак-да, отимизни айтиб чақираверамиз. Аҳмад асли Бухородан. Мен кўчиб келган йили заводда муҳандис бўлиб ишларди. Ўзи Киевда ўқиб келган. Сўнг ишини ташлаб, тижорат автобусларида аввал Қирғизистонга, кейин Қозогистонга қатнай бошлади. Яқин бир йил бўлдики, Аҳмад фаолият доирасини кенгайтириб, энди самолётларда бу ёғи Ўрусия, у ёғи бошқа хориж мамлакатларига зир қатнайди.

Аҳмад билан онда-сонда учрашиб қоламиз. У доимо катта-катта жомадонлар қуршовида бўлади. Салом-алиқ, бир-икки оғиз ҳол-аҳвол сўрашиш ва шунчаки мулозамат юзасидан айтиладиган “чиқиб туринг-а” каломлари орасида кўшим Масковдан ёки Бирлашган Араб Амирлигидан келаётганимиз, ўша ёқларга кетаётганимизни кистириб ўтиб кетишга улгуради. Баъзан, ярим кечасими, темир эшикнинг қарсиллаб очилиб-ёпилганини эшитарканман, кўшим яна қаердандир қайтиб келганини ёки қаергадир кетаётганини билиб қоламан. Бошқа маҳаллари бу хонадон сув куйгандек жимжит бўлади.

Дастлаб танишган маҳалларимиз Аҳмад қорачадан келган, қотма, зуваласи пишиқ, адабиётдан анча-мунча хабардор йигит эди. У ўша пайтлари заводдаги ўрислар билан кўшилиб, қабул пунктига макулатура топширар ва эвазига камёб китоблар олиб юрарди. Ҳатто бизнинг газетамизга муҳандис қадри мавзуида мақола ҳам ёзиб бермоқчи бўлганди.

Мана, орадан икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу орада Аҳмадбой анча тўлишди, кичкинагина бўғчадай қорин солди, бармоқларида тилла узуклар ўйнайдиган бўлди, оғзида тилла тиш... Кийинишни-ку, қўяверинг,

ярашса-ярашмаса фақат хорижники ва назаримда, асл моллар.

Қисқаси, шунча йил кўшни яшаб, ҳали бирор марта остонамга қадам босмаган Аҳмадбой бугун тушлик маҳал тўппа-тўсиндан эшигимни тақиллатиб турибди-да.

Ажабланганимни билдирмасликка уриниб кўноқни ичкарига бошладим.

Фотиҳадан сўнг ҳам меҳмон кутиладиган, ҳам иш қилинадиган, ҳам ётоқ ўрнини босадиган яланғоч хонамининг гулқоғозлари кўчган деворларини бир қур танқидий нигоҳдан ўтказган Аҳмадбой нон-чой учун ўрнимдан тураётганимда кескин қўл ҳаракати билан мени тўхтатди ва тўғридан-тўғри мақсадга кўчақолди:

- Сиз... вилоятдансиз-а*, кўшнижон.

- Йўқ, мен... вилоятданман. Нимаиди?

Ўзининг мутлақо ҳақлигига ишониб турган эканми, кўшнимнинг пешонаси тиришиб кетди.

- Афсус.

- Нимаиди?

- Унда Н. шахрини биларсиз?

- Албатта. У ерда бир-икки марта командировкада

бўлганман.

Кўшнимга жон кирди.

- Э, хайрият-эй!

- Бахайрми?

- Бахайр, кўшнижон, бахайр. Кеча Дехлидан қайтаётиб, самолётда ... вазиригининг масъул ходими билан бирга ўтириб қолдим.* Шу кишидан билиб олдим. Ўша Н. шахрида "Тулноз" номли тикувчилик фабрикаси бор экан. Шу фабрикадан момик сочиклар, чойшаблар, кўрпа жилдлари чиқаркан.

Аҳмадбой "Тушундингизми?" дегандай менга қараб тураверди. Ахийри, мен елка қиснишга мажбур бўлдим.

- Хўш?

- Энди, кўшнижон, биласиз, сабаби тирикчилик, уёқ-буёққа бориб турамиз. Ҳозир ҳеч жойга қуруқ қўл билан бориб бўлмайди. Ахир, айтишадик-ку, қуруқ борсанг - қуруқ қайтасан, деб. Лекин оборманга яраша ўтадиган, бозори чаққон моллардан обориш керак.

Бу икки қарра иккидай аён ҳақиқатнинг менга нима алоқаси борлигини тушунолмайдиган гаранг бўлиб:

- Гапнинг индаллосига ўтинг, кўшнижон, - дедим.

- Мухтасар ният шуки, кўшнижон, ўша момик сочиклардан ўн-ўн беш минг гаплашиб берсангиз.

- Тушунмадим.

- Вақтим зик, кўшнижон, шунинг учун сизга бир йўла ёзиб тушунтириб қўя қолай.

Аҳмадбой чўнтагидан ёндафтарчасини олиб, бежирим ручкасида дуч келган саҳифага ёза бошлади.

- Мана, қаранг, кўшнижон. "Тулноз"да тўқсонга ўттиз саккиз сочикнинг отпускная ценаси...

- Нимаси?

- Фабрикадан чиқиш баҳоси, кўшнижон, чиқиш баҳоси. Хуллас, ўша нарх 2 сўм 80 тийин экан. Майлига, мен уч яримдан оламан.

- Нега? Баҳоси 2 сўм 80 тийин деяпсиз-ку?

Кўшним бошини сарак-сарак қилди.

**Уэрли сабабларга кўра, айрим номлар ва исмларни кундаликдагидек келтиришнинг иложи бўлмади - А.Й.*

- Соддасиз-да кўшнижон, соддасиз. У ерда ўтирганларнинг ҳам нафси бор, ахир. Томоқ ҳаммада тешик... Хуллас, мен, майли, уч яримдан оламан. Ками билан ўн минг, кўпи билан ўттиз минг. Сизга эса, гаплашиб берганингиз учун ҳар бир донасига бир сўмдан бераман,

- Қанчадан?

Ҳар қалай, кўзим ола-қула бўлиб кетган бўлса керакки, Аҳмадбой мамнун жилмайди.

- Бир сўмдан! Ўн мингга гаплашсангиз нақд 10 минг оласиз! 30 мингга гаплашсангиз - 30 минг оласиз! Нақд санаб бераман! Сочиклар кўлимга теккан кун оласиз!

- Унда... битта сочик сизга тўрт яримдан тушаяпти-ку.

- Ҳа, ана, опкелиши билан бешдан тушсин. Биз шунисига рози.

- Унда... ўзингиз уларни қанчадан сотасиз?

Кўшним яна ёйилиб илжайди.

- Бу энди коммерческий сир, акун. Сиз ўз ҳақингизни олсангиз бас. Мен фойда кўраманми, зарарми - сизга алоқаси йўқ. Тушунарлими?

- Тушунарлику-я, лекин нега энди ўзингиз тўғри бориб хўяқолмайсиз шу фабрикага? Шунча пулни иқтисод қилардингиз.

Кўшним оғир уф тортди ва соатига бир қараб кўйгач, менга тижорат бўйича маъруза ўқишга тушди.

Аён бўлдики, Аҳмадбой фабрикага бориб, раҳбарият билан учрашишга, уларнинг кўнглига йўл топишга камида уч-тўрт кун сарфлаши керак экан. Кўшним эса, ҳар бир дақиқаси ҳисобли тижоратчи сифатида бу уч-тўрт кун ичида камида 50-60 минг фойда ишлаши керак экан. Бу биринчидан.

Иккинчидан, ўша фабрика яқинда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани билан ҳалиям ўз маҳсулотига ўзи эгаллик қилолмас экан, яъни, сочикларнинг асосий қисми бир неча йил аввал тузиб қўйилган шартномалар асосида олис-яқиндаги буюртмачиларга юбориларкан. Маҳсулотнинг жуда оз қисмини ва режадан ошиғинигина фабрика маъмурияти ўзи истаган жойга сотиш ҳуқуқига эга экан. Бунинг устига, молнинг залворли қисмига ҳокимият хўжайинлик қилиб, ўзи истаган жойга беришга ҳақли экан. Демак, барча юлиш-юлишлардан қолган маҳсулот жуда кам, унга талабгор эса жуда кўп экан. Бу эса, ўз-ўзидан таниш-билишчиликни, ошна-оғайнигарчиликни келтириб чиқараркан. Бундай шароитда Аҳмадбойга ўхшаганлар ҳамёнларини тўлдириб борган тақдирда ҳам бир иш чиқиши кийин экан.

Учинчидан, мен муҳбир бўлганлигим боис, фабрика раҳбарияти ҳузурига тўппа-тўғри, ҳеч бир тўсиқсиз кириб бораверарканман. Бу эса, ишнинг ярми битди, деган гап экан. Чунки ораликдаги текинхўр воситачилар занжирига ҳожат қолмас экан. Бунинг устига, Аҳмадбой қонунни ҳурмат қиладиган ишбилармон сифатида маҳсулотни раҳбариятга маъқул тарзда: хохлашса пул ўтказиш йўли билан, хохлашса нақд пулга сотиб олишга тайёр экан (албатта, биринчи вариантда "шапка"си нақд ҳолида бериларкан). Бу ҳолат ҳам менинг ишим битишини тезлаштирувчи ижобий омил бўлиб хизмат қиларкан.

Тўртинчидан (тижорат соҳасида юлдузни бенарвон уриш даражасига етишган кўшним масаланинг шу томони ҳам ҳисобга олибди. Қойил-э!), мабодо фабрика раҳба-

рияи хусусий корхона ёхуд шахсга ўз маҳсулотини беришдан бош тортиб, газетага ҳомийлик қилишга хоҳиш билдирса, марҳамат, Аҳмадбой газета ўрнига сочиқлар пулини тўлашга рози (Шу ўринда Аҳмадбой саховатпешалик қилиб, “шапка” учун мўлжалланган пулни редакциямиз ходимларига тортиқ қилиб юборди).

Ярим соатлик тижорат илмига кириш сабоғи менга анча нарсалар берди. Назаримда, энди оқ-қорани анча-мунча ажратиш даражасига етишдим.

Энг кизиғи ва қутилмагани суҳбат хотимасида бўлди.

Рости, бу сафарга кўнглимда унчалик ройиш тугилмай турганди. Бегона жой бўлса, бегона одамлар, дабдурустдан бориб: “Мен редакцияданман. 15-20 минг сочиқ керак эди”, деб турсам қандай бўларкин...

Баайни кўнглимдаги гумонни сезиб тургандай, Аҳмадбой чўнтагидан бир даста ўн сўмлик чиқариб берди.

- Манови арзимас пул сизга йўл харжи учун, кўшнижон.

Иссиғим чиқиб кетди.

- Э, кўйинг, кўйинг, мабодо иш битмай қолса, қарзимни қандай қайтараман?

- Иби, кизиқ экансиз-ку, кўшнижон, - росманасига бақариб берди Аҳмадбой. - Ким айтди сизга буни қарз деб? Нима, шундан шунга ўз пулингизга бориб келмоқчимисиз? Унақа содда бўлманг-да. Айтдим-ку, бу пул сизга йўл харжига деб. Мабодо, худо кўрсатмасин-у, иш битмай қолса, асло ўйланманг, сиз менга бир тийин ҳам қайтармайсиз. Бизнесда баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради.

- Ахир, йўлга бунча кетмайди, - эътироз билдиришга уриндим мен.

- Кетади! - чўрт кесди кўшним. - Кўпроқ кетади! Меҳмонхонада турасизми? Бу бир. Ресторанда овқатланасизми? Бу икки. Раҳбарлар, айниқса, керакли одамлар билан ўтириб қолганингизда асло ўйланмай пул сочавринг. Улар шунақаларни яхши кўришади. Бу уч.

- Бўлмаса, иш битиб қолса, хизмат ҳақимга минг сўм кам берасиз-да.

- Оббо, қанақа одамсиз ўзи, а? Айтдим-ку, бу пул йўл харжига деб. Тамом-вассалом! Қани, дарров чўнтагингизга солиб кўйинг-чи. Шундай бўлсин. Умуман, кўшнижон, сиз ўз ҳақ-ҳуқуқингизни билмас экансиз. Мабодо, чет элда яшаганингизда эди, мени ижоддан айириб, бизнесга юбораяпсан, етказадиган маънавий зарарингизга ҳисобга ол, деб камида яна ўн минг талаб қилиб турган бўлардингиз.

-Ха, энди, унақа даражага етишга бизга ҳали анча бор.

Янги пул чиққандан бери биринчи марта шунча пулни чўнтакка солишим эди. Одам жуда ғалати бўлиб кетаркан... Худди осмонда учиб кетаётган жўжа қабоб дастурхонингизда пайдо бўлиб қолгандай. Яна оч ўтирган маҳалингиз...

Кўшним эртага Масковга учиб кетаркан. Ўн кунлардан сўнг қайтаркан. Ўшангача ишни бир ёқли қилиб келсам бўлди экан. Битмай қолган тақдирда эшигига ёки почта қутисига кичкина хатча ташлаб кетсам ҳам бўлавераркан.

Ишига пухта Аҳмадбой дарров ўз хусусий корхонаси муҳри босилган тайёр шартномадан уч нусха, 38x90 со-

чикдан намуна бериб, фабрика маъмурияти шартноманинг қаерига имзо, қаерига эса маҳсулот сонини ёзиши кераклигини, тўлов қоғози қай тарзда тўлдирилишини кўрга ҳасса тутқазгандай эринмай ҳижжалаб тушунтирди.

Шундай қилиб, мутлақо қутилмаганда мен тадбиркорга, тўғрироғи, даллолга айландим. Бизнес деганлари жуда кизиқ бўларкан-да. Битта аслида қонуний шартнома ни имзолаб келишнинг ўзига 10,20, ҳатто 30 минг сўм тўлашса-я! Ахир бунча пулга бутун бошли битта китоб чиқариш ё бўлмаса уйни икки хоналига алмаштириш мумкин-ку!

Ў, худойим, наҳот яна бир бор “Ол, қулим!” деяётган бўлсанг? Агар йигит кишининг бошига уч марта омад қуши кўнади, деганлари рост бўлса, бир кўнуви айнан бугунги келишувимиз эмасми?..

Ў, агар қўлимда 30 минг бўлсам...

Ўзимга... Ота-онамга... Акаларимга... Сингилларимга... (Булар шунчалар ширин орзуларки, кўз тегиб қолмасин деган хавотирда қоғозга туширишгаям чўчиб турибман).

Тезроқ, тезроқ тонг ота қолсин. Ва мен йўлга тушай... Йўлга...

30 январ. Душанба. Кечқурун.

Ғолиб саркарда мағлуб тарафдан товон ундираётган маҳал тарози палласига қиличини ҳам қўйгани мисоли, пул васвасаси ақлдан музаффар ўлғач, одамни истаган кўйга соларкан. Йўқса, икки кунгина бурун мен қайда эдим-у, Н. шаҳри қайда эди? Икки кунгина бурун кўнглимда не ният эди-ю, ҳалига довури қайга сарфлашимни аниқлай ололмаётган 10, 20 ва ҳатто 30 минг сўм (!) пул ташвиши қайда эди...

“Тулноз” фабрикаси шаҳар биқинидаги маҳаллар орасига жойлашган кўримсизгина корхона экан. Бинолар тутдай тўқилай деб турибди, айтишларича, бу жойда яқин-яқингача вилоят марказидаги тикув-тўқув фабрикасининг филиали фаолият кўрсатган.

Хизмат гувоҳномамни синчиклаб кўздан кечирган қоровул чол эски телефон аппаратида рақамлар тера-тера алоҳа қасаба қўмитасининг раисига улаб берди.

Нимадир хириллаб, гоҳ-гоҳ хуштак ҳам чалиб қўяётган трубкани қулоғимга маҳкам босиб раис билан бир амаллаб гаплашдим. Ўзимни таништиргач, раҳбарларга учрашмоқчи эканлигимни айтдим. Раис бир муддат “Хўш-хўш”лаб ўйланиб тургач, соат тўрт бўлганини, энди катталарни топиш мушқуллигини, умуман, душанба - оғир кунлигини уқтираркан, яхшиси эртага эрталаб учрашишни таклиф қилди. Мен рози бўлдим. Сўнг, мулозамат юзасидан, раис ҳовлисига таклиф қилди. Табиийки, мен рад этдим. “Шаҳарда танишларингиз борми?” деб сўради раис. “Бор”, дедим. Шу билан хайрлашиб қўяқолдик.

Тупканинг тубида жойлашган кафтдаккина шаҳарчада таниш не қилсин? Тўғри, Бахтиёр деган йигит аини шу шаҳардан эди шекилли, лекин у билан сира ош-қатиқ бўлмаганман, ёзганларини бир-икки ўқиб берганман, холос. Наилож, қоровулдан шаҳардаги ягона меҳмонхона қаерда жойлашганини билиб олгач, шу ёққа жўнадим.

Йўл дўконлар қатор жойлашган раста орқали ўтаркан. Азбаройи вақтни ўлдириш учун бир-иккитасига кир-

дим. Ажаб, Аҳмадбой кўрсатган момик сочиқлар нақ... 10 сўм 20 тийиндан сотилаяпти! Афтидан, қўшним недадир янглишган. Йўқса шундоқ ёнбошида жойлашган фабрикадан 2 сўм 80 тийинга олинган сочиқ наҳот бир юмалаб 10 сўмдан ошиқроққа чиқиб кетса?! Қайдадир дўконлар олинган маҳсулот устига 45 фоиздан ошиқ нарх кўёлмайди, деб ўкигандим. Демак, сочиқнинг "отпускная цена"си камида олти сўм! Дўконлар лавҳаларига эътибор бердим. Тижорат дўконларидаям шу аҳвол, давлатнихидаям. Буёғи неча пулдан тушди энди?

Ха, қўшним янглишгани аниққа ўхшайди. Ё бўлма-са то мен етиб келгунча инфляция-пинфляция бўлиб, сочиқнинг нархи осмонга чиқиб кетган. Шунча тузиб келган режаларим нима бўлади энди? Наҳот уларнинг бари саробга айланса... Камбағални туянинг устида ит қопади, деганлари шу бўлса керак-да. Яхшиям, олдиндан минг сўм олганим. Энди шу пулни иложи борича иктисод қилишга тўғри келади. Бошқа илож ҳам йўқ. Меҳмонхонадан жўнроқ хона оламан, овқатланишга ҳам ресторанга тушиш шарт эмас. Бизга ўхшаган бечораларга ошхонанинг арзон лағмониям бўлаверади...

Оғир хаёллар оғушида деҳқон бозорига кирдим. Мева-чевалар бизга нисбатан арзонроқ. Дўппидеккина жойда чайқов бозориям бор экан. Кеч тушиб қолишга қарамай, одам гавжум.

Энди бунисига нима дейсиз? Башарасиданоқ кипкизил олибсотарлиги кўриниб турган бир-икки сотувчи ҳам айнан ўша сочиқлардан ушлаб туришган экан. Нархини суриштирдим. Осмондан келишади: "ўн икки... ўн уч..." Хатто биттаси ўн бешгаям чиқариб юборди. Худди кассаси тўла пул харидордай: "Ака, савдолашиб ўтирмайлик, бўлишини айтинг", дедим. Бири ўнга тушди, бошқа биттаси эса, агар "оптом" олсам тўққиздан топиб беришини маълум қилди.

Нарх-наво бу сафар ҳам мени қувиб ўтиб, чангида қолдириб кетибди, шекилли...

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб меҳмонхонага қайтдим.

Хушмуомала нозир "Фабрикагами?" деди паспортимгаям қарамасданоқ. Бош иргадим. Учинчи қаватдаги икки кишилик хоналардан бирида бўш ўрин борлигини эшитиб, рози бўла қолдим. Ҳар қалай, икки кишилик хона бир кишиликка нисбатан анча арзон бўлади.

Мана, хонага жойлашиб олиб, ёзув-чизувим билан машғулман. Шеригим ё шошилганми, ё ўзи асли сал палапартишпроқми, ишқилиб, ўрнини ҳам йиғиштирмасдан жўнаворибди.

30 январ. Душанба. Тун.

Ҳамхонам, жиззахлик Амирқул ҳозиргина чиқиб кетди. Жиккаккина, жойида сира тинч туролмайдиган, ёв қуваётгандай шошиб-пишиб гапирадиган, шунгами, жавобингизни ҳам эшитишга сабри чидамайдиган, ўзимиз тенги далли-ғулли йигит экан.

У зипиллаб кела сола жавондан кийимларини оларкан, ўзининг исмини, қаерданлигини айтишга, пойтахтда доллар "қаро бозор"да қанчага чиққани тўғрисида сўрашни уддалади. Аёнки, мен оғиз жуфтлашгаям улгуролмай қолдим. Аллақачоноқ эшик ёнига бориб олган Амирқул:

- Буни қаранг, - деди кўзларини кулғули тарзда олақула қилиб, - энди шапкасига доллар сўрашга ўтиб олишибди, ярамасдар! Ўғри бўл, ғар бўл, сал инсоф билан бўл-да, кизталок! Яна денг, нима эмиш, бозор курси бўйича эмас, расмий курс бўйича олармиш. Хе, чечангни... Нима, валютам бўлмаса, энамнинг қорнидан топиб келаманми?.. Жўра, юринг ресторанта, жўралар бор, бир отамлашамиз. Ўша ерда таңишиб ҳам оламиз.

Мен чарчаганимни баҳона қилиб узр сўрамоқчи эдим, қарасам, ҳамхонамнинг оёқ товушлари аллақачон йўлақдан эшитилаяпти.

Аломат йигит экан бу Амирқул.

31 январ. Сешанба. Пешин.

Ушбу қайдиларимни суваракларнинг сеvimли макони бўлган олдий меҳмонхонадан эмас, "Гулноз" фабрикасига қарашли уч қаватли ҳашаматли махсус меҳмонхонада ўтириб ёзаяпман.

Яхшиси, бир бошдан тушунтириб берай. Шунда, эҳтимол, бу ғаройиб такаллуфлар замиридаги сабабни аниқлаб олишим ўзимга ҳам бир мунча осон кечар.

Хуллас, тонг маҳал меҳмонхонада ёнида машинанинг чўзиб сигнал беришидан уйғониб кетдим.

Кўзимни очсам, ярим кечаси гандирақлаб кириб келган ҳамхонам мулойим кўзидай пишиллаб ухлаб ётибди.

Зум ўтмай эшик тақиллади. "Кираверинг", дедим фаррош келгандир деган хаёлда.

Хонага нозир оёқ учиди кириб келди ва менга унсиз салом бергач, шивирлади:

- Сизни Имомқул Арслоновичнинг ҳайдовчилари кутяптилар. Чиқаркансиз.

Нозир бу хабарни шундай оҳангда айтдики, баайни Имомқул Арслонович деганлари менинг минг йиллик қадрдонимдек. Шунинг учун, бундай улуг зотнинг кимлигини сўраш одобсизлик бўлиб туюлди ва мен индамасдан кийиниб, ташқарига чикдим.

Зулукдай қора "ГАЗ-31" да ўтирган тақамўйлов йигит чопқиллаб кела сола қўлини кўксига қўйиб салом бергач, яна чопқиллаб бориб машинанинг орка эшигини очиб турди.

Юмшоқкина ўриндиққа ястаниб ўтириб олганимдан сўнггина "Булар адашишяпти!" деган ўй миямга чакмоқдай урди. Албатта, адашишяпти. Шунча жойда хизмат сафарига бўлдим, хатто бир гал шикоят хати бўйича ҳам борганман, аммо бирон марта "Волга"да юриш шарафига ноил бўлмаганман! Ишқилиб, сохта ревизор Хлестаков ролига тушиб қолмай-да. Балки буларга аслида анави, энасининг қорнидан валюта олиб келмоқчи бўлган ҳамхонам Амирқул керакдир, деган андишада қоида-поидага риоя қилмай машинани катта йўлнинг ўртасида учуриб кетаётган ҳайдовчига сўз қотдим:

- Ака, кечирасиз-у, эҳтимол сизга Амирқулни олиб келиш топширилгандир?

Ҳайдовчи тормозни кескин босди, машина катта йўл ўртасида таққа тўхтади.

- А сиз кимсиз? - деди важоҳати бузилган ҳайдовчи мен томон ўгирилиб.

Вақтида томошанинг олдини олдим-да, деган ўйдан ҳам сал энгил тортдим, ҳам, очиги андаккина афсус чекдим.

- Биз энди Тошкентдан келган оддий бир мухбир, ака, - дея ўзимнинг доллари йўқ ожизу нотавон эканлигимни тан олдим.

Ҳайдовчи мамнун қиёфада яна чамбаракка ёпишди.

- Худди сиз керак эдингиз-да.

Нима дейишни билмай, лол-ҳайрон аҳволда қотиб қолдим.

Машина шувиллаб бир пасда "Гулноз" фабрикасига етиб келди. Дарвоза ёнида кечаги қоровул чол ва бир неча амалдоркелбат, бўйинбоғ таққан кишилар туришарди.

Биринчи бўлиб мен билан қуюқ кўришган қозоқбашара, ширғий кўз киши касабга кўмитасининг раиси Бобоев Кўбай экан. Қолганлари қанақадир цехларнинг бошлиқлари (уларнинг исмлари ёдимдан кўтарилибди).

Кўбай ака дарров қўлтигимдан тутиб ичкарига бошлади. Кеча телефонда гаплашганимиздан фаркли равишда, раиснинг оғзидан бол томарди.

-Укажон, танимасни сийламас деган гап бор. Хато биздан ўтибди, лекин сиз ҳам ёшлиқ қилибсиз. Бир оғиз "фалон жойданман" демабсиз, ё айтган бўлсангиз ҳам мен эшитмаганман, бу лаънати телефонларга сира ишониб бўлмайди, яна денг, "Танишим бор" деб бизга ўтрик айтиб, ўзингиз меҳмонхонага жўнаворибсиз. Буни эшитиб бир хижолат чекдим, бир хижолат чекдим. Бир оғиз "мусофирман" деб айтиб қўйганингизда, биз хизматингизда бўлардик, укажон. Ахир газетангизни ўқиб турамыз, ҳурмат қиламыз...

Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Шунча елпатак экансан, кеча қаёқдайдинг, дейдиган одам йўқ. Раис деганлари на эътирозга қуюқ соларкан, на изоҳга - ўзиникини маъжуллашаркан. Охир оқибат ўзимам айбдорлигимни тан ола бошладим.

Ҳарсиллаб учинчи қаватга кўтарилдик. Ҳамон тинмай чулдирётган раис мени беш-олтита одам ўтирган қабулхонадан ҳам қўлтиклаб ўтиб, тўғри бош директор ҳузурига бошлади.

Шу йўсинда "Гулноз" фабрикасининг бош директори Имомқул Арслонович Арслонов билан танишиш шарафига муяссар бўлдим.

Имомқул ака чамаси қирқ беш ёшларда, семизликка мойил, гўштдор бурунли, қорачадан келган, устки лабининг чап тарафида тиртиғи бор, худди ичингизда кезаётган ғаразли ўйларни билиб олмоқчи мисоли, биткўзларини сизга тикандай қадаб тураверадиган киши экан. Худо ҳаққи, аввалига бундай ўткир нигоҳ одамнинг этини жунжиқтириб юборар даражада таъсир кўрсатаркан.

Танишганимиздан сўнг бош директор ўнг томонидаги қурилманинг чирогини пирпиратиб ёнган қандайдир тугмачани босиб, столидаги қоғозга ненидир қайд этиб қўяркан, зийраклигига ўтиришмаган ҳорғин оҳангда деди:

- Хизмат, ука.

Шундай иши бошидан ошиб-тошиб ётган одамнинг вақтини олаётганимдан андак истиҳола қилаётганим бонс, дарров асл мақсадга ўтишга юрагим дов бермай, чайналиб қолдим.

- Шу... аввал ишларингиз билан танишсак.

- Ишларимиз ёмон эмас, - деди Имомқул ака ва қурилманинг бир тугмачасини босиб, энди ҳукмдорона оҳангда кимгадир ҳузурига зудликда етиб келишни буюргач. - Қанча мухбир келган бўлсаям, ҳаммасиям ишларими-

здан хурсанд бўлиб кетган... - Нимадир ёдига тушиб қолган бош директор яна қоғозга алланималарни ёзишга тушиб кетди. Сўнг бошини кўтариб, гапида давом этди: - Майли, Кўбай ака билан айланинг, ишларимиз билан танишинг. Сўнг кўришамиз.

Раҳмат айтиб ўрнимдан турдим.

- Айтгандай, - деди яна қурилма тугмачаларини босишга ўтган Имомқул ака мен томонга ўгирилмасдан ҳам, - сафар ҳужжатларингизни котибамизга беринг, расмийлаштириб қўяди.

Ноилож "Хўп" дедим.

Ваҳоланки, ишхонадан камандировка ҳужжатлари олмагандим. Чунки, аввало, таътилдаман, иккинчидан, бош муҳарриримиз кўнган тақдирдаям, ҳисобчимиз "фонд йўқ" деб мингирлайвериб, бошимни қотириши тайин эди. Шу сабабли ҳам бир-икки марта сафарга ҳеч қандай ҳужжатсиз, фақат хизмат гувоҳномамни олиб кетаверганман. Бунинг устига, хали бирон жойда, агар ўзим кўрсатмасам, бирон киши: "Сафар ҳужжатларинг қани?" деб сўрамаган. Ахир, очигига кўчиладиган бўлса, ким ҳам газетда ўзини мақташ учун келган одамдан ҳужжат сўрарди...

Раис билан фабрикани бирров айланиб чикдик. Ўзиям шамол бўлиб кетдиг-ов. Цехнинг у бошидан кирамиз, бир зумда бу бошидан чиқамиз. Фабрикада асосан аёллар ишларкан. Тайёр маҳсулотлар цехида тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган турли-туман ўлчамдаги момик сочиқларни, гулли-гулсиз чойшабларни кўриб, рости, кўзим ўйнаб кетди. Қиз боланинг сочидай майин сочиқлардаги ранг-баранг гуллар, табиат манзараларини айтмайсизми. Ё худойим-эй, уларнинг тури кўплигини: машина ўриндиқларига қўйиш учун алоҳида, меҳмонлар учун алоҳида, ҳарбий хизматта кетаётган йигит учун алоҳида, келин-куёв учун алоҳида ва ҳаттоки суюкли ёрга совга қилишга мўлжалланган, ярадор юрак расми солинган сочиқкача бор!

Мана шу гўзалликни шовқинли станоклар ёнида турган оддийгина ўзбек аёллари яратганини ўйларканман, кўнглимча ҳайрат ва ҳавасга ўхшаш ҳис уйғонди. Бўлар экан-ку ишласа...

Раис одамларни юмушдан қолдиришни ёқтирмас эканми, бирор ишчи ёхуд хизматчи билан сўхбатлашишимга унчалик рўйхушлик билдирмай, "Керакли барча рақамларни ҳисобчилардан олиб бераман, меҳнаткашларга яратилётган маданий-маиший шаронтилар ҳақида эса ўзим гапириб бераман", деб туриб олди. Рози бўла қолдим. Ахир, айтишади-ку, ҳар бир иш дақиқаси гоят қадрланадиган ривожланган капиталистик мамлакатларда юмуш вақти ходимлар бир лаҳзага ҳам чалғий олмас эканлар. Ва бунга фақат технологик жараёнларгина эмас, ўша хизматчининг онги, олган тарбияси, умуман эса оддийгина тартиб-қоида йўл қўймас экан. Ишдан кейин эса - марҳамат, хоҳлаганингча...

Кўбай ака ваъдасига вафо қилди. Хонасига олиб кириб бир дунё рақамлар битилган ҳисоботларни олдимга қалаштириб ташлади-да, ўзи қаёққадир чиқиб кетди. Қоғозларга шунчаки кўз югуртириб чикдим. Баъзи муҳим рақамларини, шунингдек, мени озгина ҳайрон қолдирган баъзи қайдларни ён дафтарчамга кўчириб олдим. Шу билан раис қайтиб келди, биз тушликка чикдик...

Биринчи қаватдан овозлар эшитила бошлади. Ҳойнаҳой, Имомқул ака келган бўлса керак. Ҳай, майли,

қолганини кейин ӊзарман.

31 январ. Сешанба. Номозиом.

Имомқул ака ишга қайтиб кетди. Иккаламиз ярим соатча тўкин дастурхон бошида тановул билан машғул бўлдик. Аммо суҳбатимиз унчалик қовушмади шекилли.

Балки адашаётгандирман, лекин, назаримда, бош директор дастурхонга ундаб туриш асносида менга тикандай нигоҳини бот-бот қадаб, ниманидир илғаб олишга уринаётгандек туюлди. Айниқса Бахтиёр борасидаги бир-икки оғиз гапимиздан сўнг Имомқул ака бутунлай ӊтираб, эҳтиёткорроқ бўлиб қолгандай.

Яхшиси, ҳаммасини бир бошдан ӊза қолай.

Хуллас, Кўбай ака билан шамол тезлигида фабрикани айланиб чиқдик. Шушга қарамай, қайси бир цехга кириш учун қоронғу йўлақдан ўтаётганимизда устун ортидан чиқиб келган бир шарпа чўнтагимга нимадир солиб қўйишга ва илтижولي оҳангда "Кейин... кейин..." деб шипшишга улгурди. Киссамга қўл солсам, бармоқларим орасига қоғозча илинди. "Кейин бўлса кейин-да", деб унга тегмай қўяқолдим.

Тушликни фабрика ҳудудида жойлашган чойхонанинг алоҳида бўлмасида қилдик. Иши чиқиб қолган экан, Имомқул ака келолмади. Раис, уч-тўртта цех бошлиқлари билан кетма-кет олиб келинган тансиқ таомлардан қорнимиз ӊрилиб кетишига бир баҳя қолгунча едик, ора-сира "майи ноб" дан ҳам оз-оз нўш этиб турдик.

Кейин мени Кўбай ака шу ерга бошлаб келди. Раиснинг изоҳ беришича, Имомқул ака вилоят марказидан қатнаб ишларкан, баъзан жуда кеч қолган кунларигина шу ерда ӊтиб қоларкан. Умуман, бу ҳашаматли меҳмонхона фабрикага келиб турадиган азиз меҳмонларга мўлжаллаб қурилган экан. "Сизга ўхшаш", дея қўшиб қўйди раис ичкилик таъсирида қизарган кўзларини қисиб қўйиб мастона илжаркан.

Раис мен кеча тунаган меҳмонхонадан юқларимни олиб келиш учун кетди. Қаршилиқ қилсам, "Ҳозир Имомқул ака келиб қолиши мумкин", деган важни дастак қилиб, шу ерда қолишга мени қўндирди.

Рангли ойнан жаҳондан тортиб, ичи қазии-қартаю, ароқ-қоняқларга тўла иккита музлаткичи бор бу уч қаватли кошонани эринмай томоша қилиб чиққач, иккинчи қаватдаги ӊток учун ажратилган учта хонадан бирига кирдим. Юмшоқ диван, ором курсилар, тунги чирок, ӊзув столи... Ҳа, одамлар яшашни билишади. Мана, Имомқул акани олайлик. У ӊқда уй, бу ӊқда махсус меҳмонхона, тагида гижинглаган "31". Майли-да-ӊй, ўлиб-тирилиб ишлагандан кейин, мундай одамга ўхшаб яшасин-да! Ахир, "Мен камбағалман!" дея қўкракка уриладиган кўп ғалати замонлар ортта қайтмас бўлиб ўтиб кетди. ӊнди замон - ишбилармонники, ӊнди замон - тадбиркорники. Ишласин, маза қилиб яшасин, ўзиям тўйсин, бошқаларниям тўйдирсин. Қўйнидан тўкилса қўнжига ахир. Аср бошида ҳам саховатли бойлар ҳомийлигидаги йигит-қизлар Оврурога ўқиш учун жўнатилган деб қайдадир ўқигандим. Илло, ӊзгу мақсад йўлида ишлатилган сармоя нафақат Оврурога, дунёнинг ӊнг илғор маданияти, технологияси мавжуд ўзга мамлакатларга ҳам дарчагина эмас, бир йўла дарвоза очади...

ӊган оғиз уялади. Шароб таъсирида сархушгина

айланаётган бошимда фабрика раҳбариятини мадҳ ӊтувчи фикрлар гўжгон ўйнай бошлади. Қани ӊнди, шундоқ столга ўтирсангу, мақтовга тўла мақола ӊзиб ташласанг...

Биринчи қаватда ўн беш-йигирма кишига мўлжаллаб стол-стул қўйилган ошхона бор экан. Имомқул ака мени шу ерга таклиф қилди.

Ҳали тушлик маҳал ӊган бир ғарам овқатни ҳазм қилиб улгурманим боис, девзира гуручдан тайёрланган, зиранинг ва беҳининг ўткир бўйи анқиб турган ошдан номигагина чўқилаб, асосан аччиқ-чучуқлардан тотиниб ўтирдим. Имомқул аканинг иштаҳаси ҳам айтарли ҳавас қиладиган даражада эмасди.

Бош директор гурунг аввалида мендан фабрика хусусида фикримни сўради. Табиийки, мендан ҳамду сано ӊғилди. Бир туки қилт ӊтмай ўтиришига қараганда, айиқ-келбат ҳамсуҳбатим бунақа олқишлардан кўпини ӊшитганга ўхшайди. Ичкилик тортинчоқ одамни сал дадилроқ қилади. Ангишвонадек қадаҳда кетма-кет икки марта ичилган қоняқ томирларимга олов юборгандай бўлди. Қайфи тарақ одамга ўхшаб чуриллаб, миғзов бўлиб қолмаслик учун шошилмасдан, бўлиб-бўлиб гапиришга уриндим ва гап орасида дастлабки илмоқни ташлаб қўрдим.

- Мана, Имомқул ака, сиз маърифатнинг қадрига етадиган, газит-журнал ўқиб турадиган зиёли одамсиз. Ишларингиз ҳам "беш" экан. Ўзингиз яхши биласиз, одам фақат нон билан тирик эмас. Одамга санъат ҳам, маданият ҳам керак. Бир инглиз файласуфи ҳам "Ҳалқ учун нондан кейин ӊнг муҳими маърифат", деган экан. Шу маънода, сизлар бирон-бир нашрга ҳомийлик қилмаяпсизларни?

Имомқул ака қўлига олган устихонни қайтиб ликопчага қўйгач, ӊгли бармоқларини ҳафсала билан фабрикасида ишлаб чиқарилган сочиққа артди. Шундан сўнггина деди:

- Шундай режаларимиз бор ӊди. Шаҳар газитига спонсорлик қилишимизни сўрашганди. Бизам жон-жон деб рози бўлардик. Ахир, ишимиздан халқ хабардор бўлиб турса, шунинг ўзи катта гап. Лекин биргина хоҳишининг ўзи билан иш битмас экан. Моддий имкон топилмади. Йиллик балансимизни кўрган ҳокимиятдаги ўртоқлар ҳам бу таклифни қайтиб оғизларига олишмади... Аҳволимиз ташқаридан қарагандагина жуда яхши бўлиб кўринади. Аслида анча оғир. Кўп нарса Россиядан келтирилади. Ўзингиз тушунасиз, у ӊқда рубль, валюта. Бизда сўм. Ҳалиям кўп нарсаларни бартер ӊвазига, ӊски, Иттифоқ пайтидаги таниш-билишларни ишга солиб олаяпмиз. Шунинг учун тиркичилигимиз учма-уч бўлаяпти. Бундай пайтда ўзингизнинг ишчиларингиздан бошқаси кўзга кўринмай қолар экан. Фабрикамизда оз одам ишламайди. Барини едириш, ичириш, кийинтириш керак. Бунинг ўзи бўлмайди.

Бундан ташқари, ӊнди нафасимизни сал ростлай деганимизда, Янги йилдан янги солиқлар тизими ишга тушиб қолди. Улар билан танишиб, тепа сочим тикка бўлди. Ставкалар бизни куппа-қундуз кунни талаш билан баробар. Шунча ишлаб, бирон марта соф фойданинг 38 фойизини солиқ сифатида тўламаганмиз. Бунга ойлик фондидан олинадиган солиқни, даромад солиғини қўшсангиз, жами миқдор 70-80 фойизга бориб қолади. Ўзингиз айтингиз, шундай шароитда бировга ҳомийлик қилиб бўладими?

- Ҳа-а, шароитларингиз оғир экан.

Одам, одатда, ўзи тушунмаган мавзу хусусида кўпроқ ва нисбатан илҳомланиброқ гапирди. Камина ҳам ушбу қусурдан холи эмас чоғи, ногаҳон қошимда қоядай савлат тўкиб ўтирган суҳбатдошимга иқтисод илмидан сабоқ ўтишга тушиб кетсам бўладими! Тўғри, ундан аввал яна бир марта қармоқ ташлаб кўрдим.

- Имомкул ака, корхонангизда кўп улуг ишлар қилинаёпти экан. Қани энди газетамиз рангли бўлса-ю, масалан, сизлар чиқараётган маҳсулотларнинг намуналарини тўрт рангли суратларда берсак. Харидор деган ёғилиб кетарди-да, ўзиям.

Бош директор танишганимиздан буён биринчи марта мийиғида илжайди.

- Харидордан камчилигимиз йўқ. Ўтган йили пулини олиб, аллақачон еб ҳам улгурган буюртмачиларимиз ўзи учун нақ ярим йилча ишлаб берамиз ҳали.

Газитда реклама бериш гоёси чиппакка чиққан бўлса-да, ҳовурдан тушмадим.

- Мана, қаранг, Имомкул ака, мисол учун 90 га 38 сочикларни сизлардан чиқиш нархи 2 сўм 80 тийин экан. Бунақа сочикларнинг бозори жуда чаққон, айниқса, бизнинг Тошкентда. Бемалол 10-11 дан кетади. Ҳа, ана, 9 дан кетсин. Энди, айтирлик, шу сочикларнинг сизлардан чиқиш баҳосини 5 сўм қилиб қўйсаларингиз-чи? Мен кўрдим, ходимларингизнинг ўртача ойлиги 300 атрофида экан. Бу энди биз қаламқашлар билан деярли баробар дегани.

- Сиз бу рақамларни қаердан олдингиз? - бирдан хушёр тортиб сўради Имомкул ака.

Нима аҳамияти бор?

Кўбай ака бердимиз? - синчковлиги тутиб кетган бош директор менга яна тикандай нигоҳини қадади.

- Ҳисоботлардан олдим, - дедим асосий масала четда қолаётганидан ранжиб.

- Қанақа ҳисоботлар? Уларни сизга ким берди?

Қарасам, Кўбай акага гап тегиб қоладиган. Шунинг учун аниқ жавобдан ўзимни олиб қочдим.

- Гап уларни ким берганида эмас, Имомкул ака. Бунинг устига, матбуот ҳақидаги қонунга кўра, мен корхона фаолияти ҳақидаги ҳар қандай маълумот билан қизиқишга ҳақлиман.

Энди, Имомкул ака, асосий масалага ўтсак.

Ишчиларингизнинг 90 фоизи аёллар экан. Уларнинг барисининг бола-чақаси бор. Лекин шу замонда 300 билан оила боқиб бўладими? Бунинг устига, нима кўп - ўзбекнинг тўй-маъракаси кўп. Бир кийимлик тоза мато фалон пул турса... Тўғри, ишчиларингиз барибир сиздан бўшаб кетолмайди. Чунки одам кўп, иш эса кам. Шаҳар ёнидаги хўжаликларга бориб пахтада ишлай деса, у ерда шу ойлик ҳам йўқ. Ишқилиб, сиз энг арзон ишчи кучига эгасиз. Шундай экан, маҳсулотингизнинг нархини оширсангиз, сиз бир йўла икки қуённи урмайсизми: ҳам фойдангиз кўпаяди, ҳам ишчиларингизнинг маоши ошади, бу эса сизга ҳар бир бўш ўринга танлов асосида ходим қабул қилиш имкониятини беради

Қовоғи осилиб кетган Имомкул ака "Яна нима гапинг бор?" дегандай менга бир муддат саволомуз қараб турди. Мендан садо чиқавермагач, столини дўмбира қилиб чертганча деди:

- Биринчидан, ука, фойда унчалик ошмайди - ҳозиргина сизга янги солиқ тартибини тушунтирдим. Иккинчидан, ўша сиз мактаган сочикнинг таннархи икки сўм атрофида. Биз унга қўшимча қиймат солиғи, рентабеллик ва биз "накладной расход" деб атайдиган сарф-харажатларимизни қўшамиз, оқибатда тўппа-тўғри 2 сўм 80 тийин чиқади. Ундан ошиқ қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

- Нега?

- Чунки биз хусусий эмас, давлатга қарашли корхонамиз. Барча тарифларимиз юқоридан белгиланган йўриқномалар асосида бўлади.

- Қуриб кетгур рентабелликни каттароқ қўйсангиз бўлмайди?

Корхона манфаати учун бунчалик жон куйдираётганим бош директорга ёқинкирамади шекилли, энсаси қотиб жавоб қайтарди:

- Мумкин эмас.

- Ундай бўлса, менга бошқа бир нарсани тушунтириб беринг, - бўш келмадим мен. - Ҳар қандай дўкон олинган маҳсулоти устига 45 фоиздан ошиқ устама нарх қўёлмайди. Тижорат дўконларини қўятурайлик, ҳатто давлат дўконларидаям, яна денг, айнан шу Н. шаҳридаги дўконлардаям ўша сочиклар нархи ўн сўмдан ошиқлигини қандай изоҳласа бўлади?

Бош директор безовталаниб, ўрнидан бир қўзғалиб қўйди.

- Билмадим. Эркин нарх дейишяпти-ку!

- Ундай бўлса, - қувониб кетиб эътироз билдирдим мен, - сизлар нега ўз маҳсулотингизга эркин нарх қўймайсиз?

- Биз давлатга қарашлимиз дедим-ку, - пўнғиллади Имомкул ака.

- Унда фабрикани хусусийлаштиринг-қўйинг.

Бош директор ялт этиб менга қаради.

- Янги пулда 20-30 миллион пулингиз бўлса, марҳамат шу бутуноқ ариза беринг.

- Унча пул қайда... Шунча пули бор одам бўлса, нима, ҳокимият рухсат беради деб ўйлайсизми?

- Билмадим. Биз бир марта уннаб кўрувдик, ҳеч иш чиқмади. "Ҳамма хусусийлашиб кетаверса, биз кимга раҳбарлик қиламиз?" деб ҳазилга олишди.

- Ундай бўлса, сизлардан маҳсулотни арзимаган пулга олиб, беш-ўн баробар ошиқ нархда пуляётган дўкончиларни матбуотда фош этиш керак. Бу нима деган гап, ахир. Ўроҳда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир экан-да. Матбуот катта куч, Имомкул ака...

Аммо, афтидан, бош директор матбуотнинг катта куч эканлигига ишонмас экан шекилли, корхона иқтисодида дахлдор мусохабамизни унутиб, қутилмаганда, бутунлай бошқа мавзуга ўтиб кетди:

-Бахтиёржон яхши юрибдиларми?

Ҳали ёзганимдай, шу шаҳардан чиққан Бахтиёр исмли дарвешнамо ёзувчини танирдим. Нуқул жаннат, хурчилмонлар, ажр хусусида шеърлар ёзиб юргувчи эди. Таътилга чиқмасдан уч-тўрт кун бурун тахририятда учрашиб қолгандик. Янглишмасам, бизга янги нарса олиб келганди. Шунинг учун ҳеч иккиланмасдан:

- Юрибди, - дедим. - Ўн кунча бурун кўргандим.

Имомкул ака сал жонлангандай бўлди.

- Аҳволлари яхшими, ишқилиб.

- Яхши.

- Водийда бир фабрикани босишда иштирок этибдилар, деб эшитгандим. Сизнинг хабарингиз бўлмади?

Бахтиёр, адашмасам, абадий-бадний ойномада ишларди. Яна ким билади дейсиз. Бирон газит-пазитта ўтиб, рейдда иштирок этса этгандир. Тошкент - катта шаҳар. Унинг у бошида рўй берган воқеани баъзан бир ойдан кейин эшитамизу... Шунга қарамай, сир бой бермаслик мақсадида, гўё баъзи нарсалардан бохабар одамдай:

- Эшитгандай бўлувдим, -деган эҳтиёткорона жавоб билан кифояландим.

- Нима бўлган экан ўзи? - чўкилашни қўймади бош директор.

Нимаям дердим? Бирор безарар ҳазил билан кутилиб қолишдан ўзга илож йўқ шекилли.

- Бу энди давлат сирини, Имомқул ака. Бунинг устига ҳуқуқий давлатда яшаймиз. То суд айбдор деб ҳукм чиқармагунча бировни гуноҳдор деб бўлмайди.

- Ҳа, ҳа, албатта, тушунам... - дея беихтиёр тирчиллаб қолди Имомқул ака. - Фақат, мен шуни билмоқчийдимки, сизнинг бу ёққа келишингиздан Бахтиёржоннинг хабарлари бормиди?

Жонга тегди-ку Бахтиёр дарвиш!

Тузланган бодрингни кутирлатиб етганим учун бу саволни эшитмаганга олдим.

Шундан кейин суҳбатимиз бугунлай совуди.

Сал ҳардамхаёлроқ бўлиб қолган Имомқул ака хайрлашиш олдидан мени эртага соат ўнда кабинетда кутишини маълум қилди.

Шунча хизмат сафариди бўлиб, бирон марта ўша жой раҳбариятига шахсий илтимос билан мурожаат қилмагандим. Шунинг учунми, уч-тўрт ҳур чоғлансам ҳам сочиклар борасидаги ўтинчимни айтолмасдан тургандим. Бош директорнинг таклифи аини муддао бўлди. Дарров шунга ёпишиб олдим. "Эртан кабинетда бафуржа гаплашармиз", дедим енгил тортиб.

Тевага, хобхонага қайтдим. Қарасам, диван устида дипломатим пайдо бўлиб қолибди. Ошхонадан ҳеч ким ўтмаганди. Демак, тевага кўтариладиган бошқа йўл ҳам бўлса керак-да. Камзулим чўнтагига қўл солсам, калитлар шодасига илиниб кафтдаккина қоғозча ҳам чиқди. Аввал ажабландим, сўнг дарҳол нимқоронғи йўлакни, устун ортидан чиқиб келган шарпани ва унинг "Кейин... кейин..." деб пичирлаганини эсладим. Қизиқиб, икки букланган қоғозни очдим. Унда қинғир-қийшиқ ҳарфларда қуйидаги матн битилганди: "Кечкурун Сағдий кўча, 17-уйга келинг. Бу жуда муҳим! Кутамиз...Ҳаётим хавф остида қолмасин десангиз, албатта келинг. Хатни йиртиб ташланг!"

Хайрон бўлиб, диванга ўтирдим-да, дипломатимни очдим. Шубҳасиз, кимдир уни титкилаган эди. Тўғри, арзимаган буюмларим аввалги тартибда турар, бироқ, шунга қарамай, кимдир уларни жуда эҳтиёткорлик билан бўлса-да титкилагани аниқ эди. Масалан, пойпоқни мен ҳеч қачон бундай тахламайман, ёки бўлмаса қўйлакнинг енгини ҳеч қачон ёқа остига қўймайман. Ҳа, кимдир қўлфлоглик дипломатимни очиб, ичидаги нарсаларни текшириб чиқибди. Аммо бу кимгаям керак? Камбағал журналистнинг жомадониди икки жуфт эски пайпоқ, эски шим, тиш паста-

си, чўтка, соқол олиш қурилмасидан бошқа нимаям бўларди?! Кундалигимни-ку, ён чўнтагимдан қўймайман; бунинг устига, мен уни биров ўқисин, баҳоласин деб эмас, фақат ўзим учун ёзаяпман.

Бу ажабтовур ўғри дипломатимдан нима қидирди? Агар у чиндан ўғри бўлса, буюмларимни қайтадан жой-жойга қўйиш учун нега бунчалар тиришган? Агар у ҳақиқий ўғри бўлса, барча эски-туски буюмларимни отиб юбориб, анча ишлатилган, оддий чармдан ясалган бўлса-да, нисбатан қимматлироқ бўлган дипломатимни олиб кетавермайди? Лоп этиб меҳмонхонадаги Амирқул кўз олдимда пайдо бўлди. Йўғ-э, очик кўнгил, далли-ғулли йигитга ўхшаганди, кўзлариям самимий боқарди, унинг қўлидан бундай иш келмас. Ҳар қалай, онасининг қорнидан топилмаган валюта менинг дипломатимдан чиқмаслигига унинг ақли етар. Ё бу тулки башара меҳмонхона нозирининг ишимикин? Бечоранинг роса ҳафсаласи пир бўлгандир. Қилган меҳнатига яраша беш-олти сўм чиқсаям майлийди. Лекин барибир аблаҳ, пасткаш одам экан. Агар мард, ҳақиқий ўғри бўлгандами, имоним комил, "Э, бу жуда ғариб банди экан-ку", деб дипломатимга уч-тўрт танга ташлаб кетарди...

Агар муаллифи номаълум мактубда мана шу ўғирлик "ҳаёт учун хавфли" аталган бўлса, воқеа содир бўлиб ўтди. Энди чўчимасак ҳам бўлади.

Йўқ, хат муаллифи, афтидан, ўзининг бўй-бастига мослаб олган қандайдир ҳақиқатни тиклайман деб ёниб-қуйиб юрган, бунақанги катта корхоналарда тез-тез учраб турадиган "ёзғувчи" акаларимиздан биттаси бўлса керак. Бунақангиларга яқинлашиб кетсанг бас, раҳбариятнинг қанча машинаси борлигидан тортиб, қотибаси билан қайси ресторанга борганигача, кимни нима деб сўжжанидан тортиб, кимнинг уйда қанақа овқат еганигача билиб оласан... Бу майда ғийбатлар бир чувалашсами - кейин давом этаверадими, давом этаверадими... сира тугамайди...

Бекорчдан худо безор. Бу қасрда на бир газета тахлами кўзга чалинди, на бир китоб. Ойнаи жаҳонни эса унчалик икки сўймайди. Айниқса, уч-тўрт маъсул ходим ярим давра қуриб олишдими, бас, дастурда белгиланган кўрсатувларни остин-устун қилишиб, нақ икки соат сўзамоллик қилишди. Бир амаллаб тугатиб, энди ястаниб ўтириб олган маҳалнинг, ёши эликни қоралаб қолган акамиз бир шеригини бошлаб чиқадими-да, бараварига, энди иккаловни хониш қилишга тушиб кетадилар: "Ошиқ бўлдим киприқларингга..." Ҳақ гап, шу қўшиқчиларгаям ачинаман, улар севиб қолган серкиприқ гўзалга ҳам. Бечора қиз ҳам аросатда юргандир, амакилардан қайси бирини танлашни билмай...

Бунақа пайтда энг яхши даво - тоза ҳаво. Бир қўчаларни айланиб келай-чи, мабодо вақт топсам "Сағдий, 17" гаям (нима бало, муаллиф фғанцуз тилига ўқиганми дейман) кириб чиқарман.

1 феврал. Чоршанба. Оқшом.

Бўлди кизиқ ҳангомалар.

Қайси биридан бошлашним билмай қолдим.

Ўтган 24 соат ичида шиддатли равишда рўй берган воқеа-ҳодисотлари эсласам, шуларнинг барини бошимдан кечириб ултурганимга ўзимнинг ишонгим келмайди, биров-

нинг ҳаётини тепадан кузатиб тургандайман, холос. Ёхуд бирон саргузашт кино кўраётган томошабиндайман. Пулини тўлаб қўйганман, энди марҳамат қилиб зўр томоша кўрсатинг...

Эшик ёнида одобли мулозимдай қўл қовиштириб турган пак-пакана, сочини тақир олдирган, кўса, занжидай қора хизматчи сўраганим Шайх Саъдий кўчасини менга бағоят муфассал тушунтирди. Ҳатто неча марта қайрилишимгача аниқ санаб берди. У шунчалар муфассал тушунтирибдики, айтилган йўллардан юриб-юриб, ниҳоят Саъдий кўчасига кириб борганимда шундоқ уч юз кадамча нарида, бир қаватли уйлар ортида ярим соатча бурун ўзим тарк этган "Тулноз" фабрикасининг уч қаватли меҳмонхонаси кўкрак кериб турганини кўрдим. Афтидан, хизматчи ёшлигида таксичи бўлган кўринади. Йўқса, чап қулогини кўрсатиш учун ўнг қўлини бош узра ўтказиб оворай сарсон бўлиб ўтирмасди.

Кўчадаги симёғочларнинг баъзи бирларида чирок бор экан. Ушалар ёрдамида тоқ рақамли уйлар жойлашган томонни аниқлаб олдим.

Кўчада тирик жон кўринмайди. Бу, албатта, тушунарли: бугун рўзанинг биринчи кунини, оғиз очар пайт ҳам аллақачон бўлган. Демак, кўпчилик саҳардан буён заррача егулик у ёқда турсин, сув ҳам кирмаган ошқозонларини тўлдириш билан машғул.

Энди 13-уйга рўпара келганимда (лаънати беҳосият рақам!) қаршимда ердан чиққандай туйқусдан пайдо бўлган икки барзанги одамдан бирови: "Ока, чакишдан боми?" деб сўради палағда товушда. Шу ердаям Тошкент шевасига дуч келганимдан ажабланиб, чекмаслигимни айтдим. "Говурт-чи, говурт?" тирғалишини қўймади барзанги.

Аёнки, иккинчи савол мутлақо ортиқча ва ўринсиз. У айрилдимми, демак, гап сигарет ё гутуртда эмас, бугунлай бошқа нарсада.

Дабдурустдан тушган зарба ёмон.

Сафар маҳаллари, нотаниш манзилларда не воқеалар бошимдан ўтмаган...

Жойимда тўхтаб, қўлларимни мушт қилиб тутганча тўсатдан бўлиб қоладиган ҳужумни сергак кута бошладим. Бу йигитлар менинг Тошкентдан келганимни билишадиган, атай кутиб туришган, жанжал ҳам чиқаришмоқчига ўхшайди. Турки-тароватларидан, қўлларидан ҳар бало келадиган одамларга ўхшашади.

Бу орада кароқчилар кошимга келиб тўхташди. Қоронғулик сабаб уларнинг юзини кўролмадим.

Фаҳмимча, гап отгани чап тарафда эди ва мен зарбани ҳам айнан шу йигит биринчи бўлиб берса керак, деб тусмолладим.

Аммо тўсатдан ўнг тарафда тургани орамизга тушиб, бизларни бир-биримиздан четлаштирди.

- Кечирасиз, ака, - деди орага тушгани зиёлиларга, хусусан мусиқа ўқитувчиларига хос майин овозда. - Жўрам Низомбой шундай муқаллас рамазон ойида ичиб олиб, сизнинг кўнглингизни оғритди. Сиз хафа бўлманг. Низомбой ўзи яхши йигит. Бир аҳмоқгарчилик қилиб, ичиб қўйибдида.

Низомбой деганлари норози бўлгандай гудраниб-гудраниб орқага чекинди. Рўзанинг биринчи кунидеҳ ўзим ҳам захриқотилдан озгина нўш этиб олганим ёдимга тушиб

қолиб, юзим ловулаб кетди. Бунинг устига қутилмаган тўқнашув муросаи мадора билан тугаётганини кўриб енгил торттанимданми, бўшашиб кетиб, ҳушёрликни қўлдан берибман.

Бекор қилган эканман.

Йўлтўсарлар айёрлик қилишипти.

Гўёки бизни яраштиришга уринаётган, булуглар бағридан мўралаган ой ёлдусида кўзойнаги ярқираб кетган йигит муштларим энди ёзилган маҳал тирсаги билан қорнимга зарба берди. "Иҳ!" дея нафасим ичимга тушиб, беихтиёр энкайиб қолдим. Бурнимга келиб теккан оёқ зарбидан кўзларимдан ўт чиқиб кетгандай бўлди. Орқага қараб гандирақлаб кетдим. Шунда икки ҳатлашда ёнимда пайдо бўлиб қолган овози палағда йўлтўсар ҳал қилувчи зарбани берди - бошимга тўмтоқ бир нима келиб урилганини ғирашира эслайман...

Кўзимни очсам... шундоқ тепамда тасаввуримдаги фаришта мисоли оппоқ либос, оппоқ қалпоқ кийган бир сулув қиз қулимсираб турибди. Танғиб ташланган бошим зиркираб оғриётган бўлса-да, бир амаллаб сўрадим:

- Мен қайси дунёдаман, яхши қиз?

- У дунёларниям бир айланиб келдингиз, яхши йигит. - Фақат ўпич учун яратилгандай гунча лаблари орасидан садаф мисоли оппоқ тишларини кўрсатиб ширингина жилмайди қиз. - Аммо ҳали бу дунёда камроқ гуноҳ қилиб улгурган бўлсангиз керакки, сизни қайтариб юборишибди.

- Албатта, - дея ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтаришга уриндим мен кўз қиримни ташлаб "азиз меҳмонлар учун" мўлжалланган меҳмонхонанинг хобхонасида ётганимни англагач. - Сиздай ҳурилиқони ташлаб кетишнинг ўзи менинг энг катта гуноҳим бўлур эди. Шунинг учун худойим бағоят тўғри йўл тутган деб ҳисоблайман.

Қиз бармоғини ниқтаб пўписа қилган бўлди.

- Сизга кўп гапириш мумкин эмас, акажон.

Бу дўндикчанинг тили бийронлигини.

- Бунинг устига, - дедим жиддий бўлишга уриниб, - мен ҳали сизга атаб шиғир ёзиб улгурганим йўқ.

- Сиз шоирмисиз? - деди бирдан кўзлари чакнаб кетган қиз.

Ўлай агар, шунчалар гўдақларча қувонч, ҳайрат акс этиб турган кўзларга қараб туриб ёлғон айтишга тилим бормади. Шунинг учун:

- Йўқ, шоир эмас, шунчаки ҳаваскор қаламқашман, - деб очигига кўча қолдим.

Қиз баттар ҳаяжонланиб кетди.

- Демак... демак мен янглишмабман. Сиз ўшасиз.

Қиз энтиқиб жавоб кутганча анча маҳалгача менга термулиб қолди. Мен индамай ётавердим. Ниҳоят:

- Давом этаверинг, - дедим далда бергандай.

Қизнинг чарос кўзлари пирпираб кетди.

- Нимани?

- Энди бир оғиз "Қутилмаган бахт..." денг. Шу билан тамом -вассалом. Сиз - Қумушбиби, мен - Отабек бўламыз-қўямиз.

Қиз кикирлаб қулиб юборди. Ҳақ гап, умрим бино бўлиб қиз боланинг бунақа юракдан чиқариб, самимий қулганини эшитмаганман. Бамисоли муаззам тоғлар бағридан ўйноқлаб оқаятган ирмоқчанинг тошларга урилгандаги мусикаси дейсиз.

Буларнинг бариси бошида менга ўйиндай туюлганди.
Аммо киз:

- Йўк, мен сизни "Учрашув" тўпламида чиққан фалон шоир эканлигингизни тахмин қилгандим, - деганида, рости, аввалига ҳайратланиш гали менга келди, сўнг танамга хузурбахш бир титроқ ёйилди.

Ў, аҳли қалам, аҳли қалам, бир оғиз ширин сўзнинг, заррача эътирофнинг гадоси бўлган қавм!..

- Ха, мен ўшаман! - дедим ғурур билан.

Киз яшнаб кетди. Унинг зукколигига мақтов тариқасида недир илиқ сўз айтишга уриндим, алал-окибат эса:

- Ҳиссиётларингиз жуда самимий экан, - деган сийқа лутфдан нарига ўтолмадим.

- Сиз билмайсиз-да, - деди қувончинг зўридан тамом антикиб, ҳовликиб гапиришга ўтган киз, - сиз билмайсиз-да, мен сизнинг битта шеърингизни дафтаримга кўчириб олганман. Буни қаранг, ўшандаям "самимият" деган сўз бор эди.

Алланечук файласуфона, ҳикматомуз гап қилгим келиб кетди.

- Ижодкорликнинг ўзи, сингилжон, мудом самимият минтақасида юриб, ҳеч қачон сунъийлик, бачканалик сарҳадини босиб ўтмаслик, дегани бўлади билсангиз. Бу ҳақиқий ижодкорликнинг биринчи шарти.

Ўзимча қизни тамом қилдим, деб ўйладим. Бундай тумтароқ жумлани шўрлик умри бино бўлиб эшитмагандир. Энди қизни бир йўла мағлуб этиб кўя қолиш ниятида, унинг эътирофини йўлига айтилган мақтов сифатида қабул қилдим-да, аниқ жавоб олишга мутлақо умид қилмаган ҳолда:

- Қайси шеър эди у, - деб сўрадим. - Анави, "Суюклигим, яғонам"ми?

- Йўк, йўк. "Шеърят" сарлавҳалиси.

Киз... мен ўзим билган-кўрган шиғир ўқигувчи охирага монандан на бир тайёргарлик кўрди, на бир нафасини ростлади, тўғридан-тўғри, баайни минг йиллик қадрдон дугонасига мулоҳазаларини уйкаш мисраларда ифода этаётгандай, равон оҳангда ўқиб кетди:

Ўйлаб топмай ёлғондакам ғам,
Ўзни чимчиб йиғлатмасдан ҳам.
Қандай бўлсам шундайлигимча
Қайтиб келдим қошинга, эркам.

Энди ёлғон ҳаяжон бекор,
Қалб жўрттага чекмагай озор.
Неки сунъий, ясама - барин
Шамолларга этганман нисор.

Бор-борича сен билан бир пас,
Оддийгина суҳбат курсам бас.
Самимият отлиғ қудратни,
Кўпдан, ахир, этганман ҳавас...

Каминанинг не аҳволга тушганини сал-пал бўлса-да тасаввур қиларсиз. Нақ етти қабат осмонда сайр қилиб келдим. Ширинлик еган болакайдай, оғзимнинг таноби қочаётганини илғаб турсам-да, сира ўзимни бошқаролмайман денг...

- Ха, - дея олдим ниҳоят иқрор бўлиб кўя қолишни

афзал билиб, - шундай овлоқ гўшада сулув бир қиз арзиманган машқларингни ёддан ўқиб турса, одам жуда-а хузур қили-иб эрирган. Худди саратон қуёшида қолган музқаймоқдай. Бундай хузур учун бошимни бир эмас, минг марта зарбага тутиб беришга тайёрман.

Қиз яна қиқирлаб кулиб юборди.

- Менга шу шеърингиз жуда ёқади.

- Эй, ҳали бундан зўрларини ўқимагансиз, - дедим кулгуликка олиб. - Уларни ўқисангиз "дод" деб юборардингиз-да, дафтарга эмас, бира тўла юрагингизга кўчириб қўяқолардингиз.

- Ундай бўлса, ўшанақанги шеърларингиздан бирон-тасини ўзингиз ўқиб бера қолинг.

Ие, қопқонга тушиб қолдим-ку. Ўзи овоз чиқариб шеър ўқишни ёмон кўраман. Айниқса, бировларнинг олдида. Илло, фикри ожизимча, шиғир ҳам шоир учун фарзанддай гап - ҳомила пайдо бўлади, ривожланади, вақт-соати етганда туғилади. Бас, шундай экан шиғирни бақириб-чақириб ўқиш - баайни, "қаранглар, кўриб қўйинглар, менинг фарзандимнинг у ери ундок, бу ери бундок, кўринг, ҳавас қилинг!" деб кўкларга кўтариб мақтанавериш билан баробардай. Бизда ҳеч ким бегоналар олдида боласини мақтамайди, кўз тегиб қолади, деб чўчиди, мабодо бирон-таси мақтаб қолсаям, "ишкилиб, охирида туфлаб қўйсинда", деб жони ҳалак... Аммо ҳамширага тан бердим. Зўриқмай, кучанмай, сунъий тарзда овозини кўтариб-пасайтирмай, баъзи сўзларга атай ургу бериб ўтирмасдан, чин кўнгилдан ўқиди...

- Шиғир ёзилмайди, туғилади, - дедим мен бир устозим ваъз ўқишни яхши кўрадиган таъкид оҳангида ўзимни мушкул вазиятдан олиб чиқиб кетишга уринарканман, - Шунинг учун, синглим, яхшиси, насиб қилса, мен сизнинг ўзингизга атаб бир нарса ёзай. Агар маъқул келса, кейин биргалашиб ўқиймиз. Майлими?

Қиз хурсанд бўлганидан чапак чалиб юборди.

- Менга-я? Менга бағишлаб-а!

- Албатта. Ҳоҳласангиз тепасига "Мени оғритмасдан эмлаган ҳамшира кизга" деб ёзиб қўяман...

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Қиз "наилож" дегандай қўлларини икки ёнга ёзгач, яна бир табассум ҳадя қилди-да, чеккароққа, ойна ёнига ўтиб турди. Хонага Кўбай ака ҳовликиб кириб келди.

-Укажон, укажон, не қилиб қўйдингиз? - дея дийдиёсини бошлади раис салом-алиқни насиё қилганча. - Биз сизни зиёли, тушунган одам деб кучоғимизни очиб кутиб олсак, сиз бунинг эвазига бизни шунча маломатга қолдилингиз.

- Маломатга қолдириб нима қипман? - дедим ҳайрон бўлиб. - Таёқни еб жимгина ётган бўлсам. Бировга шикоят қилмаган бўлсам.

-Э, яна ҳеч гапдан хабари йўқ одамдай бемалол ётишингизни! Қўйинг, укажон, бундай қилманг. Қилар ишни қилиб қўйган одам айбни бўйнига олишдаям мард бўлиши керак. Ха, айтгандай, - раис ҳамширага "чиқиб туринг" ишорасини қилди. Қиз чиқиб, эшикни ёпгач, менга ўқрайди: - Мен сизга ҳеч қанақанги рақам-пақам бермаганман. Сиз менинг кабинетимга бирров кириб чиққансиз, ҳоло. Шундаям қасаба қўмитасини иш режаси билан танидингани. Ўзим сизни олиб кириб, ўзим олиб чиққанман. Тушунарли-

ми? Бор-йўғи бир минутга кирганмиз. Имомқул Арслонов сўраб қолсалар, худди шундай деб жавоб беринг. Тушунарлими? Шунда иккаламизга яхши бўлади. Айниқса, сизга. Тушунарлими?

-Кўбай ака, - дедим жаҳлим чиқиб. - Элбурутдан дўқ ураверманг-да, аввал қилган айбларимни санаб беринг. Нима, ҳам таёқ еб, ҳам тухматга қолдимми?

- Марҳамат, - деди тишлари орасидан раис, нафрат тўла нигоҳини менга тикаркан. - Жон-жон деб санашим мумкин. Лекин айтган гапларимни унутманг. Менинг кабинетимга бирга кириб, бирга чиққанмиз. Сиз фақат касабга кўмитаси иш режаси билан танишгансиз. Бошқа биронта қоғозга қўл теккизмагансиз. Ишонаверинг, ука, мен сизнинг ҳам фойдангизни кўзлаб айтаяпман бу гапларни. Энди эса, эшитинг. Бир қилган ишларингизни ёдингизга солиб кўяй.

Қисқаси, раис гуноҳларимни бирма-бир санаверди. Мен эса ҳайратдан тилим калимага келмай, бақадай қотиб, жойимда ётавердим.

Эмишки, мен кеча кечқурун меҳмонхона хизматчисининг эътирозига ҳам қарамасдан маст ҳолимда кўчага чиқибман-да, тентираб юриб-юриб охири "Ё рамазон айтиб келдик эшигингизга..." дея ашула айтиб юрган болакайларни тирқиратиб қувган эмишман. Бунга гувоҳлар истаганча топилар эмиш. Кейин кўчадан тинчгина ўтиб бораётган учтўрт йигитга тирғалиб, жанжал кўтарганмишман. Бу бечора йигитлар мени тинчитишга уринган маҳал кўча четиде ётган бир шишани бўғзидан ушлаб, тошга уриб синдирибман-да, қўлимда "совуқ қурол" билан уларга ташланибман. Йигитлар ура қочишибди. Шундаям мен чаққонлик қилиб, улардан биттасини қўлидан ярадор қилиб улгурибман. Шу орада кўчада яна "Ё рамазон" айтаётганлар пайдо бўлиб қолибди. Мен уларни олдимга солиб қувганмишман. Охири болакайлардан бир нимжонроғига етиб олибман-да, қўлимдаги шиша синиғи билан унинг бўйнига туширган эмишман. Болакай ҳозир оғир аҳволда шифохонада ётганмиш. Шунда бунни кўриб турган ҳалиги қочоқ йигитлар роса газабга тўлишибди-да, менинг меҳмонлигимга қармай, маҳкам оёқ-қўлимдан ушлаб, ҳеч жаҳлини босолмаганлари эса, мени бир-икки тепкилаган ҳолда, хуллас, мелисахонага олиб боришибди. Шунда бир қовурғам сал лат ебди. Мен йўлда тамом учиб қолганмишман. Мелисахонадаям ўзимни жуда ёмон тутганмишман. Навбатчи қўлидан отилиб чиқиб, қочиб кетишга уринганимда гандирақлаб бориб, темир эшикка бошимни уриб олганмишман. Шунда бошим ёрилибди. Қонни кўрган ғамхўр миршаблар мени дарров шифохонага олиб боришибди. У ерда аввал менга тиббий ёрдам кўрсатишибди, сўнг қонимни текшириб кўришиб, унда катта миқдорда алкоголь борлигини аниқлашибди. Дарҳол акт тузишибди. Унга мелисанинг акти қўшилибди. Хуллас, ишим судга ошадиган бўлибди. Яхшиям бахтимга Имомқул ака бор экан. Воқеадан хабар топган заҳоти ярим тун демай вилоят марказидан етиб келибди ва дарҳол мелисаларни ҳам, қони қайнаган йигитларни ҳам тинчитибди. Шундан кейин шахсан бош директор бошчилигида мени меҳмонхонага қайтариб олиб келишибди-да, зарур муолажаларга кўз-қулоқ бўлиб турсин учун фабрика профилакторийсидан ҳамшира чақиртиришибди.

Бу гапларга одам на кулишини билади, на йиғлашини...

Нима қилсам, барибир, одам хом сут эмган бандида. Менгаки шунчалар тухматлар уюштириб, тилимни қисқ қилишга уринаётган эканлар, демак, ўзим ўйлагандек оддий "мурватча" эмас, "қеракли шахс" эканман-да, деган ўйдан, ҳақ гап, кўнгилда ғурурга ўхшаш бир туйғу "йилт" ётгандек бўлди. Балки шунинг учундир, афтидан, бош директор шаънига қизгин миннатдорчилик сўзлари эшитишдан умидини узган раис алал-оқибат ширғий кўзларини менга қадаб (буям Хўжайинга тақлиднинг бир кўриниши-ку), баайни ўта тажрибали терговчига ўхшаб тағдор оҳангда:

- Имомқул акам кўнғироқ қилиб билибдилар, сиз Бахтиёр аканинг бўлимида ишламас экансиз, - деган маҳал, Бахтиёр-махтиёрниям қўшиб оналарини учкўргондан кўрсатиш ўрнига, нечукдир совуққонлик аралаш қувлигим тутди-ю, "бахташ таваккал!" деганча атай бепарво оҳангда жавоб беришга уриндим:

- Тўғри. Мен уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимиданман.

Раис, юзига совуқ сув сачрагандай, сесканиб кетди. Сўнг, энди бир йўла хайр-маъзурниям насиё қилганча ошиғич жўнаворди.

Ишқилиб, ўйиндан ўт чиқмасе бўлгани...

Ҳамон кўзлари чақнаб турган ҳамшира кирди. Бирдан руҳим енгил тортди. Ташвишларниям унутгандай бўлдим. Қиз билан танишдим. Исми жисмига монанд Роҳила экан.

Гапдан гап чиқиб қизнинг Саъдий кўча 114-уйда туришини билиб олдим. Дарров 17-уйда ким истикомат қилишини сўрадим.

Роҳила лабларини чўччайтирганча, шифтга термулиб ўйлиниб қолди. Кейин бирдан пиқирлаб қулиб юборди.

- Бунни қаранг, шунча йил яшаб, уй рақамларига эътибор бермаган эканман.

- Дарвоқе.

- Сиз яхшиси ўзингизга қеракли одамнинг отини айтинг. Мен кўчадагиларнинг деярли ҳаммасини танийман.

- Кошки эди отини билсам. Ўзи кўчангиздан кўпчилик фабрикада ишлайдими?

- Бошқа қаердаям ишлашарди? - таажжубланиб елкаларини қисди ҳамшира.

Бир гал қишлоқдан меҳмонга борган жияним менга, ўн йил умрини пойтахтда ўтказётган шаҳарликка Ёш томошабинлар театри қаерда жойлашганини қизиб кўрсатган эди. Энди мен ўша театр жинниси ролини бажара бошладим. Ётган ўрнимда қоғоз-қалам олиб Саъдий кўчаси хонадонлари жойлашиш ўрнини қиза бошладим. Роҳила менга ёрдам бериб турди. Ўзиям хўп галати кўча экан. "Т" шаклида.

Қиз куйиб-пишиб тушунтиришларимни жон қулоғи билан тинглади. Сўнг беғубор кўзларини менинг чизмамдан олмай айбдорона оҳангда деди:

- Яхшиси, акажон, эрта эрталаб, навбатчилигим тугагач, ўзим бориб, ўша 17-уйни кўриб кела қолай. Ҳозир, менимча, сиз ё қрим-татар Энвер аканинг уйини айтяпсиз, у киши фабрикада механик бўлиб ишлайди; ё бўлмаса Абдували муаллимнинг уйини. Эртага анигини билиб келаман. Мен ишгаям, ўқишгаям кўчанинг у бошидан қатнайман, бу

тарафга камдан-кам ўтаман. Эртага борсам, ҳаммасини билиб келаман.

Шу мулоҳазада тўхталдик.

Сўнг узок, жуда узок суҳбатлашиб ўтирдик Роҳила билан...

Гапларимиз жуда оддий эди. Оилада қанча жонлигимиз, қаерда ўқиганлигимиз, қайси китобларни, қайси шоирларни яхши кўришимиз... Мен суҳбат асносида бир нарсага имон келтирдим. Гап нима ҳақида суҳбатлашишда эмас, қандай суҳбатлашишда экан. Оҳанг, қарашлар, бармоқларнинг ногаҳон бир-бирига тегиб кетиши... шулар муҳим экан... Назаримда... Э, худо, буни ёзишга ям кўркаман... Кейин... кейин...

Эшик тақиллаб қолди. Ким келдйкин?..

2 феврал. Пайшанба. Саҳар.

... Э, худойим, нималар бўляпти ўзи?! Бошимга солан ташвишларинг боиси не эди, кўрсатган карамингнингчи? Наҳот қувонч мудом қайғу билан ёнма-ён юрса...

Ўрнимдан туришга уринаман. Мадорим етмайди. Юрагим ҳаприкиб кетаяпти.

Ёраб, наҳот муҳаббат деганлари мана шундай сездирмай, мутлақо туйқусдан, қутилмаганда кўнгилга кириб келса ва унинг якка ҳукмдорига айланса. Наҳот ойлаб, йишлаб қай маконлардан беҳуда излаган, қўмсаган илоҳий хиссиётим шундоқ оёқ остидан чиқиб турса...

Мен уни яхши кўраман! Буни ўша, раис эшикни қоққан маҳал, у ноилжонлигини билдираётгандай қўлларини икки ёнга ёзиб, ширингина жилмайган чоғдаёқ, гира-шира бўлса-да, туйган эдим. Адашмаган эканман.

Хонада, қўлларимда, бўйнимда, юзимда, димоғимда бир муаттар бўй. Лабларимда унинг қизғалдоқ баргидай ол ва намхуш лаблари таъми...

Ёраб, қайдан бу бахт...

Йўк, йўк, ҳузур қилиб ётишга ҳали улгураман, ҳозир эса буларнинг барини махтасар тарзда бўлса ҳам қоғозга тушириб қўйишим лозим. Токи эрта-бурускун, суюклим васли насиб этгач, ушбу ғариб битикларга мурожаат этиб, илк учрашув дақиқаларини хотирда қайтадан тўла жонлантириш имкони туғилсин...

Кеча эшак тақиллаган маҳал кундалик қайдиар қилишни тўхтатган эканман.

Келган... Роҳила экан. Турибди остонада... ийманибгина... баайни ўзининг журъатидан ўзи лол...

- ... ака, - деди у.

Шунда мен қизнинг товуши титраб кетганини, қўш палапондай безовта сийналари тез-тез кўтарилиб-тушаётганини илғадим.

Қизнинг ҳаяжони менга ҳам ўтди. Лабларим қуруқшаб, базўр:

- Лаббай, - деёлдим.

- Бирон нарса... лозим эмасми?

Қайдандир журъат пайдо бўлди.

- Агар мумкин бўлса... бир пас ёнимда ўтирсангиз, - дедим.

Роҳила тарадудланиб қолди. Ҳатто қайтиб кетмоқчи бўлиб, эшик туткичига қўл чўзди ҳам. Буни кўриб юрагим потирлаб уриб кетди. "Кетма! Кетма!..." дея унсиз илтижо қила бошладим... Ахири ҳамширам журъатсиз қадамлар ила

оҳиста юриб келиб, қаршимдаги курсига ўтирди.

Қарасам... қизнинг оппоқ, узун-узун бармоқлари ҳалати боғичини асабий эзғилаяпти; узун-узун, қуюқ киприклар кўзларини тамоман тўсиб олиб, пастга қадалган.

Бир муддат шу алфозда ўтирдик. Сўнг, мен қаддимни тикламоқчи бўлгандим, диван гижирлаб кетди.

Роҳила ташвишланиб бошини кўтарди.

- Бирон жойингиз оғрияптими?

- Ҳа... юрагим урмай қоляпти шекилли.

Капалаги учиб кетган ҳамширам кўрпани тушира сола қулоғини чап кўксимга босди. Димоғимга гул этиб алламбало нафис атирлар бўйи урди. Бошим айланиб кетди. Қизнинг қордай оппоқ бўйнига титраётган бармоқларимни теккизганимни, унинг бутун бадани қалтираб кетганини сал-пал эслайман. Бир пайт қақраб кетган лабларим Роҳиланинг қайноқ лабларини излаб топди...

Ногаҳон...Роҳила отилиб кучоғимдан чиқди-ю, чопиб хонадан чиқиб кетди. Надоматлар бўлгаким, мен ҳали ўрнимдан туролмасдим: қорнимдан, оёқларимдан чандиб ташланган арқонлар ҳалал берарди.

Анча қақирдим. Роҳила келмади...

У яқинда келиб кетди. Ердан кўзини узмади. Ёноқлари ловулаган. Уялиб, қалтираб, ота-онаси рўза оғиз эканлигини, бориб уларга саҳарликка бирон юмшоқроқ егулик тайёрлаб беришга кетаётганини айтди. Мен ёнимга қақиргандим, баттар қизариб кетган ҳамширам... ширингина жилмайганча, бармоғини ўқталиб, ёлғондакам лўписа қилди-да, баногоҳ чарос кўзларига қуйилиб келган кўз ёшларини менга кўрсатмаслик учунми, хонадан чопиб чиқиб кетди.

Қувонч ёшларимиди улар...

Қайлардасан, суюклим... Соғиндим... Тезроқ кела қолсанг-чи... Мен сени яхши кўраман, Роҳила, жуда яхши кўраман... Сени яхши кўраман... Мен сенга атаб бир нима ёздим. Бу ҳали қоралама, холос. Сал сайқал бергач, албатта ўзингга ўқиб бераман. Ўзим ўқиб бераман... Шивирлаб ўқиб бераман... Сен жажжи қулоқларингни лабларимга тугтиб эшитасан. Мен ўқийман... Майин соч толаларинг лабларимни қитиклайди... Мен ўқийвераман... Сен тинглайверасан... Суюклим...

Мен олис йўлларда толиқиб кездим,

Вужудим турфа хил азоблардан дол.

Тасалли беролдим ўзимга ўзим:

"Ранж-алам охири албатта иқбол..."

Бу кун шууримга югурмоқда нур,

Ғамгин хотиралар тортмоқда хира.

Самовий хилқатдек шодон ва масрур

Сен пайдо бўлдинг-ку ногоҳ, Роҳила...

Бир замон ихлос-ла кимга сиғиндим,

Кимларга мадҳия битдим бесарҳад, -

Улар сунъий гулдек қолдирди кўнглим,

Улар аздаб кетди мени оқибат...

Лекин сен фаришта, бетимсол, бегарл,

Сен - гўдақ мисоли масъум, бокира.

Асли яратганми қодир табиат

Менинг толеимга сени, Роҳила.

Томримда кўпирар қон эмас, оташ,

Харорат ичида мисли шамс вужуд.
Юрак ҳам қафасин парчалаб ташлаб,
Вулқондек сапчийди бежилов, беҳуд.
Ўртаниб, энтикиб ҳам ожиз, нолон,
Қайноқ кўз ёшларим тиёлмай сира,
Сенга топинамай эркисиз қулсимон,
Сенга топинаман, сенга, Роҳила.

Мен ахир толега ишонган эдим,
Ишонган эдим мен қисматга чунон.
Билардим, қачондир телба юрагим
Уқади ўзимдек эҳтироскор жон.
Ўша - сен, мен йиллаб излаган малак,
Тасаввур этганим гоҳ гира-шира.
Изладим, мен сени топдим ниҳоят,
Мен сени ниҳоят топдим, Роҳила...

2 феврал. Пайшанба. Намозиом.

... Пешинга яқин Роҳила шамолдай учиб хонамга кириб келди. Келасола энтикиб ўзини қучоғимга отди-ю, сўнг шу заҳоти ўз қилиғидан ўзи уялиб кетдим, юзи анордек қизариб ўзини четга олди-да, ҳисобот беришга тушиб кетдики, гўё фақат шунинг учун келгандай.

Суюклим ўша машъум 17-уйга бориб келибди. Аввал Шипр фамилияли бир немис яшаган экан. Бултур, Германияга кўчиб кетаётиб уйини Раззоққул исмли бир бензинфурушга сотган. Лекин уйда Раззоққулнинг ўзи эмас, мактабда илмий мудар бўлиб ишлайдиган Жумаовой исмли укаси бола-чақаси билан тураркан.

Бу Раззоққулу Жумаовойларнинг мен билан неча пуллик ишлари бор экан? Бироқ, ўша машъум хонадон билан диванга миҳланиб ётишим ўртасида қандайдир алоқа мавжуд-ку ахир! Лекин қандай?

Ўйлайвериб, бошим ғовлаб кетди.

Шунда, билмадим, ошиқдимми ё айни вақтимиди, бугун ҳақиқатни Роҳилага айтиб беришга қарор қилдим. Айтдим ҳам.

Энди, Хлестаковлик фаолиятим тугаб, ҳаммаси жой-жойига тушгач, барча тугунлар ечилади, Роҳила иккаламиз бир маза қилиб кулиб оламиз, деб ўйлагандим. Қаёқда дейсиз.

- Ҳамма бизнесмен! - деди ҳамширам алам билан лабларини тишлаб. - Ҳамма юлиб қолсам дейди! Қелаверишади қизил гувоҳномаларини кўтаришиб!

Очиғи, андак кўнглим оғриди.

- Менга энди ҳеч нарса керак эмас, - дедим. - Мана, сизни топдим. Излаганимдан миллион бор кадрлироқ бўлган сизни топдим. Умуман, ўзи шигирчига бизнесни ким қўйибди.

- Менга бир нарсани тушунтиринг, ... ака, - деди Роҳила изтироб билан. - Шундай... шундай йўл билан пул топиб... яна ҳалоллик... адолат ҳақида ёзаверасизми? Ё ҳамма шунақами?

- Ахир мен ҳали бу ҳақда гап очганим ҳам йўқ-ку Имомқул акага. Бўлди. Гапирмайман ҳам. Тамом-вассалом. Сочиклариям бошида қолсин!

Роҳила аччиқ кулимсирлади.

- Унда ҳали Исҳоқжон аканиям танитайман, дерсиз? Фигоним фалакка чиқди.

- Яна қанақа Исҳоқжон ака?! Айтдим-ку, мухбирман, фабрикага биринчи келишим...

- Арзонга мол ундирмоқчийдингиз... - узиб олди Роҳила.

- Э тупурдим мол-полларигаям! Сал оёққа турсам бас, кетаман тўрва халтамни кўтариб. Фабрикаларингни елкамнинг чуқури кўрсин!

- Акт-чи?

- Яна қанақа акт?

- Безорилик қилганингиз, бир бечорага оғир тан жа-роҳати етказганингиз ҳақидаги-да. Имомқул ака унинг бир нуҳасини олганман, иккинчиси турибди мелисахонада, деди. Тузалишингиз билан оёғингизни ерга текказмасдан олиб кетишармиш.

Тамомила довдираб қолдим.

- Қаёққа?

- У ёқларни совуқ дейишади, - пичинг қилди ҳамширам.

- Ахир, кимлигимни сизга очик айтдим-ку, жоним!

- Менам шунга тушунмаяпман-да. Оддий бир мухбирга шунча овора бўлиш уларга зарил кептими?

- Бунисини энди улардан сўраш керак. Менимча, улар мени бутунлай бошқа одам деб ўйлашапти. Биронтаси келса, ҳаммасини шартта-шартта айтиб ташлайман. Шундан кейин ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Жуда зўр келса, манави супермехмонхона, еб-ичганим учун пул тўлашга тўғри келар. Майли, пулим бор, тўлайман. Шу билан ўрага сичкон тушиди - гулдур-гуп.

- Аввал думингиздаги галвирни олиб ташланг, - яна узиб олди Роҳила.

Ғазабдан юзимга қон тепди.

- Менга қаранг, мен сизга бор ҳақиқатни айтдим...

- Исҳоқжон акани танитайсизми? Тошкентга, уйингизга борган экан. Бир кеча ётиб қолган экан, - дея менга қаттиқ тикилди ҳамширам.

- Танитайман, дедим-ку Исҳоқжон-писҳоқжонни. Истасангиз, онт ичишим мумкин. Муҳаббатим ҳаққи...

Шу ерга келганда, билмадим, қайси гапим ортиқчаллик қилган экан, бармоқларини қисирлатиб дераза ёнига борган Роҳила кескин ортига ўгирилди ва нафрат билан кичкириб юборди:

- Ишонмайман! Биттангтяям ишонмайман! Баринг пул, нарса, амал илинжида юрибсан! Яна онт ичармиш...

Овози бўғилиб, кўзларига жикка ёш тўлган Роҳила хонадан чопиб чиқиб кетди. Эшик қарсиллаб ёпилди.

Нелар бўлаяпти ўзи, а? Ўлай агар бир нарсани тушунган бўлсам!..

Қовурғам симиллаб оғриб азоб бераяпти. Туриб бўлмайди. Ётибман эшикка илҳақ кўз тутиб...

2 феврал. Тун.

... Бир соатча бурун эшик ланг очилди ва остонада йнглайверганидан бўлса керак, қобоклари шишиб, кўзлари кип-қизариб кетган Роҳила пайдо бўлди. Мен тангилиб ётган ўрнимда қадимни тиклашга уриндим. Авваллари бундай пайтлари ҳамширам чопиб келиб кўксимдан босгучи эди. Ҳозир эса, менга бир муддат ғамгин термулиб тургач, ҳазин овозда деди:

- Сиз танитайман деб онт ичмоқчи бўлган одам

келди. Муҳаббатингиз ҳаққи онт ичмоқчи бўлудингиз...

Мен оғиз жуфтлаб улгурмадим. Бағоят новча, чамаси элликларни қоралаб қолган, пўрим кийинган, тепакал бир киши негадир оёқ учида юриб келди ва шундай эҳтиёткорлик ила эшикни ёпди.

Ич-ичига ботиб кетган мушукниқандай чағир кўзлари ўйнаб турган бу одамни бир кўришдаёқ ёқтирмадим. У бўлса кучоғини кенг очганча устимга бостириб кела бошлади.

- Э, укажон, сизни кўрар кун ҳам бор экан-ку. Кутавериб кўзларимиз тешилиб кетди-ку! Келишганимиздай, бир оғиз хабар қилиб қўйсангиз ўзим чиқиб кутиб олмасмидим...

- Исҳоқжон ака!

Ярим йўлга етган найнов такқа тўхтаб Роҳилага ўгирилди.

- Лаббай, сингилжон.

- У киши сизни танайман, деди, - янада кескинроқ оҳангга ўтди Роҳила.

- Қанақасига? Қанақасига танимасин ахир, - ажабланиб узун қўлларини кўкка кўтарди найнов. - Ахир сизга айтдим-ку, сингилжон, бир ойгина муқаддам иккаламиз бир оқшом ухламай дардлашиб чиққанмиз деб.

- У киши.. онт ичмоқчи бўлди, Исҳоқжон ака! - йиғлағудай аҳволга тушган Роҳиланинг овози аянчли тарзда чийиллаб чиқди.

Найнов қўлларини туширди.

- Сингилжоним, сиз ҳали ёшсиз, кўп нарсаларни тушунмайсиз. Бу укам ишлайдиган маҳкамада давлат манфаати биринчи ўринга қўйилади. Шунинг учун давлат манфаатини кўзлаб, бир-икки кишига қасам-пасам ичиб юборилса, бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ.

- Ахир... ахир..

Роҳила ортиқ гапиролмади. Пикьяллаб йиғлаганча хонадан чопиб чиқиб кетди.

Мамнун тарзда паншаха қўлларини бир-бирига ишқалаган найнов ёқимсиз ишшайганча бориб эшикни зичлаб ёпгач, қайтиб келиб ёнимга ўтирди.

- Менга қара, ука, - деди у ҳеч бир яхшилик кутмайдиган оҳангда тўғридан-тўғри пўписага ўтиб. - Ҳамма гапдан хабарим бор. Шунинг учун мен билан сичқон-мушук ўйнайман деб овора бўлма. Шусиз ҳам вақтимиз кам. Мен киссамдан нақд беш минг тўлаб, сени сотиб олганман.

- Мен сизни танайман! - дедим ёмон бир нарсани сезган кўнглим увишиб.

- Буни биламан. Лекин буни айтишга кечикдинг. Поезд кетиб бўлди. Шунинг учун энди иккаламиз ўғил болачасига гаплашиб оламиз.

- Нима учун сизнинг алжирашингизни эшитишим керак экан? - дедим эътироз билдиришга уриниб.

- Эшитасан! Агар шу ердан эсон-омон чиқиб кетай десанг, анави қўлпирилган ойимчанг соғ-саломат юрсин десанг - эшитасан! Эшитмаям кўр-чи, нима қиларканман! Қолган умрингни қамокда чиритаман. У ерда ҳам тинч қўймайман. Бошинга шундай кўргуликларни соламанки, ўлиб кетмаганларингизга пушаймон бўласан. Бу менинг қўлимдан келади, бола. Мен мақтанишни ёмон кўраман. Фақат қўлимдан келадиганини айтаман. Шунинг учун мен билан ҳазиллашиб ўтирмасдан, айтганларимни "ҳўп" деб

бажар-да, индамай ўз юртинга кетавер. Кейин мен сени танайман, сен мени.

- Қизиқ экансиз-ку. Аввал танийман деб тўхмат қилдингиз, энди бўлса танайман дейсиз.

- Сен бу ишларга аралашма. Ҳали ёшлик қиласан. Сен яхшиси менинг айтганларимга диққат билан қулоқ сол. Менинг отим Исҳоқжон ака. Лақабимниям билиб қўйишинг мумкин. Шопил. Узун дегани. Шу ерда туғилиб ўсганман. Илдиларим бақувват, унча-мунча одамнинг кучи етмайди. Сенга ўхшаш ипирисқиларни-ку, бир пуф билан учуриб юбораман.

- Кўп дўқ уравермасдан қўлингиздан келадиганини қилинг, ака! Менга деса осмон қўлингизда бўлса ташлаб юбормайсизми. Бир бошга бир ўлим.

- Шунақами? - Шопилнинг кўзларига қон қуйилди. - Мана бўлмаса.

Найнов қўйнидан тўлқин билан ишлайдиган жажигина телефон қурилмасини чиқарди-да, тугмачаларини босди. Бир муддат нимадир зинғиллаб турди, сўнг қандайдир хириллаган товуш эшитилди.

- Менга қара, Маҳамат, - қурилмага гапирди найнов. - Фабриканинг гастинсасида бир киз бор. Медестра. Оти Роҳила. ГАИ даги Ўринбойнинг синглиси. Шунини мошинга босиб олиб кетинглар. Ўша ёққа оборинглар. Кейин биланларингни қилинглар... Тез етиб келинглар. Ҳозир қушча шу ерда. Бир маза қиласан. Ўзиям дўндикқина нарса...

Ён-атрофимда қўлга илингулик ҳеч нарса йўқ эди. Ёстигимнинг биттасини отдим бу маразга.

- Бас қилинг, бас қилинг деяпман!

Найнов ҳузур қилиб ишшайди.

-Маҳамат, тўхтаб тур-чи. Кейинроқ телефон қиламан.

- Нима қилишим керак?

- Бу бошқа гап, бола. Айтдим-ку, мен билан ўйнашма деб. Яхшиси уч чаноқ бўлиб юравер.

Сен менга кераксан, кўп эмас, икки-уч кўнга. Кейин, келишганимиздай, жавобингни бераман. Тўрт томонинг қибла.

Мен фабрикада йигирма йил бош инженер бўлиб ишладим. Ярим йилдан бери бўяш цехи бошлиғиман. Аблах Имомқул мени йиқитди. Тепада "танка"лари бор экан. Лекин мен ҳали таслим бўлганим йўқ. Таслим бўлмайман ҳам! Мен ҳали у келгиндига кўрсатиб қўяман. Ўзи олдимга тиз чўкиб келади!

Тобора газабга миниб, оғзи кўпириб бораётган собиқ бош муҳандиснинг авзойидан одам кўрқулик эди. Бунақа ҳолатга тушган одам ўйланиб ўтирмасдан биронинг ҳорнига шартта пичоқ тикиб оладиям...

- Мен яна аввали ишимга қайтишим керак! Директорлик менга керак эмас. Мажлиса-мажлис санқиб юришга, кетма-кет ҳайфсанлар олиб, ҳокимияту вазирликдаги аллақандай сўтаклардан сўкиш эшитиб ўтиришга менда тоқат йўқ. Мен иш одамиман.

Сен менга икки-уч кўнга кераксан. Қил деган ишимни қиласан, қилма деганимни қилмайсан. Анави гўл ойимтилаларга ўхшаганларга дарров қасам ичиб, мен мухбирман деб кўкрагинга ураверма. "Сизни танаймайди!" деб оёқ тираб туриб олибди жинқарча. Қарасам олдинга

қўймоқчи ҳам эмас. Нуқул мазаси йўқ деб баҳона қилади. “Бир кеча уйда ётганман, роса отамлашганман”, дегандим кўзи чиқиб кетди бечоранинг. Нуқул “Алдаяспиз”, дейди. Шунда менам қасамнинг каттасини қўйвордим. “Алдасам - онам ўйнашим бўлсин!” дедим. Бақа бўлиб қолди ўзиям. Сенам менам кўзингни ола-қула қилаверма. Кўрkitолмайсан. Хўп, ана, қасам ичган бўлсам нима бўпти. Бунинг устига, мен сағир ўсганман, онам мени ташлаб бошқага тегворган. Момом мени тарбиялаган. Шундай экан, бир марта туққаннинг арвоҳини безовта қилсак кипмиз-да.

- Сизни қасам уради!

- Бу ёғини ўзимга қўйиб бер. Тоза қасамдан кўрқсанг, ана, икки уч кун қовоғингни солиб, иложи бори-ча гапирмай ётавер маза қилиб. Ёганинг олдинда бўлади, ёмаганинг кетинда. Раисми, Имомқулми келиб тирғалаверса, ёдиндан чиқарма, ҳеч қачон саволларига аниқ жавоб берма, бир нима деб гўдраниб қўявер. Саволини яна такрорласа, уларнинг кўзига қаттиқ тикил-да, без бўлиб туравер. Яна қўйишмаса “Бу давлат сирини” дебми қутул. Ишқилиб, баланддан келавер-да. Шунда улар иштонини хўллаб қўйишади. Сени кўп нарса биларкан, деб ўйлашади, атрофинда гирдикапалак бўлишади, чўнтагингга бир нима солиб қўйишади.

- Мен артист эмасман, - дедим найновнинг гапини чўрт кесиб. - Бунақа ўйинларни ўйнамайман.

- Ўйнайсан! - пинагини бузмади суҳбатдошим. - Жон керак бўлса, бундан зўригайм ўйнайсан, бола.

- Ё мақсадингни аниқ айтинг, ё хонани бўшатиб қўйинг.

Найнов ёшига ва гавдасига ярашмаган тарзда пихиллаб қолди.

- Балосан-ку. Хай, майли, мен қарталарни очиб ташлайман, лекин сен бундан кейин тилингда эҳтиёт бўл. Орқанга одам қўяман, мабодо лақиллаб қўйсанг, ўша тилингни ўзим суғуриб оламан.

Мен сен билан очик ўйнапман, бола, бунинг қадрига ет. “Мен фақат халқимни ўйлапман, Ватанимни ўйлапман, ўзим покизаман, ҳалолман, мусичадай беозорман”, деб роса бошингни котиришим, қўйингни пуч ёнғоққа тўлдирим мумкин эди. Ишонавер, мен бунинг боплардим. Ахир, бир пайтлар Маданият институтининг режиссёрлик факультетини тугатганман. Бошингни шундай айлантириб қўярдимки, сен мен ҳақимда очерк ёзишга тушиб кетардинг. Буям кам. Ёнг шимариб, мени ҳимоя қилишга тушиб кетардинг. Эҳ-ҳе, вақтида ҳамкасбларингдан қанчаси мени мақтаб ёзмаган. Газитам қолмаган, радиоям, журналдам, телевизорам. Ҳов палончи бор-ку, - найнов таниқли бир журналистнинг номини тилга олди, - ўшайам мени ёзган. Лекин ўзи жуда сулоҳ экан. Гиламдан тортиб кир ювиш машинасигача олди. Яна барини тиланиб олди. Эй, у пайтлар райком бор эди, бир гуноҳ иш қилган бўлсанг ҳам, газитда чиққан расмингни шундай кўтариб борсанг, барисининг дами ичига тушиб кетарди.

Лекин замон ўзгарди. Энди ҳамма нарса пулга боғлиқ бўлиб қолди. Раз шундай экан, ақлим бўлса, тажрибам бўлса, нега энди оғзимдаги ошни олдириб, индамай ўтираверим керак экан. Хўш?

Елка қисиб қўяқолдим. Найнов мамнун иршайди.

Билмайсан. Мен эса биламан. Фақат аҳмоқ

одамгина оғзидагини олдириб ўтиради. Мен эса аҳмоқ эмасман. Аҳмоқ бўлиб қолишнинг истамайман.

Цех бошлиғи қилиб қўйгандан бери Имомқул мени улугга қўшмаепти. Ҳар замонда бериб турган чой-чақаси эса гадоёга салақадай гап. Янги йил олдидан катта партия мол сотилди. Ҳаммасидан хабарим бор эди. Лекин аблаҳ Имомқул бир тийин бермади. Нима, цехдан обчиқиб сотган ўн-ўн беш кило бўёқ чап ичагимга юк бўлармиди? Катта охурдан ем еб ўрганган бўлсам.

Хуллас, ука, байрамдан кейин уч кун уйда қамалиб ётиб, роса ичдим.

Тўртинчи кун ишга борсам, дарвоза ёнида турибди безрайиб. “Ҳа?” дейди ўдагайлаб. Индамадим. “Дарров тушунтириш хати ёзинг, масалангизни йиғилишда кўрамыз”, дейди. Индамасам, баттар авж оладиган. Шартта башарасига қараб туриб “Тошкентдан келяпман...” дедим. Ранги ўчиб кетди аблаҳнинг. Бўйнида айби бор-да, оёғи қалтирайди. Э, ука, режиссёрликка ўқиётган пайтим инсон психологиясини роса ўрганганман. Ҳар қандай одамнинг нозик жойини топиб олсанг бас, кейин қўғирчоқдай ўйнат-аверасан. “Тошкентга нега бордингиз?” дейди талмовсираб. “Яқинда билиб қоларсиз”, дедим дудмол қилиб. Айтдим-ку, Имомқулни молфаҳм деб. Ичидан кирибди ўтиб кетди. Бунинг сезиб қолиб, темирни қизигида босдим. Ўзиям боплаб тузладим. “Емоқнинг ҳусмоғи бўлади. Бизам жа унчалик кўчада қолганлардан эмасмиз, топиб келдик каттако-он бир таянччи”, дедим. “Биз еган бўлсак, сизам четда қолмагандирсиз”, деди бир пайт вишиллаб. Ўхшатиб қолдим. Гўё ҳамма нарсани биладиган одамдай. “Ҳамма ҳужжатларда сизнинг табаррук имзойингиз, биз бир бечора одам, юриб-миз тинчгина қавушимизни судраб”, дедим. Сассиқ ҳаво чиқарган сигирдай пусиб қолди.

Индамай кириб кетди кабинетига. Билдим, Тошкентга қўнғироқ қилаяпти. Ишонган одами бор, Бахтиёр ака деган.

Бахтигма кейинги пайтларда унинг тагига ҳам озроқ сув кетиб юрган экан, аниқ бир нима дейлмабди. Фақат: “Эҳтиёт бўлинг, замон нозик, кўплаб операциялардан беҳабар қолаёпман”, дебди.

Шу билан прогулим бости-бости бўлиб кетди. Имомқул икки-уч марта илмоқли гап ташлаб кўрди, аммо мен сир бой бермай юравердим. Очик ҳужумга ўтса “Яқинда ўзингиз кўрасиз”, деб қутуламан.

Бунинг қара, худди шунақа пайт сен ўз оёғинг билан “лоп” этиб келиб қолсанг-а! Худонинг бергани шу-да. Қоровулдан сен ҳақинда эшитган заҳоти машинага ўтириб Тошкентга жўнадим. Афсус, ўшанда сал хато қилибман, сени ўзим билан олиб кетаверишим керак эди. Бўлмаса меҳмонхонада жойлашган хонангача билиб олибидим. Шунда анави акт-пактлар бўлмасди, сенам сувдан қуруқ чиқиб кетардинг, анави Имомқул эса уйимга эмақлаб келарди.

Хуллас, шаҳарингга бориб, ўзимнинг номимга ошиғич телеграмма жўнатдим: “Исҳоқжон, махсус бўлинмадан ёш бир йигитни юбордик. Барча зарур ёрдамни кўрсатарсиз. Акангиз”, деб. Имомқул аҳмоқ бўлгани билан суянчиқлари маслаҳатига амал қилиб ишига пишиқ бўлиб бора-япти. Телеграф, почтада унинг одами йўқми? Бор, албатта. Юз фоиз кафолат бераманки, уйимга етиб келмаган ошиғич

телеграмма Имомқулнинг кўлида турибди.

Энди ўйлаб қара. Менинг Тошкентдан одам келади деганим, сенинг келганинг, телеграмма... Ҳар қандай одамнинг юрагига гулгула тушади-да. Шундан кейин Имомқул ҳовлиқиб қолиб, чопачопни бошлаган. Бунинг устига, қараса, Тошкентдан келган сирли меҳмон кеч тушиши билан тўппа-тўғри Исҳоқжонлар гап ейдиган уйга кетяпти-да.

- Ҳали Саъдий 17 да сиз турасизми?

- Йўқ. Лекин бизнинг гуруҳимиз ўша ерда тўпланади. Штабимиз ўша ерда жойлашган. Ганниям ўша ерда еймиз.

- Демак, хатниям...

- Хатни менинг одамларимдан бирови чўнтагинга солиб қўйганди... Қисқаси, ука, худо ишимни ўнглади. Насиб қилса, Имомқул олдимизга эмаклаб келади ҳали.

- Жуда унчалик эмасдир. Айтдингиз-ку, Имомқул акани ўз ишига пишиқ бўлиб боряпти деб. Бунинг устига, қатта-қатта текшир-текширларгаям дуч келавериб, у киши жуда уста бўлиб кетгандир.

- Э, ука, авваллари қачон, ким тафтишга келишини Имомқул бир ой олдин билиб турарди. Бу биринчидан. Иккинчидан, шу пайтгача орада ихтилоф йўқ эди, ҳаммамиз, жумладан мен ҳам Имомқулни қўллардик. Энди бўлса мен уни фош қилмоқчиман. Ишонавер, кўлимда анча-мунча ҳужжатлар бор.

- Шунча ҳужжатингиз бор экан, мени орага суқиб нима қиласиз? Ўзингиз фош қилаверинг кўнглингизга сикқанча.

Найнов яна беўхшов пихиллаб қулди.

- Аҳмоғингни топибсан! Нима, мелиса келиб Имомқулни қамаб қўйсинми?

- Ўзингиз шуни хоҳламаяпсизми?

Найнов кўрсаткич бармоғини чеккасига ниқтади.

- Мана бу ерда бир шаринг камроқми дейман. Нима, боядан бери ҳуқуқнинг қўлоғига танбур чертяпманми? Айтдим-ку, менга Имомқулнинг қамалиши эмас, ўзининг қайтадан аввали ўрнимга ўтиришим керак. Менга шунинг ўзи кифоя. Қолганини ўзим биламан.

- Бош директор қамалса тинч ётмайди, мениям тортиб кетади, мениям бўйнимда айбим бор, деб очик айтиб қўя қолинг-да.

- Исҳоқжонни тортиб кетиш осон эмас, бола. Мен хашиша эҳтиёт-шарт деб олд-ортимни тозалаб юраман. Имомқулга ўхшаб паст-баланд давраларда бўкиб қолгунимча ичмайман. Маст бўлиб олиб, қоп-қоп ваъдалар бермайман. Унинг қамалишига қаршилигим кўрққанымдан эмас. Бу ерда сен тушунмайдиган бошқа сабаблар бор.

- Ўзингиз қарталарни очиб ташлайман дедингиз-да, яна сир яширишга ўтаяпсиз.

- Хўп, ана, Имомқул қамалди дейлик. Шуминан нима ўзгарарди? Ҳеч нарса! Ҳокимият дарров "конкурс" уюштиради-да, қатгароқ ташлаган ўзининг одамини юборади. Табиийки, келган одам то ташлаганини йиғиб олмагунча бировга ҳақ бермайди. То унинг кўнглини топгунимизча, "ахиллес товони"ни аниқлагунимизча орадан анча вақт ўтиб кетади. Кейин янги бошлиқнинг ўзи ишонган, қаерга борса ортидан эргашиб юрадиган одамлари, қариндош-уруғлари, мундайроқ тилда айтсак, ўз мафияси бўлади.

Фабрика - ёғли қозон. Ёғли қозоннинг эса ошиқлари кўп бўлади. Шунинг учун ҳозир, имкон борида ялаб қолиш керак. Кейин кеч бўлади.

- Нима, фабрика хусусийлаштирилаяптими?

- Ука, ҳалиям осмонда учиб юрибсан шекилли. Бу фабрика хусусий бўлгунча ҳали кўп қовун пишиғи ўтади. Ўйлайсанки, ёғли қозон шу ердаги тўрт-беш қаламуш ўртасида деб. Янглишасан. Тепада шундай ҳомийлар борки... Ўзимиз бирини есак, уларга мингни узатамиз. Улар учун фабрика давлатга тегишли бўлиб қолавергани, лекин "томизиб" тургани маъқул...

- Ундай бўлса, тақсир, айтинг кўлингиздаги фактлардан уч-тўрттасини. Имомқул ака келганда гўддайиб туравермай, ҳеч бўлмаса имо-ишора қилиб қўяй у-бу нарсалардан вокифлигимни.

Найнов қафтларини бир-бирига қарсиллатиб урди.

- Мана бу бошқа гап! Боқса одам бўласан, ука, одам бўласан.

Хўш, гап бундай. Мисол учун ўзинг истаб келган кичкина сочиқларни олайлик. Оббо, қизарма бундай. Сени ўлиб-тирилиб ҳимоя қилган анави ҳамшира оймтилланг айтди бу гапни. Мени оддий мухбирлигинга ишонтирмоқчи бўлди... Майли, асосий гапга қайтайлик. Ўша сен истаб келган сочиқларнинг фабрикадан чиқиш нархи 2 сўм 80 тиин. Лекин молни бундай сувтекин нарҳда харидор қўлига тутқазиб юборадиган аҳмоқ йўқ. Қоғозларда шу нарх расмийлаштирилади-да, ҳар бир сочиқ устига камида беш сўмдан "шапка" олинади. Ёки чойшабларни, кўрпа жилдларни олайлик. Россияга эҳтиёт қисмлар, бўёқлар, игналар учун, масалан, ўн мингта юборилаяпти, дейлик. Ҳужжатларда ҳаммаси тўғри бўлади. Лекин вагонга йигирма мингта урилади. Ортиқча ўн мингтанинг нақд пули долларга айланиб, уч-тўрт киши ўртасида тақсимланади. Ёки бўлмаса, ўзимизда эҳтиёж қатта бўлишига қарамай, фабриканинг фирма дўконлари Қирғизистонда, Қозғистонда пайдо бўлиб қолаётганини ол. Бундай дўкон учун фабрикадан руҳсатнома олишнинг ўзи камида минг доллар туради.

- Қанча?

- Шунақа. - Мамнун ишшайди найнов. - Сен нима деб ўйловдинг. Кейин шартнома учун алоҳида узат, мол учун алоҳида, омборчига, юкчига, қоровулга... Хуллас, ҳаммаёқ узат-узат...

- Ҳа-а... ишларинг оғир экан.

- Кесатма, ука, ҳали ёшлиқ қиласан. Ўзингнинг бу ерга аслида нега келганингни унутма. Нима қилардинг ақлинг етмаган ишга бурнингни суқиб... Майли, иш бўлсин, кейин ўша сочиқдан ўн минггача тўғрилаб бераман. Кўп эмас, устига уч сўмдан берсанг бўлади... Ҳа, нега қовоғинг осилиб кетди? Мен ўз улушимни чиқариб ташлаб сенга уч сўмдан деяпман ҳалиям...

Энди, ука, - яна таҳдидли хўмрайди найнов, - мен сенга бутун қарталарни очиб ташладим. Ҳали айтганимдай, артистлик қилиб, ўзимни ҳалол-поқдомон, халқ манфаати ҳимоячиси, жабрдийда қилиб кўрсатиб ўтирмадим. Қолбуки, буларнинг бари кўлимдан келарди. Бошингни шундай айлантириб қўярдимки, ўзинг менинг бош ҳимоячим бўлиб қолардинг.

Сен қатта ўйинга аралашиб қолдинг, ука. Энди эҳтиёт бўл. Айниқса тилингда. Тил югуриги бошга. Икки

томоннинг баробар кўнглини оламан дедам хомхаёл бўлма. Бу икки тегирмон тоши орасида тургандай тап - янчилик кетасан.

- Айтган гапларингизнинг ҳаммасини далил сифатида кўрсатиб, фабриканинг ҳақида каттақон битта фельетон ёзсам-чи. Бундан кўрмайсизми?

Найнов яна пихиллаб кулди.

- Эсанни қотирма, ука. Мен ҳар қалай, сал-пал одам танийман. Ёзғич одам бошқача бўлади.

- Нима, ёзғич одамнинг бошида шохи бўладими?

- Йўқ, бошида шохи бўлмайди, лекин кўзида ўти бўлади... Ҳар қалай, ёзғич одам аввал бошидан ўн-ўн беш минг сочиқ илинжида келмайди. Ахир, манфаат бор жойда қалам ҳақиқатни ёзишдан ожиз қолади. Тўғри эмасми?

Боплади, аблаҳ! Яна бакрайиб тикилиб турганиничи!

- Сен яна бир нарсани ёддан чиқараяпсан. Ёзиш учун аввал Тошкентинга бориб олишинг керак. Тошкентингта эсон-омон бориб олиш учун бу ердан чиқиб олишинг керак. Бу ердан эсон-омон чиқиб олиш учун эса Имомқулнинг кўлидаги-актни йўқотишинг керак. Имомқул айёр одам. Ҳали у сен билан кўп савдолашади. Эҳтиёт бўл. Арзонга сотилиб қўйма. Ким билади, унинг кўнглида яна не галамсликлар бор. Сенинг тилингни қисқ қилиб қўйиш учун у ҳеч нарсадан тоймайди.

Энди ёзишинг ҳақида. Йигирма йил бош инженер бўлиб ишладим. Биттагина шунақа ҳақиқатни ёздиган келди. Ҳеч нарсага кўнмай, оёқ тираб туриб олди. "Ёзаман!" дейди, тамом-вассалом. Ўшанда жаҳлим чиқиб бир аёлга шапалоқ тортиб юборгандим. Шикоят қилиб борган экан... Қаламини қайраб турибди "Ёзаман!" деб. Тушликка таклиф қилсак бормайди, энағар! У-бу нарса берсак отиб юборади, дўқ уради. Жула ўзидан кетди... Лекин ахири бопладик. ОБХССни чақириб, дўкончимиздан "пора олаётган" маҳал шартта босдик. Шундаям тавбасига таянмагани, ўзига жабр бўлди - камалиб кетди... У ёқдаям ўз одамларим бор эди, ими-жимиди йўқ қивордик...

- Эски аблаҳ экансизлар!

- Стаждан нолимаймиз... - Найнов соатига кўз ташлаб ўрнидан турди. - Вакт ҳам бўлиб қолибди. Унутма, бола, ҳозирча Имомқул сендан чўчиб турибди. Шундан фойдаланиб қол. Имо-ишорали гаплар қил, қўрқит, ваҳима қил, мен ҳақимда сўраб қолса "У кишини жуда ҳурмат қиламан", деб қўявер. Шунинг ўзи етади. Агар асаблари чидамаган Имомқул очик хужумга ўтиб, акт баҳонасида дағдаға қилишга ўтса, сенам бўш келма: "Мени икки йигитингиз қандай калтақлашганини Исҳоқжон ака видеога олиб турган экан", деб тепадан келавер.

- Ростдан суратга олганмисиз? - типирчилаб қолдим мен.

- Бе-е. Нима, инфрақизил нурлар билан ишлайдиган камерам бормидики... Бу шунчаки, йўлига, психологик хужум қилиш мақсадида айтиладиган гап... Лекин сен бўш келма. Юқоридан келавер. Имомқулга ўхшаш пўкларга ақлга сиғмайдиган гапларни қанчалик кўп айтсанг, сендан шунчалик кўпроқ ҳайқишади. Камерага ишонмаса, чўнтагимда япон диктофони бор эди, ўшанга ҳамма гаплар ёзилиб қолибди деб туравер.

- Қани ўша диктофон, деса-чи.

Найнов менга масхараомуз қарали.

- Йўқ, янглишибман, барибир одам бўлмайсан экан. Шум кийин масалами? Ғўдайиб туравер керакли жойга юборганман, деб. Кейин кўрасан атрофингда думини ликилатиб парвона бўлишларини. Э, ука давринг келди - суриб қол-да! Ўйланиб ўтираверасанми, лаллайиб? Бу дунёда тавакқал қилган ютади. От кимники - минганники!

- Мабодо, Имомқул ака ҳам сизга ўхшаб айёрлик ишлатибми, ҳамширадан мен ҳақимдаги барча гапларни билиб олса ё аллақачон билиб олган бўлса. Унда бутун тоат-ибодатингиз бир пул бўлиб қолмайдими?

- Тўнқамисан, нима бало? Айтган бўлса айтгандир, айтмаган бўлса айтар. Бунақа ойимтиллалар кўчма қизил байроқдай гап. Голиб томонга ўтиб кетаверади. Хўп, нима қипти айтса? Ҳеч нима! Сен без бўлиб ўтиравер. Янада баландроқдан кел. Қасам ичмоқчи бўлган бўлсам нима бўпти де. Мен учун давлат манфаати муҳим, дейсанми, ишқилиб, дабдабалироқ бир гап қилгинки, Имомқулнинг ичи ўтиб кетсин. Кейин айт: "Мени ким деб ўйлаяпсиз, учраган биринчи қизга бор сиримни айтиб беравераманми, у сиз ёллаган агент бўлиб чикса-чи?" де. Хуллас, тепадан келавер. Сиртингта сув юқтирма ҳар не бўлса ҳам. Шунда ютқазмайсан. Унутма, сен менинг агентимсан. Ҳеч бўлмаса кўзига тик қарагин-да: "Ака, бу давлат сири, операциянинг иқир-чиқирларини сизга очишга ҳаққим йўқ", де. Айтгандай, гап орасида, ўрнини топиб, яқин танишларимдан бири бир фабрикадаги алдам-қалдамларни фош қилгани учун катта унвон олди, катта пул муқофотиям олди, катта амалгаям кўтарилди, деб қистириб ўтиб кет. Мабодо бу гапни Имомқул нозик ишора деб тушуниб, эриб қолса, индамай олавер, савоб бўлади. Бунақаларни тез-тез шилиб туриш керак, шунда мой босиб кетмайди.

Охири марта айтаяпман. Актдан чўчима. Мен ҳозир Тошкентга жўнайман. Ўша ёқдан Имомқулга телефон қиламан. Сени қандай калтақлашгани хусусидаги видеотасвириними, диктофон ёзувиними, керакли жойга топширдим деб ўтақасини ёраман. Айтгандай, ким дўппослагани ёдингда йўқми?

-Ёдимда. Тошкент шевасида гапиришди. Бири иккинчисини Низомжон деб атади. Биттасининг кўзойнаги борили.

- Бўлди. Етарли. Мадаминбек билан Тўрткўз.

- Бирининг оти Низомжон...

- Аҳмоқ бўлма, ука. Ким бунақа пайтда ҳақиқий исмини айтади. Лекин кўзойнагини яхши эслаб қопсан. Энди кўркмасдан видеога олиб қўйганман, деявераман. Ўзиям Имомқул иштонига ўтириб қўядиган бўлди.

Ҳа, яна бир гап. Имомқул мени келдими деб сўраса, бемалол "ха" деб жавоб беравер. Фақат эшикдан эмас, деразадан кирди, де. Хўпми? Қара, шу пайт ҳам ойимтиллангнинг ташвишини қилиб ётибман. Бўлмаса у ким менга? Пулини тўлаб қўйган бўлсам!..

Айтгандай, ётган меҳмонхонанг расмангина фабриканики ҳисобланади. Аслида бу Имомқулнинг шахсий уйи. Шуниям гап орасида писанда қилиб ўтиб кет, бира тўла тамом бўлади-қўяди.

- Сиздан бир илтимос, - дедим ниҳоят кўнглимни қачондан бери гап қилиб турган бир мулоҳазани айтишга журъат этиб. - Ҳамширага айтиб қўйсангиз, менинг ҳамма

гапларим рост. Мен қасамхўр эмасман. Фақат сизнинг товламачилигингиз, туллақлигингиз оқибатида шундай ноқулай аҳволга тушиб қолганимни бир ёғиз тушунтириб қўйинг. Шунда мен сиздан рози бўламан.

- Майли-ю, - ўйлаиб қолди найнов пешонасини қашиб, - лекин унда табиийлик бузилади-да. Айтилик, у ҳозир сендан газабланиб турибди, сени ёлғончи деб бўралатиб қарғаяпти. Айнан шу ҳолида, кизариб-бўзариб бориб барини Имомқулга тўкиб солса, айни муддао бўларди-да.

- Қанақасига? - ҳайрон бўлдим мен.

- Шунақасига! Имомқулга ўхшаган қолғичлар ҳалол-покиза инсонлардан эмас, ёлғончи, уддабурон, қолдузни бенарвон урадиган учарлардан чўчишади. Унинг бу ожизлигидан фойдаланиб қолиш керак. Ойимтиланг билан эса кейин ҳам муносабатларни ойдинлаштириб олаверасан. Керак бўлса, ўзим ёрдам бераман.

Мен эътироз билдиришга уриндим, аммо "тап тамом!" дегандай қўл силтаган найнов энди нечукдир бемалол гурс-гурс қадам ташлаб хонадан чиқиб кетди.

Анча маҳалгача жойимда тўлганиб ётдим. Сўнг кундалигимни қўлимга олдим.

Оғриманган бошимга олтин исирга... Қандай балога аралашиб қолдим ўзи! Қайдан ҳам бу жиноятчилар тўдаси жойлашиб олган фабрикага келиб қолдим, Аммо... аммо ундай десам, қобоклари кизарган, менга аллақандай иддао ила "ёлғончимисиз?" дегандай қараб турган Роҳиланинг сиймоси кўз олдимда пайдо бўладию, юрагим чидаб бўлмас даражада увишиб, санчиб оғриб кетади...

Мен олислардан келиб сени топмадимми, Роҳилам. Бу барча бошоғритма ташвишлару кўнгилсизликлар сенинг бир ширин табассумингга арзийдимми, суюқлим... Қайлардасан, жоним, азизам, кела қолсанг-чи тезроқ, соғиндим, соғиндим сени... Кел, мени ол ўтли қучоқларингга... кўмиб ташла тотли бўсаларингга... Суюқлим...

3 феврал. Жума. Саҳар.

Тун бўйи ухламай чиқдим. Бошим ғувиллаб турибди. Бу уйқусизлик таъсири бўлса керак. Қовурғам ортиқча оғриқ бермай қўйди. Чандиб ташланган арқонларни бир амаллаб ечдим. Кечаси икки-уч марта ўрнимдан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юриб кўрдим. Ҳаммаси жойида.

Роҳила... келмади.

Бўлиб ўтган ҳодисаларни ўзим англаганимча таҳлил этишга уриниб кўрдим.

Судралишга яралганлар ҳеч қачон учолмайдилар, деган аччиқ ҳақиқат бор. Бас, пешонага битилгани бўлади. Ўзимни минг зўриқтирган билан мендан тadbиркор ҳам, даллол ҳам чиқмайди. Яхшиси, бу "сарой ўйинлари"га аралашмайин-да, "оч қорним - тинч қулоғим" нақлига амал қилиб, ўзимнинг камтарона битикларимга машғул бўлиб юраверай. фақат бу лаънати макондан Роҳилани олиб чиқиб кетсам бўлгани...

Имомқул ака келсин. Бир гаплашиб кўрай. Тушунар. Кимлигимниям, не мақсадда келганимниям очиқ айтман.

Эшик тақиллаб қолди.

Наҳот... наҳот у келган бўлса...

3 феврал. Чошгоҳ.

Кутганим ўрнига раис кириб келди.

Уни жуда ёмон қўриб кетдим.

Ўзиям, хўжайиндан калтак еб, думини қисиб олган кучукдай гингший-гингший у ёқ-бу ёқни кўрган бўлди-да, энди менга янги ҳамшира қарашини маълум қилди.

Пешонамга совуқ тер тепчиди. Роҳилани сўрадим.

Раис саволимни эшитмагандай бориб эшикни очди. Оқ халат, қалпоқ кийган, ўттиз ёшлардаги, семириб кетган жувон баланд пошнаги туфлисини тақиллатиб, намоёишкорона каландимоглик ила кириб келди. Янги ҳамшира шу опа экан.

Шартга ўрнимдан турдим.

- Мен соппа-соғман, Қўбай ака, - дедим. - Шусиз ҳам сизларни овора қилдим. Раҳмат. Энди менга ҳамширанинг ҳолати йўқ. Ҳозир сиз билан бориб Имомқул акага учрашай, жуда зарур гапим бор. Эртага эрталаб эса Тошкентга қайтиб кетаман.

Раис шоша-пиша мени қайтадан ўринга ётишга ундай бошлади. Кўриниб турибди, у менинг соғлиғим хусусида мутлақо қайғураётгани йўқ, фақат бундай талаб билан чиқишимни кутмаганидан довдираб қолди.

Пешонамга кафтини босиб кўрган ҳамшира опа ҳам зудликда ўринга ётишимни талаб қила бошлади.

Мен кўнмадим.

- Имомқул ака вилоят марказига, йиғилишга кетган, - деди ниҳоят жўяли баҳона топганидан қувониб кетган раис. - Келиши билан ўзим у кишини олдингизга бошлаб келаман. Ҳозир эса сиз дарҳол ётинг, даволанинг, куч йиғинг.

Алдаяпти ширғий кўз мунофиқ!

Аммо, на илож...

Қайтадан ўрнимга ётиб, кўзларимни юмиб олдим. Икки чаккам лўқиллаб оғрий бошлади.

Бир муддат бошимда тарадудуниб туриб қолган раис яна гингший-гингший чиқиб кетди.

Курсини гижирлатиб, баҳузур ўтириб олган ҳамшира опа эса фонендоскопнинг муздай темирини кўкрагимга қўйиб, узун-қисқа нафас олдира бошлади. Энсам қотса ҳам, мажбуран унинг буйруқларини бажариб турдим.

Бир пайт опа қўйлагим тугмаларини ечиб, майкам ичига қўл сукди-да, пайпаслаб лат еган қовурғамни топди.

- Оғрияптими?

Мен бош чайқадим.

- Бу ери-чи? Бу ери-чи?

Қарасам... ҳамширанинг муздай ва дағал кафти тобора қуйга, киндигимнинг пастига қараб ўрмалаб борапти.

Жон ҳолатда сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

- Бо, худо, - деди бамайлихотир қўлини тортиб олаётган опа лабини буриб. - Нима, унақа нарсани кўрмаганманми? Мен врачман...

- Янглишмасам, ҳамшира эдингиз шекилли, - дедим газабланиб.

Жувон оғзини катта очиб эснади.

- Бунинг унчалик фарқи йўқ, йигитча.

- Сиз яхшиси Роҳила қаерда эканини айтинг менга. Оғирқарвон жувон заррача ажабланмади ҳам.

- Ким у Роҳила? Танимайман.

Жувон шундоқ кўз олдимда, курси суянчигига ўзини ташлаб, уйқуга кетди.

Э, худойим, кимларнинг орасига ташладинг мени?!

Ана, ухлаб ётибди бир лаган лойдай ялпайиб... Ачиган хамирдай кўпчиб кетган башарасига қарасам кўнглим айнийди...

3 феврал. Пешин.

Ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди...

Кўнглим бежиз гаш бўлмаган экан. Янги ҳамшира деганлари кимлардир томонидан жўнатишган ифвогар аёл бўлиб чиқди.

Ха, шунақанги воситаларки ишга солинган экан, ўйин чинданам каттага ўхшайди. Бироқ бу ўйинга менинг, оддий бир мухбирнинг, яна таъма илинжида келган сохта даллолнинг нима дахли бор? Ўйин бошида турган катта-катта ва, шубҳасиз, оқил зотлар наҳот икки дақиқа ичида кимнинг аслида ким эканлигини аниқлай олишмаса? Ёхуд шунча фитнес, писмикликлар уюштириб юрганларидан кўра тўғридан-тўғри олдимга келиб бир оғиз: “Сен кимсан? Ниятинг не?” деб сўрамайдиларми, мен ҳаммасини тўкиб солмайманми? Ё бу бемаъни ўйин уларнинг инқироз олди талвасасимикин?..

Таассуфки, энди кеч. Ўйин жуда чуқурлашиб кетди. Назаримда, ўйин режиссёрлари ё менинг қолган умримни қамоқда чиритишмоқчи ё тилимни бутунлай қисиб қўйишмоқчи, йўқса, бунчалик ўжарлик ва қатъият ила ҳужумга ўтишмаган бўлардилар...

Энди беҳад шармандали ва тубан, қаламга олишга одам номус қиладиган бир воқеани мухтасар баён этиб ўтай. Нетай, ёмон нарса егандай кўнглим айниб турган эсада, кундалигимга ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни битишга аҳд қилганман, ахир. Бунинг устига, ўзимга ўзим алдамчилик қилишдан бирон маъни борми?..

Бир соатга яқин ғарқ терга босиб, маза қилганидан хуррак ҳам тортиб юбориб ухлаган опа ниҳоят эшик тақиллаганда уйғонди. Тушликка палов олиб келишибди. Қарасам, опанинг шерик бўладиган сиёғи бор. Ошдан номига бир тотиниб, товоқни унинг олдига суриб қўйдим.

Ҳамшираликдан кўра кўпроқ кўрикчилик қилиш ярашадиган опа ошни пок-покиза тушириб бўлгач, тоза ҳавода бир айланиб келмоқчи эканимни, уйда жуда сиқилиб кетганимни айтдим-да, ўрнимдан турдим. Бирдан ранги қув ўчиб кетган опа жон ҳолатда менга ташланиб, қайтадан ўрнимга ётишга мажбур қилди. Ўзиям нақ олти-етти пуд келадиган вазни бор экан, бутун залвори билан гавдасини устимга ташлаганда суякларим кисирлаб, нафасим қайтиб кетди.

Ха, кўрикчига ёлчибман, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Тубанлик ана шундан кейин бошланди.

Ҳарсиллай-ҳарсиллай ўрнимдан турган хўппа семиз опа дабдурустан... оқ ҳалатини ечиб ташлади. Унинг рисоладаги қовундай-қовундай келадиган баҳайбат кўкракларини қоп-қора сийнабанд аранг ушлаб турарди. Мой босиб кетган қат-қат қорнига эса қараб бўлмасди.

Анграйиб қолганидан фойдаланган аёл ўстимга ўзини ташлади. То ўзимга келиб улгурганимча жувон ялангоч чап елкамни ўйиб олгудай даражада қаттиқ тишлади.

Жон аччиғида уни итариб юбордим. Аёл гандираклар кетиб, орқаси билан курсига урилди. Қарасам, жувоннинг кўзлари ваҳшиёна чақнапти. Тамом эсанкираб қолдим. Ҳеч бўлмаса бақириб бировни ёрдамга чақириб ҳам хаёлимга келмабди. Бу орада шоша-пиша баданини кўздан кечириб чиққан аёл яна менга ҳамла қилди. Бу гал қаттикроқ силтаб юборганим, аёл тўшама устига йиқилиб тушди.

Жинними, нима бало, бир амаллаб ўрнимдан туриб олган аёл яна оч бўридай устимга ташланди. Гап-сўзсиз олишувимиз узок давом этди. Кучиям бор экан, бир пайт аёл мени даст кўтарди-ю, ҳозиргина ўзи йиқилган тўшама устига отиб юборди. Бошим қаттиқ урилиб, бир зум қарахт бўлиб қолдим. Шундан фойдаланган аёл энди менинг шимимга ёпишди. Типирчилай-типирчилай шимимни тиззамга-ча туширган маҳал аёлнинг оғзига қаттиқ тепиб юбордим. Лаънати ваҳший “вой” дея юзини чангаллади.

Ҳамшира қўлларини юзидан олганда, унинг қуйи лаби устига қон сизиб чиққанини кўрдим. Аёл... кафтлари билан қонни юзига сирмади ва қаноат ҳосил қилгандай, мамнун тарзда ишшайди.

Юрагим орқамга тортиб кетди.

Бўйинлари, билаклари тилинган аёл шундоқ ёнимга узала тушиб ётиб оларкан, боласини мошина уриб кетган она қаби ёки бўлмаса мелисанинг сиренаси янглиғ чинқириб юборди:

- Вой-дод!.. Ёрдам беринг!.. Ким бор! Зўрляпти! Дод! Ўлдиради!..

Шу заҳоти эшикнинг иккала тавақаси тарақлаб очилди ва, назаримда, худди ердан чиққандай тумонат одам пайдо бўлди-қолди! Аёллар мени тимдалаган, эркаклар тепкилаган... “Жабрдийда” аёл бўлса, тобора авжига чиқаяпти, айтиб-айтиб бўзлапти, эрини ёрдамга чақирапти. Янглишмасам, бизни шу аҳволда уч-тўрт марта суратга ҳам олишди шекилли.

Қайдандир пайдо бўлиб қолган раис-ку, бутунлай жазавага тушиб, шаллаки аёлдан ўтказиб чинқиринишга уринарди: “Сийлаганни сигир билмас! Биз бу йигитни яхши одам деб бошимизга кўтаргандик! Мехмон деб уйимизнинг тўридан жой бергандик! Мана оқибати! У бизни ким деб ўйлапти! Бир марта индамадик. Йўқ, энди жим турмаймиз! Дарров акт тузамиз! Ҳаммангиз гувоҳсиз... Мелиса берсин бу нонкўрнинг жазосини. Агар мелисанинг кучи етмаса Лобархоннинг (ҳамширанинг исми шундай экан) эри чиққан жойига қайтадан тикиб қўяди бу бузукни! Индамаганга жа-а...”

Бундай вазият учун шубҳали тарзда ошиғич акт ҳам тузишди. Энди ҳиқиллашга ўтган аёл қўшиб-чатиб, гўримга гишт қалай-қалай унинг оғзини маҳкам беркитиб олиб, зўрлашга уринганим, роса урганим, “Ўлдираман!” деб кўркитганим хусусидаги алламбало тухматларни тўкиб ташлади, мирзолар окизмай-томизмай қоғозга туширишди.

Тепкилардан бири лат еган қовурғамга ҳам теккан экан, букчайган ҳолимда аранг ўрнимдан туриб, шимимни кийдим. Сўнг эшик томон юра бошлагандим уч-тўрт жуфт бақувват қўл елкаларимга ёпишди.

Мени мажбурлаб яна диванга ётқазиб қўйишди.

“Жабрланувчи”ни ўртага олган тўда менга дўк-пўпи-са қила-қила мелисахонага кетди.

Рақс тушаётган мисоли сакраб-сакраб юрган раисга

“Тезда бош директорингизни чақириб келинг!” деб илтимос қилдим. Аммо ҳалитдан ғалаба нашидасидан маст раис гапимни эшитмади ҳам шекилли. Ўзини тутишига қараганда, раис ўйинини бошқариб турганлардан эмас, оддий ижро-чига ўхшайди.

Мулоҳазамни синаб кўрмоқчи бўлдим. Раисга ўгирилиб, атай бепарво оҳангда дедим:

- Кўбай ака, бир-икки соат ичда кўнғирок қилиб, “фабрикада ишлар жойида” деб қўймасам, бўлимимиздан махсус гуруҳ етиб келади. Мен битта ўзимман. Майли, мени енгдинлар. Лекин қирқ кишига қарши курашиш осон бўлмайди, ака. Менга бари бир. Қийиң-қийин, ўзларингга қийин.

Тахминим тўғри чикди. Раис гапимни эшитиб аввал анграйди, кейин оёғи қуйган товукдай питирлаб қолди.

- Шунини... шунини олдинроқ айтмайсизми, укажон!

“Укажон” деган тилингни қуйдирги чиқсин, аблаҳ!

Раис хўжайиннинг хузурига шамолдай учиб кетди.

Қаранг, Ёлгон гапирсангиз ишонинишадиган, рост гапирсангиз эса, таҳқирдан бошқа нарса эшитмайсиз...

Ҳа, мени боллаб қўлга туширишди, тан олиш керак. Энди бу ботқоқдан сугурилиб чиқишим осон кечмайди... Бироқ не мақсадда? Бунча саъй-ҳаракатлар, ташвиш-тадориклар замирида не ётибди, ахир? Наҳот Исҳоқжон аканинг битта Ёлгон телеграммаси-ю, Ёлгон кўнғироғи туртки бўлиб, улкан тош қўчиши бошланган бўлса? Бу маҳобатли кўчки ўз йўлида қанча менга ўхшаш бегуноҳ-бечораларни босиб-янчиб кетади...

Ёлғиз умид - Имомқул акада қолди. Шубҳасиз, кўп нарсалар айнан шу кишига боғлиқ. Буни ҳис қилиб турибман. Биринчи, ҳар қалай, ҳамини ҳам биринчи-да...

3 феврал. Намозшом.

Аввал иккита оқ халатли ва бир мелиса либосидаги киши келишди. Улар лом-лим демай мени ўрнимдан турғазиди, бармоқларим изини олишди, мочағар аёл тишлаган чап елкамни кўздан кечиринди, конталаш бўлиб, тиш излари билиниб турган ўрнини қайта-қайта ўлчашди, суратга олишди ва яна миқ этмай чиқиб кетишди. Менимча улар суд-медицина экспертизаси ходимлари бўлса керак. Аёл бир тўда гувоҳ қуршовида арз қилиб борган бўлса...

Иш тобора чигаллашиб борапти.

Нихоят, ишонган одамим ҳам ташриф буюрди.

Ўзида ташвиш аломатлари зуҳур этиб турган Имомқул ака гап муқаддимасида мени анча қойиди. У кишининг “Шундай мўътабар маҳкамда ишлаб туриб, қандайдир ипириски аёлларнинг этагини кўтариб юришим уят”лиги, агар шундай ниятим бор экан, салгина ишорат қилсам бас, қолганини ўзи уюштириши мумкинлиги хусусидаги даққиларини эшитарканман, бош директор назарида, мен ҳамон Тошкентдан текширувга келган “агент” эканлигимни англадим-у, ҳамсуҳбатим қўшмачилик қилишдек тубанлик даражасига етиб улгурмасидан бурун ҳаммасини очик айтиб қўя қолишга аҳд қилдим.

Аммо бош директор ваъз ўқишдан тинай демасди. Энди орага ҳамшира аёл бўйнида, кўкрагида, сонларида, “кечирасиз-у, қуймичида” пайдо бўлган сон-саноксиз кўқарган жойлар, тиш излари борасидаги “далолатлар” ҳам қўшилди. Афтидан, жувон йўл бўйи ҳам тинч кетмаган кўрнанади. Фақат бир нарсани сира тасаввур қилолмадим -

у ўз қуймичини қандай тишлади экан ё бировдан кўмак сўрадимкин...

- Безорилик ҳақидаги актни бир амаллаб йўқ қилардим, ука, - деди Имомқул ака ўз олижаноблигидан ўзи ийиб кетиб, ўлкаси тўлган оҳангда. - Ҳар қалай, анча йилдан бери шу ерда ишлаймиз, ўзимизга яраша обрўйимиз бор, бировга илтимос билан мурожаат қилсак, йўқ демайди. Аммо аёл киши аралашган жойга мен қўшилаолмайман. Мени тўғри тушунинг, ука. Бунинг устига, мен ҳали сизга масаланинг энг даҳшатли томонини айтмадим, - шу ерга келганда Имомқул ака кўзларини ола-қула қилди. - Лобархоннинг бир эри бор. Эр эмас бир бало. Оти Яхшибой, лекин ҳамма уни Ёмонбой деб чақиради. Бир жойда тайинли ишламайди, ўтганинг ўроғини, кетганинг кетмонини олиб юради. Ўзи яқинда қамоқдан қайтибди. Айтишларича: “Менга ўша ёқ маъқул эди, бир баҳона топилса бас, яна қайтиб кетаман”, деб юрганмиш. Тўғриси, хотинига унчалик кўнгли йўқ, деб эшитаман. Лекин бу гаплардан хабар топса, сизни тинч қўймайди. Мелиса индамаса индамас, лекин Ёмонбой сизни излаб топади. Ернинг тагидан бўлса ҳам топади. Унга ўхшаганларда орият кучли бўлади. Кейин, жўралари олдидаям паст тушгиси келмайди. “Бир келгинди хотинингни зўрлапти”, деб юзига солишса, тамом, сизни бўғизламай тинчимайди. Шунинг учун йигитлардан илтимос қилдим, ҳар эҳтимолга қарши меҳмонхона атрофида пойлоқчилик қилишадиган. Бир камини энди шу ерда қон тўкилиши қолибди. Ёмонбой - балонинг ўқи. Кираман деган тешигига қиради, қиламан деган ишини қилади. Айтдим-ку, қамоқхона уйидай бўлиб қолган деб. Унақанги қалласи қизиган аҳмоқлар учун одамни сўйиб ташлаш чўт эмас.

Бош директор оғзидан бунақанги “хушхабар”ни эшитиб, этим увишиб кетди.

Ўйин, афтидан, мен ўйлаганга нисбатан жиддийроққа ўхшайди. Бунақа вақтлари дарров таслим бўлиб қўя қолган мақбул кўринадур...

- Имомқул ака, - дедим ҳаяжонимни билдириб қўймасликка уриниб қалта-қалта нафас оларканман, - Келинг, ўғил болачасига, очикчасига, гаплашиб олайлик. Мен - мухбирман. Фалон газетда ишлайман. Адабиёт бўлимида. Ишим - шеър-ҳикояларни кўриб, газетга тайёрлаб бериш. Бу ерга эса бир танишимга ўн-ўн беш минг сочиқ олиб бериш илинжида келган эдим. Очиги, агар шу ниятим амалга ошса, ўзимам бир нималик бўлиб қолардим. Аммо, кўриб турибман, бунинг иложи йўқ. Айниқса, танишим айтган нарҳда. Ҳечқиси йўқ. Иш битмаса битмабдида. Энди руҳсат беринг, мен шаҳарга кетай. Агар ҳоҳласангиз, шу дақиқадан эътиборан мен сизни танимайман, сиз эса мени. Мени умуман бу ёқларга қадам босмади, деб ҳисоблайверинг.

Мени диққат билан эшитган Имомқул ака мийиғида илжайди.

Шундан сўнг орамизда қуйидаги суҳбат кечди:

- Актлар-чи?

- Қанақа актлар?

- Безорилик қилганингиз, зўрлашга уринганингиз...

- Имомқул ака, ҳеч ким билмасаям сиз яхши биласиз-ку буларнинг бари атай уюштирилганини.

Буни эшитиб Имомқул аканинг авзойи бузилди.

- Менинг ҳеч гапдан хабарим йўқ. Тухмат қилманг. Бу ерда кимнинг сизга кўзи учиб турган экан.

Бош директорнинг тўнини тескари кийиб олаётганини кўриб, дарҳол мурасага ошиқдим.

- Майли, майли, сизнинг хабарингиз йўқ, дейлик. Айтайлик, буларнинг барисини сизга ёқиш учун шотирларингиз қилаяпти.

- Кимлар? Қанақа шопирлар? - ёмон ўкрайди бош директор.

- Ёрдамчиларингиз, демокчийдим.

- Менинг бунақа ишларни қиладиган ҳеч қанақа ёрдамчиларим йўқ.

- Майли. Сиз айтганча бўлақолсин. Бирок, ўзингиз ўйлаб кўринг, мусофир бўлатуриб безорилик қилишим, яна менга нон-туз берган хонадонда аёл кишига ҳужум қилишим, мантиқан олиб қаралганда, ақлга сиғмайди-ку.

- Мусофирлар ҳам ҳар хил бўлади, - аниқ жавобдан ўзини олиб қочди Имомқул ака. - Сигирнинг оласи ичида.

Бунақанги кип-қизил тухматдан жоним бўғзимга келди.

- Имомқул ака, айтинг ўғилбола гапни, мақсадларингиз нима? Мени қаматишми ё тилимни қисик қилишми? Бош директор курсига жойлашиб ўтириб олди.

- Аввал сиздан эшитсак.

- Мен айтадиганимни айтдим. Энди сизнинг галингиз.

- Ёлгон гапирманг, ука, гуноҳ бўлади. Отангиз тенги одамман. Ўзингиз айтдингиз очик гаплашайлик деб, яна гапни бошидан чувалатасиз.

- Мен ахир сизларнинг мақсадингизни тушунмай қон бўлиб ўтирибман-ку!

- Келинг, унда бошидан бошлаймиз. Демак, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимиданман, агар бир соат ичида қўнғироқ қилмасам, қирқта йигитим етиб келади, деб Кўбай акани алдагансиз. Шундайми?

- Ҳазиллашгандим.

Имомқул ака кўзларимга синовчан тикилди.

- Унда ҳали Исҳоқжон аканиям танимайман дерсиз.

- Кимни? Исҳоқжон акани? - даблурустдан нима деб жавоб беришни билмай каловланиб қолдим. Ниҳоят, охирига қадар ҳақиқатни гапиришга аҳд қилдим. - Нега энди? Танийман.

Имомқул ака "яна нима дейсиз" дегандай кўлларини икки ёнга кенг ёзди.

- Мана шу ерда сиз адашдингиз, Имомқул ака, - дедим иложи борица хотиржам гапиришга уриниб. - Мен Исҳоқжон ака билан аввал сира кўришмагандим, дунёда

шундай одам борлигидан хабарим ҳам йўқ эди, шу ерга келиб танишдим.

Бош директор "Ол-а..." дегандай истехзоли илжайди-да:

- Опқочманг, ука, - деди. - Бу ерда ўтирганларнинг бариси аҳмоқ, нима десангиз ишонаверадиган галварслар эмас.

- Гапим рост, Исҳоқжон ака билан шу ерда айнан, мана шу хонада кеча биринчи маротаба кўришдим. Қасам ичишим мўмкин.

Бош директорнинг турки ўзгарди. У ўтирган жойида бир-икки безовталаниб интилгач, ахири стол устида турган пиёлани олиб эшикка улоқтирди. Пиёла чил-чил-синди. Шу заҳоти эшикда сочини тақир олдирган, кўса хизматчининг муштдай боши кўринди.

- Аҳмад! - дўк урди Имомқул ака. - Мен йўғимда бу ерга Исҳоқ келдимми?

- Йўқ, хўжайин, - кўзларини пирпиратди кўса.

- Йўқол!

Эшик ёпилди.

Имомқул ака менга ғолибона қаради.

- Менинг рухсатимсиз бу ерга, ҳали Исҳоқ сассик у ерда турсин, пашша ҳам қирмайди. Шундай экан, қулоққа лағмон осишни бас қилинг, очигига ўттангиз маъқул.

- Лекин мен ростданам Исҳоқжон акани ...

- Нима у анави, ким эди, Роҳиламиди, ўшанинг этагига яшириниб қирадимми? Ҳозир чақирай у манжалақини! Шундай қилган бўлса, терисига сомон тикдираман! Аҳмад!

- Тўхтаг! - дедим жон аллозда унинг кўлига ёпишиб. - Мен... Мен Исҳоқжон акани бошқа ерда кўрганман.

- Қаерда?

- ...

- Қаерда?

- Бу шунчалик муҳимми?

- Мен учун Исҳоқни қаерда кўрганлигингиз эмас, алдашга уринаётганингиз муҳим.

- Хўп, ана, телефонда гаплашдик.

- Қаерда?


- Шу ерда.

Имомқул ака зилдай гавдасини курси суянчигига ташлаб, менга бошдан-оёқ қараб чикди.

- Кўринишдан туппа-тузук одамга ўхшайсиз. Лекин кўп айниясиз. Биз сизга ёш бола эмасмиз. Ўт билан ўйнашманг.

Дарвоқе, ҳар бир қадамим кузатишда бўлса-ю, мен телефонда... Ақлга сиғмайди, албатта.

- Имомқул ака, ишонаверинг, мен оддий мухбирман,



холос.

- Майли, мен ишондим ҳам дейлик,- сал майинрок оҳанга ўтди бош директор. - Унда Исҳоқ сассиқ сизга бирон нима бердими ё бераман дедими?

- У киши менга ҳеч нарса бергани йўқ, бераман ҳам демади.

- Унда нималар деди?

- ...

- Ука, мен кетай эмаса.

- Шунчаки, фабрикадаги баъзи ишларни айтди, холос.

- Масалан?

- Масалан, маҳсулотларни атай паст нарҳда сотиб, устига нақд пулда "шапка" олишлар...

- Яна?

- Россияга шартномада кўрсатилганига қараганда кўпроқ маҳсулот юборилаётгани, ортиқчасининг пули нақд долларда келтириляётгани...

- Яна?

- Янами? Қирғизистон, Қозоғистонда очилаётган фабриканинг фирма дўконлари.

- Уларга нима бўпти?

- Рухсатноманинг ўзи минг доллар тураркан. Кейин шартномага алоҳида, молга алоҳида узатиларкан...

- Яна-чи?

- Янами? Қолгани майда гаплар. Масалан, ҳозир турган меҳмонхонамиз аслида сизнинг иккинчи уйингиз эканлиги...

- Яна-чи?

- Бўлди, шекилли.

- Ука, почтадан ҳеч нарса жўнатмаганиз, дипломатингизда ҳам ҳеч вақо йўқ. Исҳоқжон эса телефон қилиб "Агентимга кўп ҳужжатларни берганман", дейди. Сизни тинтиб ўтиришдан ҳам фойда йўқ деб ўйлайман. Шундай экан, яхшиси, ўша ҳужжатларни қаерга яширгангингизни айтинг. Ана ўшандан кейин орамиз очик бўлади.

- Қанақа ҳужжатлар?

- Айтдим-ку Исҳоқ сассиқ сизга берган ҳужжатлар, деб.

- Ахир у киши менга ҳеч нима бергани йўқ.

Имомқул ака афсусланиб бош чайқади.

- Яхши эмас, ука, яхши эмас. Унчалик фаросатсиз болага ўхшамайсиз, кўриб турибсиз, кўлимда бир эмас, иккита акт турибди. Ҳозироқ мелиса чақириб, сизни қамоққа тикиб қўйишим мумкин. Бу ишни қилмаяпманми, сийлаганинг қадрига етинг. Беринг ўша ҳужжатларни.

- Имомқул ака, хатолик рўй бераяпти. Мен "агент" эмасман, оддий мухбирман, холос. Ишонаверинг.

- Бунни аллақачон текшириб кўрдик. Кимлигингиз, ҳатто турар жойингизгача маълум. Лекин, ука, тушунинг, гап сизнинг кимлигингиз устида кетмаяпти. Сиз, ким бўлишингиздан қатъий назар, катта ўйинга аралашиб қолдингиз. Бунинг устига, билишингиз керак бўлмаган анча-мунча нарсалардан ҳам хабар топдингиз. Менимча, ҳаддан ортиқ кўп нарсани билган, айниқса, ўзига мутлақо кераги йўқ нарсаларни билиб олган калладан яхшилик кутиб бўлмайди. Чунки, бир кун бўлмаса бир кун бу калла ўзининг ўйинини бошлаб қолиши мумкин. Бунинг устига, укажон, очигига кўчсам, - шу ерга келганда, назаримда,

бош директор бир муддат менга меровсираб қараб қолди, - машина аллақачон ишга тушган. Мен ҳатто истаган тақдиримда ҳам уни тўхтата олмайман...

Сўнгги сўзларда андаккина ўкинч билан бир қаторда ўз ожизлигини ҳис қилиб, талвасага тушган қурбоннинг аянчли нолашига ўхшаш нимадир бордай эди...

- Сиз ўша ҳужжатларни менга беринг. Мен ўз навбатида сизни бу ерда эсон-омон чиқариб юбориш қафолатини оламан. Имоним комил, ҳужжатларни топшириб, ўз юртингизга кетсангиз бас, ҳамма нарса қайтиб яна ўз жойига тушади, тинчийди. Ёмонбой ҳам хўжа кўрсинга ортингиздан бир-икки дағдага қилиб қўяди-да, шу билан сизни тамом унугади. Уям кимлардан қолмаган сарқит хотинини ҳимоя қиламан деб жуда ўлиб бораётгани йўқ. Ўзи ажралолмай гаранг бўлиб юрибди. Шунчаки, уч-тўрт пишанг берувчилар қиздиравергач, ноилож қилиб, "эркак" номини оқлаш учун сизнинг таъзингизни бермоқчи, холос. Кўряпсизми, сиз кетсангиз - олам гулистон, ҳатто Ёмонбойга яхши бўлади.

Битта ишонганингиз Исҳоқ сассиқ бўлса, у аллақачон ўтириб қўйган. Бахтиёр акамнинг йигитлари бориши билан "Худо урсин, ҳужжатларнинг ҳаммаси меҳмон йигитда!" деб кўзининг сийдигини оқизиб ўтираверибди.

Кўрдингизми, мен ҳаммасини очик айтаяпман. Энди навбат сизга. Ҳужжатлар қаерда?

- Имомқул ака, очик гапирганингиз учун минг раҳмат. Ўйлайманки, шу уч-тўрт кун ичида бўлиб ўтган воқеалар...

- Ҳужжатлар?

- Имомқул ака, мен иқтисодни тушунмайдиган оддий қаламкашман...

- Ҳужжатлар?

- Менда ҳеч қанақа ҳужжат йўқ, Имомқул ака. Исҳоқжон ака яна қасамхўрлик қилган.

Бош директор алланечук мунгайиб ерга қараб қолди. Сўнг бошини кўтариб, алам билан деди:

- Хато қилиясиз, ука. Исҳоқ сассиқ бир сўм учун сизни сотиб кетишини ўзим ҳам яхши биламан. Ҳозир ҳам сиздан юзсизларча фойдаланаяпти. У кўрқоқ одам. Йигитлар бир дўк ургандан керакли ҳужжатларни чиқариб берарди. Ўз одатини яхши билгани учун у ҳужжатларни сизга топширган. Қаерда, қачон - афсуски, бунни билолганим йўқ. Беринг ўшаларни, ёш жонингизга жавр қилманг. Ҳали ўсадиган йигитсиз. Бугун нима бало келса - сизнинг бошингизга келади. Исҳоқжон бир чеккада қарсақ чалиб тураверади. Мабодо ҳозир унга қўнғироқ қилиб: "Эртадан бош инженерсан", десам олдимга ялтоқланиб келиб, думини ликиллайтиб туради. Сизни эса ё ўз қўли билан қамоққа тикади ёки Ёмонбойнинг қўлига топширади.

- Агар у кишининг қўлида шунчалик муҳим ҳужжатлар бор экан, сиз ҳам сал ён бериб, ола қолинг бош инженерликка. Шу билан ҳаммаёқ босди-босди бўлиб кетадими ишқилиб?

Имомқул ака маъюс жилмайди.

- Сиз бир нарсани тушунмаяпсиз, ука. Мен бу ўйинда биринчи скрипка эмасман...

Шу пайт дераза ойнаси қарсиллаб синди ва оқчақалоқнинг бошидай келадиган тош Имомқул аканинг оёқлари остига учиб келиб тушди.

- Бошланди, - деди бош директор тошни оёқлари орасига олиб ўйнарган.

- Нима бошланди?

- Руҳий хужум. Ўрнингиздан турмасангизам бўлади. Бу молдай ичиб олган Ёмонбойнинг иши. Мен ҳатто унинг ёнида туриб, ақл ўргатаётганлар кимлар эканини ҳам аниқ айтиб беришим мумкин.

Юрагим гупиллаб уриб кетганини сездирмасликка уриниб, атай бепарво оҳангда дедим:

- Мадаминбек билан Тўрткўздир-да.

- Фақат ўшалар бўлса эди, дўппингизни осмонга отсангиз бўлар эди...

Мана шу жумбокли гапдан кейин Имомкул ака ўрнидан турди.

- Мен боя сизнинг журналист ёки махсус ходим эканингизнинг ҳеч бир аҳамияти қолмади, дедим. Энди яна бир нарсани қўшиб қўяй: сизда ўша хужжат бор-йўқлигининг ҳам аҳамияти қолмади. Улар сизда, тамом-васалом. Бу фикр сизга абеурд бўлиб туюлар, лекин бор гап шу. Ҳали ёшсиз. Ўзингизга ишонмас экансиз, бунақа ўйинларга аралашманг. Сизга ҳозир фақат биргина маслаҳат беришим мумкин: дарров Исҳоққа телефон қилинг, ялининг-ёлворинг, дўқ уринг, ишқилиб, кўндириг - у керакли жойга телефон қилиб, бир оғиз: "Меҳмон йигитга ҳеч нарсаси бермаганман", десин. Бўлмаса, емаган сомсага пул тўлаб ўтираверасиз... Меҳмонхонадан чиқишни эса хаёлингизга ҳам келтирманг. Ёмонбой бир-икки кун қутуради энди. Тўшақдан ҳам кимирламанг, ким сўраса: "Мазам йўқ, ўрнимдан туролмаяпман", денг. Мен айтаман, телефон апаратини олиб кириб беришади.

Имомкул ака бир парча қозоғга рақамлар ёзгач, индамай, ортига бир бор ўтирилмасдан чиқиб кетди.

Ўйинлариям қуриб кетсин бунақа бўладиган бўлса!

Аммо... Вақт ҳам ўтаяпти. Нимадир қилиш керак. Шифтга термулиб ётаверган билан бир иш чикмас.

Лилипуг хизматчи Аҳмад телефон апаратини олиб кирди-да: "Аҳволлар қалай, меҳмон", деб сўради мулозамат ила. Дарров ўрнимга ётарканман, ўргатилганидек: "Негадир мазам бўлмаяпти", дедим.

Мана, икки соат бўлиб қолди, тинмай қўнғироқ қиляпман. Лекин у тарафда ҳеч ким трубкани кўтармаяпти. Нима бало, ўлиб-пўлиб қолганми?..

4 феврал. Саҳар.

Барча уринишларим зое кетди - Исҳоқжон аканинг уйида ҳеч ким трубкани кўтармади.

Бояги хизматчи Аҳмаддан телефон рақамини аниқлаб сўраб олай деб борсам - эшик берк. Хайрон бўлиб роса тақиллатдим - биров жавоб бермади.

Ҳалқа сиқилипти.

Нимадир қилиш, нимадир ўйлаб топиш керак. Тўртта аҳмоқнинг манфаати йўлида аёл кишини зўрлашга уринган бадбахт сифатида қамалиб кетаверадиган аҳмоқ йўқ. Ахир, адолат бордир, ҳақиқат бордир бу замонда!

Тахминимча, оғиз ёпилишига ҳали икки соатча бор. Ким билади, Роҳила аллақачон ўрнидан туриб, ота-онасига бирон юмшоқроқ егулик тайёрлаётгандир...

Бораман. Имкон топилса, бир оғиз гаплашаман. Ҳеч бўлмаса йирокдан бир кўриб кетаман. Имкон топилмаса -

на илож, ҳали қайтиб келаман-ку ахир. Мен қайтаман. Тезда қайтаман.

Тўшагимда иккита чойшаб бор эди. Бурчақдаги жавондан ҳам иккита чикди. Уларни бир-бирига боғлагандим, бинойидек арқон пайдо бўлди. Бу арқон билан бемалол пастга осилиб тушсам бўлади.

Алвидо, "меҳмонхона!"

Алвидо, мулозим Аҳмад!

Алвидо, бошимга кўп кўргуликлар солган хона!

Ягона тилагим шулки, сизлар билан қайта дийдор насиб этмасин.

Нарсаларни бирпасда дипломатимга жойладим. Тамом. Энди олға! Олға!.."

Н. тумани ички ишлар бўлимига қарашли ДАН инспектори, милиция капитани Ўринбой Жалолов дафтарида кўчирмалар:

"5 феврал. Яқшанба. Кечқурун. Постда.

... Итга ит ўлими.

Кеча анави шаҳарлик олифтанинг жасадини ўликхонага олиб бориб топширдик.

Кўринишидан бинойигина, фаришталигина йигитга ўхшаркан. Машинаям юзига ҳеч бир зарар етказмасдан, кўкрагидан босиб ўтиб кетибди. Лекин сурат бошқа, сийрат бошқа деганлари шу экан-да. Шундай мулозим чехра ортида бу тулук қилиб юрган ишларини эшитсангиз, тепа сочингиз тикка бўлади.

Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл-да, аблаҳ!

Тўғри, мусулмончиликда марҳум ортидан ёмон гапирилмайди. Аммо унинг қилиқларини ўйлаган сари, ғазабим қайнаб кетаётган бўлса не қилай?!

Буни қаранг, биз кишлоқиларни ғирт содда, довдир, лақма кишилар деб ҳисоблаган шекилли, қўнглига келган ишни қилаверган. Ҳеч ўйланиб, ўзини қийнаб ўтирмай. Қонуннинг-ку, "қ" ҳарфига ҳам амал қилмаган.

Йигитча марказий газитлардан бирида мухбир бўлиб ишларкан. Қизиги, меҳнат таътилида экан. Беиш ётавериб зериккан бўлса керакки, бир ўлпон йиғиб келай деган ниётдами тўғри бизнинг "Тулноз"га бостириб келибди. У ўзининг хизмат гувоҳномасига шунчалик ишонибдики, ҳатто сафар хужжатларини ҳам тўғрилаб олмабди. Ахир, таътилдаги одамни қайси бошлиқ ҳам хизмат сафарига юборарди. Буни яхши билган, мунофиқ.

Хуллас, мана шу аблаҳ фабрикага келгач, хизмат гувоҳномасини пеш қилиб, ўзига алоҳида, ҳамма шароитлари бор хона беришларини талаб қилибди. Фабрикамиз раҳбариятигаям балли-ей. Сафар хужжатларини сўрашгаям истиҳола қилишиб, дарров "отадан азиз" қўноқ учун меҳмонхонадан алоҳида хона тайёрлаб беришибди.

Йигитча жуда безбет чиқиб қолибди. Муқаддас рамазон ойи эканига қарамасдан, биринчи кунданок ароғу-конякни сўраб олиб, роса отибди, нокас! Сўнг, қип-қизил маст ҳолида кўчага чиқиб, рамазон ашуласини айтиб кетаётган болаларга хужум қилибди, улардан бирини шиша синиғи бидан яралабди.

Имомкул аканинг отасига минг раҳмат! Елиб-югу-

риб, “олиддан келган меҳмонимиз хафа бўлиб кетмасин”, дея минг илтимосу илтижолар ила муштумзўр мухбирни қамокдан қутқариб, яна меҳмонхонага қайтариб олиб келибди.

Аммо меҳмон яхшиликни билмайдиган, тўқимтабиат одамлар сирасидан экан. Яна ичиб олибди-да, энди ўзига қараётган ҳамшира аёлга ёпишибди...

Вой пасткаш-эй! Вой аблаҳ-эй!..

Худонинг бизни бир асраганини. Синглим бир-икки кун унинг бошида навбатчилик қилган экан. Молдай си-мирган ароғини ҳазм қилолмай ётган-да инқиллаб! Ё бегу-ноҳ болаларни тиркиратиб қувавериб чарчаган эканми, ишқилиб, синглимга кўз олайтирмабди.

Энди безбетликнинг давомини қаранг. Ўзи иши ме-лисаса ошиб ётибди. Бечора Имомқул ака - отасига яна бир марта минг раҳмат! - ростини айтибди: “Шундай, шун-дай, энди ёрдам беролмайман, ўзингиз ўқиган-тушунган йигитсиз, қонун барчага баробар”, дебди. Аблаҳ мухбир роса тўполок кўтарибди: “Ҳаммангни қаматаман, фельетон ёзаман!” деб. Шунда бечора Имомқул ака яна паст тушиб-ди. Кўнгли очик инсон-да, кўнгли очик. Буни эшитганлар-нинг ҳаммаси ҳозир у кишини алқаб юрибди. “Хўп, меҳмон, - дебди Имомқул ака кўлини кўксига қўйиб. - Сиз тонг сахарда Тошкентга кетаверинг, мен ўз машинами бе-раман. Бу ердагиларнинг кўзига бошқа кўриниб, жигга тегиб юрманг. Элимиз жуда номусли, ориятли. Бу ерда ах-лоқи бузуқлар жазоланмай қолмайди. Мабодо йигитларнинг ҳовурини бир амаллаб босган тақдиримизда ҳам оқсоқол-лар сизни кечирмайди - қаттиқ қарғайди. Қарғиш ёмон, қадрли меҳмон...”

Эй, мусулмон, ҳеч бўлмаса шу гапдан кейин индамай кетавермайсанми?!

Йўқ, акамлар яна баланддан келадилар. Ўша маши-нага ўн-ўн беш минг сочиқ солиб қўясанлар, деган шарт қўйибди. Э, нафсинга ўт кетсин, палид! Шунда денг Имо-мқул ака яна бир олижаноблик қилади. “Ука, - дейди ётиги билан, - сочиқлар давлатники. Ундан ўн минг у ёқда турсин, бир дона ҳам беролмайман. Мана, кўришингиз мумкин, киссамда ҳаммаси бўлиб минг сўмча пулим бор. Уйга мол сотиб олай деб бировдан қарз кўтардим, хоҳласангиз шуни олинг”.

Сиз нима деб ўйлайсиз. Олибди, пасткаш (Кейин, ўликхонада унинг чўнтагидан айнан шунча пул чиқди. Мух-бир акам ҳатто йўл пулисиз ҳам келаверган эканлар, гўё онасининг чорбоғига бораётгандай).

Хўп, ана энди кетавер шахринга.

Йўқ, акамга буям камлик қилган.

Яна молдай ичиб олиб, ярим кечаси меҳмонхона хизматчиси Аҳмадни олдига чақиради-да: “Мен ҳамшира жувоннинг ишини тўғрилай олмадим, - дейди. - Ўшанда сал кўпроқ ичиб қўйган эканман. Лекин ҳамшира кизнинг қаерда яшашини сўраб олганман. Ҳозир тўғри ўшанинг уйига бораман!”

Ё, худо, ахир, айтинг, шунчалик ҳам тубанлик бўладими, а?!

Яхшиям Аҳмад хушёрлик қилиб, хонадан бир амаллаб қочиб чиқади-ю, шартта эшикни қулфлаб қўяди. Мухбир бўралатиб сўкиниб, эшикни роса тепади. Аҳмад миқ этмай ўтиравергач, тўғри бориб деразани синдиради-да

(кўл-пўлини кесиб олмаганини қаранг аблаҳнинг), чойшаб-лардан арқон ясаб, пастга осилиб тушади.

Бечора Аҳмаднинг ҳам отасига минг раҳмат! У бизнинг оиламизни жуда катта шармандагарчиликдан қутқа-риб қолди. То тирик эканман, унинг яхшилигини асло унутмайман.

Қутурган меҳмоннинг ҳар қанақанги пасткашликка қодирлигидан яхши хабардор Аҳмад дарров таниш милици-онерга телефон қилади, аммо адашиб мухбир шилқимлик қилган жувоннинг эрига тушади.

Яқинда қамокдан қайтган Ёмонбой номусли йигит сифатида оиласи шаънини балчиққа буллаган шаҳарлик олифтанинг таъзирини бериб қўйишга чопади.

Ёмонбой разил мухбирни бизнинг уйга етишига бор-йўғи икки хонадон қолганда қувиб етади.

Худонинг асраганини.

Ёмонбой ўзи ёмон бола эмас. Аммо оила шаъни - муқаддас. Шунинг учун у аввал мухбирга: “Ука, опангиз тенги аёлга осилиб яхши иш қилмасиз”, деб даққи бера-ди. Ёмонбой бир ёмон иш қилиб қўймасин деган мақсадда унинг ортидан чопиб келган уч-тўрт ўртоғи ҳам бу суҳбат-нинг гувоҳи бўлиб туришган. Бироқ ғирт маст мухбир Ёмонбойга тепадан келиб дўқ уради. Ҳатто “Хотининг ўзи кўз сузди”, деган гапни айтишгача бориб етибди муртад! Шунда қони қайнаб кетган Ёмонбой кекирдагини чўзаёт-ган йигитга бор-йўғи бир шапалоқ туширганини ҳамма гу-воҳлар ўз кўзлари билан кўришган.

Номарднинг иши ҳамиша номардлик бўлиб келган. Мухбир акамиз ҳам кўйиндан ярақлаб турган пичокни чиқ-ариб Ёмонбойга ташланади. “Сўяман!” дейди. Ёмонбой мард йигитлардан эмасми, кўкрагини кериб тураверади. Лекин маштум қотиллик юз бериши мумкинлигини ҳис қилган жўралар Ёмонбойни судраб орқага чекинишади. Буни кўриб, баттар қутуриб кетган меҳмон йигитларни таъкиб этишга тушади. Маст эмасми, қўлида пичоғи билан кенг йўлнинг у бошидан-бу бошига бориб келаверади.

Муюлишда яна гандираклаб кетган зўравон секинги-на келаетган “КамАЗ” тагига йиқилиб тушади. Гувоҳлар-нинг кўз ўнгида. Мувозанатини сақлай олмай йиқилиб туш-ган...

Тонг сахарда, чақурув бўйича келганимизда мен ала-лақачон жони узилган бўлишига қарамасдан маҳкам чан-галлаб олган пичоғи ҳамон қўлида турган ёшгина йигит-чани кўриб аввалига ичим ачиганди. Кейин, ҳақиқат ойдинлашгач, нафратим кўзиб, жонсиз танани тепиб-тепиб олгим келди.

Ҳа, эл билиб айтган: итга ит ўлими...

6 феврал. Душанба. Кечқурун. Постда.

Эрталаб Роҳилани кўриб ҳайрон қолибман. Кўзлари киртайган, ранги оғир беморники янглиғ сўлгин. Роса йиғлаганга ўхшайди. Гап-сўзларнинг бир учи унинг қулоғи-га ҳам етиб келган, шекилли, деб ўйлаб, юпатдим, келган бало ўша аблаҳнинг ўзига урганини айтиб тасалли бердим. Хар ким экканини ўради, дедим.

Гапларимни эшитиб синглим изиллаб-йиғлаб юбор-ди. Сўнг хонасидан бир дафтар олиб чиқиб берди. Нималигини сўрасам, “Ўша бечоранинг кундалиги”, дейди.

Дафтар қайдан пайдо бўлиб қолгани билан кизикдим. Кеча, фожиа рўй берган сахар, юраги негадир

безовталанаверган синглим кўчага чикибди. Қараса, уйимдан юз қадамча нарида уч-тўрттаси бир кишини кўчага ётқириб олиб тепкилаяпти экан. Синглим кўрққанидан қичқириб юборибди. Тепкилаётганлар дарҳол ерда чўзилиб ётган гавдани оёқ-қўлидан ушлаб судраганча қоронғулик қўйнига сингиб кетишибди. Улар ортидан югурган синглим ҳозиргина муштлашув рўй берган жойда лой ва қонга беланиб ётган ушбу дафтарни кўриб қолибди. Синглим дафтарни кўтариб олиб яна юз қадамча ичкарига юрибди. Бироқ қоронғуликда уларнинг изини йўқотиб қўйгач, ноилож орқага қайтибди. Уйга келиб қарасаки, дафтар - ўша мухбирнинг қундалиги экан.

Шундан кейин синглим титраб-қақшаб ҳақ жойига қарор топишига, ўша йигитнинг пок номи оқланишига кўмак беришимни ёлвориб сўрай кетди.

Жигар бари бир жигар-да. Бунинг устига кенжатоимиз - эркатойимиз.

"Аввал ўқиб чиқай, - дедим. - Сўнг маслаҳатлашиб кўрамиз".

Синглим... иккилана-иккилана ахири дафтарни ўзим билан олиб кетишимга рози бўлди.

Дафтар юпқагина экан, постта етгунча, йўлдаёқ ўқиб тугатдим...

Мана гап қаёқда экан. Мен бўлсам...

Лекин шошилмаслик керак. Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди. Бошқаларни қўйиб турган тақдиримизда ҳам, ҳеч бўлмаса Имомкул акадай ҳурматли зот ёлгон гапирмас... Бунинг устига, Имомкул акадай баобрў зот қандайдир хашаки мухбирчалар билан олишиб ўтирармиди... Балки бу қундалик олдиндан пухта ўйлаб, тайёрланиб қўйилгандир... Ундай десам, нима, шўрлик йигитча шармандали ўлим топишини туш кўриб билибдим...

Ишлаётганимга анча йил бўлиб қолди. Тўғри, фабрика ҳақида бир-икки нохуш гапларни эшитганим бор. Бироқ уларни ҳамиша кўролмастарнинг гийбати деб ҳисоблаб келганман. Фабрика маҳсулот чиқариб турган бўлса, шунча одам иш билан таъминланган бўлса... Ҳар замон-ҳар замонда фабрика моллари махсус юк машиналарида, сургучланган ҳолда, ДАН вакиллари бошчилигида қарвон бўлиб шу йўлдан ўтиб туради. Бирон марта уларни тўхтатмаганмиз...

Тушгача ўйлайвериб, ўйлайвериб, бошимда оғрик турди.

Ахири марҳум мухбирнинг ишини олиб борган терговчи Маҳмуджон билан маслаҳатлашишга қарор қилдим.

Маҳмуджонни анча йиллардан бери биламан. Жуда ҳалол, принципиал терговчи. Мукофотларам олган. Танишбилишга юрмайди, деб кўп эшитганман. Ҳар қалай, терговчи-терговчи-да. Мен бор-йўғи бир олатаёқ эгаси бўлсам.

Тушдан кейин зув этиб бориб Маҳмуджонга учрашиб келдим. Дафтарни қўшқўлаб топширарканман, марҳумни ўликхонага олиб бораётганимизда бўйнида, кўкрагида тўмтоқ нарса билан урилганга ўхшаш кўлаб тан жароҳатлари кўрганлигимни, лекин бунга ўша вақтда эйтибор бермаганимни, чунки асабий ҳолатда бўлганимни ҳам тан олдим. Бунинг устига, ароқнинг қўланса ҳиди марҳумнинг оғзидан эмас, кийимларидан келаётгани ҳам мени ажаблантирганди.

Терговчи бари бир терговчи-да.

Дарҳол папкасидан бир қоғоз чиқариб, суд-медицина экспертизаси марҳумнинг қонидан катта миқдорда алкагол топганлиги хусусидаги актни ўқиб берди. Дафтар учун эса қизгин миннатдорчилик билдириб, агар зарур бўлиб қолсам синглимни ёки мени ўзи чақириб олишини билдирди.

Шу билан хайрлашдик.

Постимга анча енгил тортиб қайтдим.

7 феврал. Сешанба. Кечқурун. Уйда.

Боплашди! Мени ёш боладай лакиллантирди!

Ўрним кимга керак бўлиб қолди экан-а?

Эрталаб рацияда шеригимни қайгадир чақиринди.

Постда бир ўзим қолдим. Йўлда машиналар сийрак эди. Бир пайт узокдан оқ ранг "Об" иланг-биланг қилиб келаётганини кўриб қолдим. Дарров йўл ўртасига чиқиб турдим. Машина ўша алфозда яқинлашгач, олатаёғимни кўтардим.

Машина шундоқ ёнимга келиб тўхтади. Кўрдимки, ўзимизнинг вилоятники. "Ҳайдовчи ичган", деб ўйладим.

Ҳайдовчи хушмўйлов, мулозаматлигина йигит экан, чопқиллаб келиб кўришди. Ўзимни таништиб, ҳужжатларини сўрадим. Ҳайдовчининг бўлса оғзидан бол томаяпти:

- Унвонингиз бунданам кўтарилиб кетсин, акажон. Умрингиз узок бўлсин, акажон. Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг, акажон. Илтимос, қўйворинг, жуда шошиб турибмиз...

Қарасам, ҳали-бери тинадиган эмас. Дўк уришга мажбур бўлдим:

- Ҳозир бориб қалитни олиб кўяман! Ҳужжатларни кўрсатасизми-йўқми?

Ҳайдовчи отасидан дакки эшитган боладай мунғайиб машина томон юрди. Мен баённома ёзиш учун столим ёнига бордим. Ниҳоят ҳайдовчи олдимга судралиб қайтиб келди.

- Обкелдим, - деди у негадир паст товушда.

- Обкелганингиз яхши бўлибди, - дедим. - Қани, беринг-чи.

- Топганимиз шу бўлди, ака, бўлаверадими?

- Бўлаверади, борига барака.

Ўлай агар, кўнглимда ўзга фикр йўқ эди. Постда туриб зерикамиз, ахир. Шундай пайтлари ҳайдовчилар билан ҳазил-хузил қилиб турадим.

Ў, ўша пайт қўйилган тузокни билсамми эди!...

Шундай ҳайдовчилик гувоҳномасини очсам, ичида буклаб қўйилган иккита юзталиқ турибди.

Жон-поним чиқиб кетди.

- Бу нима? - деб пулларни ҳайдовчининг бурни тагига олиб келдим.

Соддалиқ қилдим, содаллик. Туллақ ҳайдовчи "Бошқа пулим йўқ эди-да, ака. Камига қарздормиз", деб ортига ўтирилди ҳамки ёмон нарсани тусмол қилмабман.

Машинадан тушасола чопиб олдимга келган икки йигитдан бирови кизил жилдли гувоҳномасини кўрсатиб ўшқирди:

- Сиз қамокка олиндингиз! Биз билан юринг!

Орадан бир соатлар чамаси ўтиб, туман ички ишлар бўлими бошлиғи хонасида махсус бўлинма ходимлари ва бошлиғим иштирокида диктофонга ёзилиб қолган ўзимнинг "Бўлаверади, борига барака" деган сўзларимни эшитаркан-

ман, аламдан бошимга муштлагудай бўлардим.

Аммо, иложсизман, гувоҳлар бор, овозим бошлаб ёзиб олинган...

Ишим махсус ҳайъатда кўрилгунча уйдан чикмай туриш буюрилди.

ДАН нишонини тортиб олишди.

Мана энди ётибман аламдан қаламга кўшиб бармоғимниям ғажиб...

8 феврал. Чоршанба. Кечқурун. Уйда.

Аввал ҳам бир марта қўлга тушиб қолгандим...

Ушанда топган-тутганимни обориб бериб қутилгандим...

Бугун туш пайти уйдаги бор жамғармамни олиб бошлиғимникига бордим. Одатига кўра, уйда овқатланаёпти экан. Аммо... олмади, нокас. Бўлмаса тушунтириб айтдим, бу хамир учидан патир, атаганимиз ҳали кўп, дедим. Икки кўзи қийиқчага тугилган пулда-ю, яна ҳалоллик, поклик, ҳозирги сиёсатдан сафсата сўқийди. "Арзимаган совға"ни кўрпа тагига кўйиб ҳам кўрдим - бефойда. Юраги тутдай тўкилаётгани шундоққина бўғриқиб кетган юзидан билиниб турган бошлиғим ҳар гал тугунчани қўлимга қайтариб бераверади.

Демак, ё менинг ўрним кимгадир керак бўлиб қолган, ё ўртага катта пул ташланган, ё бўлмаса "тепа"дан кўнгироқ бўлиб, "Жалолов ўз ишига муносибмикин?" деган тагдор савол кўйилган. Йўқса очкўз бошлиғим бунақанги тайёр луқмадан бекорга воз кечадиганлардан эмас. Ёки билмасдан туриб бирон каттаконнинг арзандасини хафа қилиб кўйдиммикин..

Тўхта, тўхта... балки... балки ўша кунги қутилмаган, бунинг устига атай уюштирилгани билиниб турган текширув билан анави марҳум мухбирнинг қундалигини олиб бориб топширганим ўртасида қандайдир боғлиқлик бордир.

Тўғри, бундай бўлишига ақл бовар қилмайди. Бироқ, бу замонда нималар рўй бермайди дейсиз. "Дунёда шундай ҳодисалар борки, дўстим Горацио..."

Чикмаган жондан - умид. Қўл қовуштириб, бошлиқнинг қош-қовоғига қараб ўтираверишдан фойда йўқ. Бунинг устига бошлиғим таклиф қилаётган иш - бирон жамоа хўжалигида лейтенант унвони билан паспорт столи бошлиғи бўлиб ишлаш мени асло қониқтирмайди. Бу дегани - аравадан суриб туширишди дегани. Суриб туширилгани эса ҳеч ким қайтиб аравага олмайди. Ҳеч ким ва ҳеч қачон.

Мен-ку, аслини олганда шоҳмот тахтасидаги оддий пиёдаман, холос - истаган маҳал қурбонликка келтиришля-

ри мумкин. Ўзини камида фарзин ҳисоблаб юрган Исҳоқжон аканинг ҳоли не кечди? Уч кун бош инженер бўлиб ишлади, холос. Ташланган суякка андармон маҳали бошлаб тузлашди - арзимаган пора олаётган маҳал шартта ушлашди! Кўрганлар айтиб беришди: шундоқ хонасидан, одамлар кўз ўнгида қўлиарига кишан солиб олиб чиқиб кетишибди. Бечора нуқул атрофга жовдираб қарармиш. Йиқилганга ким ҳам мадад берарди. Бунинг устига, Исҳоқжон акадай одам довдираб қоптими - тамом деяверинг. У энди ўзини ўнглаб ололмайди. Шафқат қилишса - югурдакликка олишади, шафқат қилишмаса - қамашмаган тақдирда ҳам, оёқ ости қилиб эзишиб, бир бурда нонга зор этишади...

Тонг отсин. Бир уриниб кўрай-чи.

9 феврал. Пайшанба. Кечқурун. Уйда.

Бу дунёда таваккал қилган ютади. Ё остидан, ё устидан.

Яхши отга бир қамчи ҳам дейишади.

Борсам, Маҳмуджон қуйруқ мойини қандайдир дело устига оқизиб, буюртма сомса еб ўтирган экан. Менга шунчаки кўз ташлаб кўйди. Ҳатто "келинг" ҳам демади. Авваллари, тушлик маҳали бостириб кирсам, ўрнидан сакраб туриб кутиб олгувчи эди.

Бошламасига эшикни зичлаб ёпдим... Сўнг:

- Маҳмуджон ака, - дедим. - Мен ҳеч қандай кундалик кўрмадим ҳам, ўқимадим ҳам. Анави шаҳарлик мухбирчага келсак, у ит эди, ит ҳолида ўлиб кетди. Унақанги расво одамларнинг жазоси шу.

Разм солиб кўрдимки, терговчининг бир туки қилт этмади. Индамай чиқиб кетдим.

Назаримда, таваккал қилиб янглишмадим.

Яна ким билади дейсиз.

Тонг отсин-чи...

10 феврал. Кечқурун. Постда.

... Бундай ўйлаб қарасам, "Ёлғиз қиз, ёлғиз қиз" деб Роҳилани жуда эркалатиб юборибмиз. Мана, билим юртини битириб келганига ҳам бир йилдан ошибди. У тенги қизлар алақачон ўйли-жойли бўлиб кетишган. Тамом. Шунча кўнглига қарадик, энди ортиқ чидаб бўлмайди. Яна бир-икки йил индамасак, қари қизга айланади-қолади. Бас. Тузукроқ жойдан совчи келсин - бериб қутуламиз.

Ахир, кўзга яқин қиз бўлса. Юраверадими қандайдир кундаликдаги ёлғон сўзларга ишониб. Яна денг, а с л и д а ў з и б ў л м а г а н, ҳеч ким қўлига ушлаб кўрмаган, ёлғон кундаликдаги ёлғон га п л а р г а..."

1995 йил



Тўра МИРЗО

Амир Темур

Икки пардали тарихий драма *

МИРОНШОХ

Йўк, соҳибкирон,
Раият ишига бошни тикканмен.

ТЕМУР

Бошинг нечта ўзи?

(Мироншоҳ жим)

Битта бўлса агар тикиб кўймагин,
Ёлғончи дунёнинг алдовларига.
Бошни тиккин фақат Оллоҳ йўлига,
Билакларинг чайир, менга тортибсен.
Фақат феълинг менга ўхшамас ортик,
(Мироншоҳнинг елкасига қоқиб)
Чиник, амирзода. Фармони олий.
Ёзинг, Амир Темур Тарағай сўзим.
Шаҳзода Мироншоҳ Мирзо Тарағай
Вазир рутбасидан озод қилинсин.

МИРОНШОХ

Олампаноҳ... Ота...

ТЕМУР

Салтанат райида ота-бола йўк,
Ўзни оқлагунча оддий навкарсан,
Бухоронинг беги ишдан олинсин.

ЭШИК ОФАСИ

Самарқанда Темур Тош боғдодлик кизни
Зўрлабди, норози Ироқнинг халқи.

ТЕМУР

Темур Тошни банди қилиб келтиринг.
(Кўл оёғи боғлиқ Темур Тошни келтирадилар.)
Ислоннинг лашкари бузуклик қилса,
Лаънат ёғилади кўкдан ҳам ердан.

ТЕМУР ТОШ

Шариат ҳукмидан бош тортмоқ кўфр
Ихтиёр сиздадур, бошимни кесинг.

ТЕМУР

Мутлоқ кўшинимда сенга ўрин йўк,
Йўллар ёпик сенга ота маконга.
Ироқда яшайсен энди хор бўлиб,
Чўпонлик қиласен Боғдод чўлида.

ТЕМУР ТОШ

Қуллук, амир, қуллук, амрингиз вожиб,
То кучдан қолгунча у эл юмушин

Ўтаб ўтказамен, Оллоҳ олдида

Юзим қаро бўлиб қолмасин шояд.

ЭШИК ОФАСИ

Амир, бир қария бош уриб келди.

ТЕМУР

Кирсин.

(Бир чол киради)

Безовтасен бунча, қария?

Молсиз қолдингми ёки имконсиз қолдинг?

ЗИНДОНИЙ

Сен иймонсиз қолдинг.

ТЕМУР

Нелар деяпсен?

ЗИНДОНИЙ

Мўғул авлодини тахтдан қулатдинг,
Подшоҳни қулатиш Оллоҳга ёқмас.
Йиқитмоқ қонуний тахт соҳибини...
Буюк гуноҳ, Темур иймонинг куйди.

ТЕМУР

Шоҳ қонуний-ку, халқ ноқонунийми?

Султон саҳт истаги устун турса-ю,

Эл эзгу тилаги ерга урилса.

Разолатга Оллоҳ кенг йўл берса-ю,

Адолатнинг қалити қўлини урса.

Шоҳ тахтга ўтирсин халқ бошидамас,

Халқлигидан озар эзилган бу халқ.

Менинг кўнглимнинг ўз устуллари бор.

Тахтга топинмайман, сиғингум ҳаққа.

Оллоҳ мени чорлаб қутлуг шиддатга,

Ноҳақликка минган тахтни қулатдим.

Иймонли бўлса-ю, тахтда ўтирган,

Халқ, ҳақни ўйлаган иймонсиз бўлса.

Бу дунё иймонсиз, иймонсиз ўтгум.

ЗИНДОНИЙ

Кочувли Баҳодир ва менинг бобом

Бир-бирига душман эди бешафқат.

Иши юришарди сенинг бобонгнинг,

Мансабдан тушмасди қариганда ҳам.

Мерос қилиб олдим мен ҳам ёвликни,

Бу шундай "мерос"ки, тун чоғида ҳам.

Отолмайсан ҳасад юкин елкангдан.

Сенинг отанг Амир Тарағайга мен

* Давоми. Боши ўтган сонда.

Қанча ёвлик қилдим марҳумга аён.
Отанг ўлғач, сенинг изингдан тушдим.
Сенга қарши Илёсхўжани,
Сен ухлаб ётганда Моҳон ҳоқими
Алибекка тутиб берган мен ўзим.
Аммо Оллоҳ ёрлақар ҳар пайт.
Қатлинга бир кун қолганда ўзинг
Алибек қўлидан қутилиб чиқдинг.
Самарқанд тахтига эга чиқдинг сен,
Қиличбозлик қилиб сени енгмоққа
Қариб қолдим, лекин ичимда илон
Тинчлик бермас сира, гимирлар ҳар вақт,
Мен ҳам мусулмонман, ҳеч йўқса энди,
Ўзинга билдирмай ёвлигимни мен.
Бировга ёмонлик қилсанг у доим
Буни билмай юрса сенинг рақибинг,
Алам қилар экан кўп қаттиқ алам.
Ўзни тиёлмаймен ёвлик қилишдан.
Яхшиси сен мени зулмдан қутқар -
Кўкрагимда унган қора ниятдан.
Бошни кес, ёвлиқни унтай ўлиб.

ТЕМУР

Мен ожиз одамга қўл кўтармайман,
Қиссахон, фол очгил.

ҚИССАХОН

(Қуръонни очиб)

Ва анна ила-ҳа ла-йаҳди кайди алхойнина.
Улар ниятлари беҳуда кетгай,
Ёмон ният ўзин бошига етгай.

ЗИНДОНИЙ

Ўша зиндонга сол бирор чора топ.

ТЕМУР

Шундай ҳам зиндонда яшаяпсан-ку
Қабих ниятларинг тор зиндониди.

ЗИНДОНИЙ

Ёмонлик қиламен, токи тирикмен.
Сенга, авлодинга.

ТЕМУР

Кет, кўзимдан йўқол.

(Зиндоний чиқиб кетади)

КУНЧА ЎҒЛОН

Қочоқ Қора Юсуф, султон Аҳмадга
Йилдириб Боязид паноҳ берибди.
Қорақуюнлилар энди Рум шоҳин
Бизга қарши қўймоқ учун уринар.

ТЕМУР

Ёз, Қиссахон.

“Эй, диёри Румда Малик бўлган Боязид. Биласанми,
мен Мансур ва Музаффар бир султонун Жадитман. Бир кўп
инсон бизга қулдир. Шунин билки, Қора Юсуф ва Султон
Аҳмад қиличимизнинг сатфатиндан ва аскарларимизнинг
ҳайбатиндан қочдилар. Сенга маълумдирки, бу одамлар
муфосиддирлар. Булар бирор фираъвн каби кофирдирлар,
агар ўз эътиборини задаламак истамақурсен, аларни
мамлакатинга қабул этма. Аларнинг келдиклари ерга
ўғирлик ва тахликада келур. Бу каби инсонлар усмонли
давлатининг қанотлари олдинда ҳимоя кўрмоқдалар. Уларни
ҳимоядан чеклатингиз ва юртингиздан қувингиз, нарада
бўлурсангиз ўлдингиз. Бу амиримизга муҳолафат этмангиз.

Зеро у замон қаҳримиз узарингизга ўлажақдир. Бизга қарши
қўйилганларнинг ҳолин эшитмишсиздир. Хали гафғони ҳеч
кўзга олмасангиз... Вассалом”

(Темур мактубга муҳр босади)

ЭШИК ОҒАСИ

Амир, маликамит Сароймулк оға
Ташриф буюрдилар.

БИБИХОНИМ

Билмадим, амирим, кўзларингизда
Ўрнашган безовта бир тўғён?

ТЕМУР

Бибим!

Илоҳий ипақдан яралгансан сен.
Кошқийди бу қўллар қилич сочимас,
Фақат бу ипақни силаса абад,
Аммо Амир эрки кўнгли ичра берк.
Болалиқда баъзан далани кезиб,
Харсанга бош қўйиб ухлаб қолардим.
Неча давр ухласам бошга ботмасди.
Юзимни силади юрт майсалари
Аммо буюк тошлар тош қота борди
Юртни топтар экан келгинди ёғий.
Қўлларим тош қотди, тош қотди оёқ.
Мен тошдан ясалган Оллоҳ бандаси,
Таним тош, кўнглим-да тошга айланар.
Ҳатто бир гал ёғий чаптастлик қилиб,
Сўғиш майдонига қилич ўқталди.
Иккига бўлинди танамга тегиб.
Мен озод бўлмасмен агар бир муслим
Бировнинг назари остида қолса.
Агар гадо бўлса, менинг қавимдан.
Менинг ўғлим гадо, ўзим гадомен.

БИБИХОНИМ

Алп Эр Тўнга руҳиқўлласин Сизни.
Юрт юки буюк юк, кўтармоқ оғир,
Лекин кўнгли энгил тортар вазнидан.
Халқнинг пешонасин силаган одам
Билсинки бир халқдир шоҳ, фуқоро ҳам.
Ҳатто ўз ўғли ҳам саховатидан
Баҳраманд бўлмоққа ҳақлидур ахир.

ТЕМУР

Гапнинг орасига бергитманг гапни
Сўзга жанда ёпмай лўндасин айтинг.

БИБИХОНИМ

Ўғлингиз Мироншоҳ...

ТЕМУР

Ўғлим Мироншоҳ...

БИБИХОНИМ

Ўйчан бўлиб юрар...

ТЕМУР

Ўйчанлик яхши.

БИБИХОНИМ

Меҳрибон амирим, баъзан қаҳрингиз
Ҳаддин ошиқ тошар...

ТЕМУР

Хўш, нима дейсан?

БИБИХОНИМ

Ўғлингиз Мироншоҳ, Мироншоҳ Мирзо
Қаттиққўллик бўлди бир оз, амирим.

ТЕМУР

Шухратга берилмоқ. Бу не пасткашлик?

Балки унга сийлов бернш керакдур.

БИБИХОНИМ

Амирим. Ўғлингиз ахир...

ТЕМУР

Ахир мен

Эга чиқиб бугун Туронзаминга,

Ўзимни шоҳ дея атаганим йўқ.

Инсонни ҳеч қачон ругба безамас.

Оллоҳнинг қулидир шоҳу фуқаро.

Энг буюк мансабдур боғ кўкартириш,

Энг буюк мансабдур нон ёпмоқлик ҳам.

Ҳукмронлик сира бахт эмас минбаъд,

Тахтда ўтирмадим бир кун ҳам яйраб.

Тахт вазни, салтанат оғирлигидан

Елкам яғир бўлган, билиб қўй, Бибим,

Ўз уйида тартиб ўрнатмаган шоҳ

Ўзга хонадонга бошин суқмасин.

БИБИХОНИМ

Отанинг хислати юқар фарзандга

Ота оғрир, кирса болага тикан.

Ота чироғини ёқувчи ўғил,

Ўғилнинг кўнглини ўқситса бўлмас.

ТЕМУР

Ўғлим Мироншоҳни жазолаганим

Ўзимни жазога тортганим эди.

БИБИХОНИМ

Ота тик гўлса-ю суйган ўғлининг

Боши эгик бўлса, сушт кетар-ку ҳақ.

Авф этиш отанинг тантионгидур.

ТЕМУР

Мен оддий отамас, Амир Темурман,

Авф этиш раҳмдил Оллоҳга хос иш.

Ҳамма нуқсонларни авф этаверсам

Салтанатим бир кун қулаб тушмасми?

Менинг ўғлим эмас оддий фуқаро

Бўлганда лутф ила авф этар эдим.

БИБИХОНИМ

Оддий фуқарога кўрсансангиз лутф

Аммо қайишмасму ўғлига ота?

Маъюс набирангиз Халил Султон ҳам,

Отаси Мироншоҳ синиклигидан.

ТЕМУР

Амир фарзандининг мўл маъсулияти,

Шаҳзода жазоси шаҳонадир бас.

БИБИХОНИМ

Гарчи Мироншоҳга ўғай онамен,

Аммо унга тикан кирса ёнамен.

Кўзида мунг кўрсам, кўнглим қоронғу,

Нечакун мен учун бегона уйку.

Қасам ичган эдим ҳар ўғлингизга

Тукқан она мисол шафқат қилмоққа.

ТЕМУР

Бибим ташаккурлар, боз шафқатингга.

БИБИХОНИМ

Ташаккур айтмангиз, Мироншоҳ навқар

Ўноҳидан ўтинг, шу менга сийлов.

ТЕМУР

Амир Темур сўздан қайтмас ҳеч қачон,

Мен темир эмасмен, оталик меҳри

Доим голиб келар юрагимда, бил.

БИБИХОНИМ

Раҳмат сизга амир, авф этдингиз-а?

ТЕМУР

Бибим, сен минг кара доно бўлсанг ҳам

Бошқа бошин суқма ота-ўғилнинг

Муносабатига, кўнглимда баланд

Отанинг меҳридан кўра адолат.

Ўғилларда мавжуд бўлса турк кони,

Қамтарлик илмини билсин мукаммал.

Ўзга бино қўйин инсонга ҳаром

Тангри бир, Оллоҳдан бошқа Оллоҳ йўқ.

(Бибихоним ўтириб қолади)

ТЕМУР

Нақадар кўркли соч тўзғибди бир оз.

БИБИХОНИМ

Тўкилиб кетгувчи гўрда бу сочлар

ТЕМУР

Кўзларинг гўзалдур, теран бир денгиз.

“Кўзимни гўрда илк қурт-кумуска ер”

ТЕМУР

Йўқ. Ўлимга йўл йўқ. Кўзингда тўлган

Меҳр ёниб битмас, кетмас ҳеч қачон.

Кўзларинг ўт бўлиб порлагувчидир,

Сочинг сиртмоғига чоралгувчидир.

Мен бир дайди Амир, саргардон амир

Тўрт уфққа от қўйиб чопажакмен хўб.

Сен кўзинг тўрт бўлиб кутажаксен кўп.

Туронни қучмоққа кун қўли калта,

Менчи қучганимда Турон бутундир.

Шундай юртни ташлаб кетиб бўларми

Мўмин эл баҳридан ўтиб бўларми?

ОҚ БЎҒА

Валиаҳд Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо

Чин дунёга рихлат қилдилар, амир.

(Темур ва Бибихоним ўтириб қоладилар. Йиги ва аза бошланади.)

2-ПАРДА

Ўтрор. Темур ва Зиндоний

ЗИНДОНИЙ

Неча бор енгилдинг жанг майдонида?

ТЕМУР

Сира енгилмадим жанг майдонида.

ЗИНДОНИЙ

Енгилгансен, эсла, ер бўлганингни?

ТЕМУР

Ғолиблик касб эди сўғишда менга.

ЗИНДОНИЙ

Ёмон енгилгансен, тор-мор бўлгансен.

ТЕМУР

Майдон бўлса Темур енгилгон эмас.

Мен ухлаб ётганда Мохон ҳокими

Алибек занжирбанд қилганди бир гал.

ЗИНДОНИЙ

Йўқ, умас, Алибек жанг қилмай туриб,

Номардларча тутқин қилган ўшанда.
Сен ёмон енгилдинг жанг майдонида

ТЕМУР

Майдонда мардона сўғишиш одат,
Зафар менга насиб этарди доим.

ЗИНДОНИЙ

Анқара жангида енгилгансен сен.

ТЕМУР

Анқара жангида мен ғолиб чиқдим,
Боязид қайсарни банди қилганмен.

ЗИНДОНИЙ

Сен банди қилгансен ўз шухратингни,
Қиличинг Румгамас Туронга теккан.
Овропадан қирқдинг туркнинг оёғин.

ТЕМУР

Румни вассал қилдим салтанатимга,
Бир турк давлатини қўшиб олганмен.

ЗИНДОНИЙ

Билибқўйгин, қилич қўшувчи эмас,
Айирмоқ, тилмоқдур қилич хунари.

ТЕМУР

Боязид Қайсардан хат олганимда,
Хатто кўзлар тиниб, синиб қолдим мен.
Чинлик айтса майли, эронлик айтсин,
Аммо ўз уруғинг, ининг камситса,
Киргинг келар эжан тирикдай тўрға.

Чин сафарин четга сурдиму яна
Румга қарши руҳ-ла ортиқ отландим.
Турк-туркни суймаса, жони куймаса
хали миллат эмас, хали халқ эмас.

Бутун турк бирлашсин менинг қўлимда,
Деган ният билан отландим Румга.

ЗИНДОНИЙ

Қайси устоз солди ниятни дилга?

ТЕМУР

Менинг йўлбошим йўқ Оллоҳдан бошқа.

ЗИНДОНИЙ

Архиескоп Ионн, фаранги элчи
Бир-бир қулоғинга қўймадимиз ҳеч?

ТЕМУР

Қўйгани рост, лекин билиб қўй, Темур
Биров етовида юрмас ҳеч қачон.

ЗИНДОНИЙ

Мабодо битта гап кўп такрорланса,
Ҳадеб айтилганда ҳар кўришганда,
Қулоғинга илдиз отмасдан қўймас.
Заҳарли томири кенгайиб борар,
Бир кун эгаллайди бутун миянгни.
Ўз фикрингдай бўлар уйғонсанг бир тонг.

Икки турк бўрсин уриштирмоққа
Осон йўл топдилар европаликлар.

Ёвлиги ёмондир ака-уканинг,

Инилар ёв бўлса, дунё бузилар.

Миллат бир бўлмаса, бирлик бўлмаса,

Дуч келган келгинди тахтта ўтирар.

Анқарада икки туркнинг сўғиши

Турк тигини буғди жаҳон олдида

Анқарада Темур қучган ғалаба

Мағлубиятидир теурийларнинг.

Саҳна айланади. Анқара. Темур қароргоҳи.

ШОХРУХ

Қорақуюнлилар ҳалдидан ошди,
Қора Юсуф кириб Румнинг пинжига.
Ҳасад болтасини қайрайди ҳамон.
Туркман бекларига зулм ортибди.
Кармиён, Рум беги, Қайсар зулмидан
Бизга ҳочиб келган обрўйли бир зот.
(У Кармиёни кўрсатади)

КАРМИЁН

Йилдирим Боязид тилда мусулмон,
Асли эъзоз этар насронийларни.
Оливера деган серб маликаси
Банди қилиб олиб ихтиёрини.
Ишрат денгизда икков ғарқ бўлиб,
Назарига илмас турк сардорларин.
Тонгдан оқшомгача шароб ичарлар,
Кўпол иниси бор Оливеранинг -
Деспот Стефан. Ўша серб сардор
Турк насроний, йўқдир лашкарнинг жони.
Осон таслим тўлар Боязид Султон.

КИССАХОН

Кўл кўтарса агар ини-инига,
Бир хил туғ кўтарган турклар савашса,
Ортиқ куфр бўлур Оллоҳ олдида.

ШОХРУХ

Қорақуюнлига бағрини очиб
Иzzат кўрсатади нечун Боязид?
Бу туркнинг ишими, муҳтарам шоир?

КИССАХОН

Қорақуюнлилар турк эмасми-а?
Алар жинояти бошқа масала.

ШОХРУХ

Қорақуюнлисен балки шигирбоз?

КИССАХОН

Мен, барлосмен, аммо билгил, овозмен
Барча турклар учун. Уруғ айирса,
Шоирни ҳатто, бу халқ эмас, бало.

ТЕМУР

Сулҳ қўлини чўзар балки Боязид.

КАРМИЁН

Унинг номи ахир Рум Қайсари-ку.
Сўзлигида йўқдир сулҳ, тинчлик сўзи.

ШОХРУХ

Миср ҳокимини бизга қайрабди,
Боязид дўст бўлмас бизга ҳеч қачон.
Боязидни токи енгмас эканмиз,
Ортимиздан зарба тушиши мумкин.

Киссахон

Турк туркка дўст бўлмас, турк эли эмас,
Туркни туркдан бўлак дўсти бўлганмас.

ШОХРУХ

Хуфияси бўлма Боязидни сен?
Оғзингни тўлдириб Боязид дейсан.

КИССАХОН

Мен туркнинг номини ҳамиша билгин,
Оғзимни тўлдириб айтиб келаман.

ШОХРУХ

Сен сотқинсен, шоир.

ТЕМУР

Бас қил, Шохрух,
Шоирлар сотқинлик қилмас ҳеч қачон,
Бойлик керак эмас қаламдан бўлак.

ЭШАК ОҒАСИ

Пир Саид Барака ташриф буюрди.

(Саид барака киради)

ТЕМУР

(Унинг этагини ўпади)

Хуш келдингиз, пирим, вазият мушкул,
Ташвишдамен яна қон тўкилгуси.

САИД БАРАКА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм
Ва иннаҳу ламин ас содиқина.
Ўз гапимга мойил қилмоқлик учун
Йилдиримга мен ҳам элчи юбордим.

ТЕМУР

Мен юборган элчи ҳаяллаб қолди.

САИД БАРАКА

Сабр қилгин, ўғлим, булутлар тарқаб,
Турон осмонида кун чарақлаяр.
Икки турк султони бирлашиб шояд
Яна юксалтирар Ислому туғини.

ТЕМУР

Кўнгил саройида бир тутам нур йўқ,
Ҳаддан ошиб борар ахир Боязид.

КАРМИЁН

Соҳибқирон, ахир Боязид...

ТЕМУР

Хўш, хўш?

КАРМИЁН

Боязид, Боязид...

ТЕМУР

Нима, Боязид?

КАРМИЁН

Диндан чиққан куфр кимса бор-йўғи.

САИД БАРАКА

Оврупага динни ёйган Қайсар-а?

КАРМИЁН

Динни ёйди лекин... ўзи ғайри дин.

Аёл-ла сайр этар зино боғида.

САИД БАРАКА

Бу гуноҳ иш, тўғри бу иш кўп ёмон,

Аммо бу Боязид Исломи тутган

Ғазачи Баҳодир ахир дунёда.

КАРМИЁН

Хотин етовидан чиқмас у сира.

САИД БАРАКА

Ярим Овропани қандай олди у?

Муслим баланд турсин шахсий ғараздан.

Йилдирим Боязид Амир Темурдай

Тиклаб борар ахир Ислому туғини.

КАРМИЁН

Қайсарни тенгламанг соҳибқиронга,

Халифаи даврон ахир, амирим.

Ичкиликка ружъу қўйган Боязид.

САИД БАРАКА

Шароб ичмоқ гуноҳ. Аммо Йилдирим

Кунботарга ёйди ислому динини.

Замонда унли дин тарқатувчилар

Рум султони ҳамда Турон амири.

ТЕМУР

Ташаккурлар, пирим... Аммо менгзатманг

Мени Боязидга.

КАРМИЁН

Ахир Йилдирим

Тукига ўхшамас соҳибқироннинг.

САИД БАРАКА

Нечун қувилдингиз диёри Румдин?

КАРМИЁН

Ҳеч ким қувгани йўқ. Ўзим қочганмен

Зулмдан, ришватдан, ишратхонадан.

ТЕМУР

Пирим, мусофирни сийлаш одатим,

САИД БАРАКА

Мусофир-муфосид, фикс-фужур уйи.

КАРМИЁН

Пир экансиз, аммо ҳақорат этманг.

САИД БАРАКА

Йилдирим ғазотга аскар истади,

Сиз эса қочдингиз ёмон ният-ла.

Икки туркни саваш учун ундайсиз,

Икки турк сўғишса дунё олдида

Буюк шармандалиқ, урушга йўл йўқ.

ТЕМУР

Агар кўнмаса-чи сулҳга Боязид.

САИД БАРАКА

Мен юборган элчи етиб боргандур

Элчи-сайид элтар талабимизни.

Сўз шундай қалитки, қилич кесмаган

Буюк қопқаларни оча билади.

Турк-муслим қон тўкмай келиша билар.

Дўстлик ришталари боғланар шояд.

ТЕМУР

Мен юборган элчи ҳаяллаб қолди.

САИД БАРАКА

Сабр қилгин, ўғлим, иншооллоҳ-ки

Хушхабар келгайдур.

ЭШИК ОҒАСИ

Амир Боязиддан мактуба келди.

(Элчи кириб Темурга мактуб тутқазди)

ТЕМУР

Ўқи, қиссаҳон.

(Қиссаҳон мактубни очиб оқариб кетади)

Ўқи, Шохрух ўғлим.

(Кармиён мактубни очиб ўқийди)

КАРМИЁН

"... Эй, Темур исми ила танилган қалби сўқир.

Эй, тақфурлардан даҳа кофур ўлғон Темур. Маълуминг ўлсинким, мактубингни ўқидим. Эй, машъум. Мени бу сўзлар-лами кўрқитажаксин? Мени Ажам ҳукмдорими санаюрсин? Ўрдумизнинг низомини сен билирсин... ҳарб ва ғаза бизим санъат ва одатимиздир. Агар сен дунё ҳирси ила кўппаклар киби бўғишмая қалкиюрсан, биз даҳи муқатаала этариз. У замон Оллоҳнинг дедиги ўлир. Маълуминг ўлсинки бизга бу

мактубни кўндирдикдан сўнгра майдонга келмас эсанг,
хотинларинг фалакни солиб бўш ўлсинлар... Оллоҳнинг
лаънати-да сенинг ва сени бунёд этганлар узарина ўлсин”.

(Саид Барака бошини ушлаб ўтириб қолади)

ТЕМУР

Бас, не дейсиз, пирим?

САИД БАРАКА

Куфр иш бўлди.

Инналла ал-муминна ихватун.

Ахир биродардур барча мўминлар

Дунёда сулҳ деган муборак сўз бор.

ТЕМУР

Яна сулҳ дейсиз-ахир Боязид

Мени ерга урди дили сўқир деб.

Кўзин олайтирди хотинларимга.

САИД БАРАКА

Жаҳлга эрк берма, ўғлим ҳеч қачон,

Ахир кучу қудрат ёлғиз Оллоҳдан.

Оллоҳ хуш кўрмаган дину исломнинг

Буюк лашкарлари бир-бирин кирса.

Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ.

ТЕМУР

Йўк, йўк, сабрим битди. Майли енгилсам,

Дилим яраланди, энди танам ҳам

Қайсар найзасидан жароҳат топсун.

САИД БАРАКА

(ўтириб, қиблага қараб дуо ўқийди)

Йа акбара қулли кабирин

Ва йа ман ла шариху лаху

Ва ла назира лаху

Ва йа ман кува ала қулли шайин.

Қодирун ва йа ҳолика ин шамси

Ва ал камири ал-мунирин

Ва ай розиқа ат-тифин ас-сағирин

Ва йа орқай аш-шайхи ал-кабирин

Ва йа муҳийи а-л-мавти

Ва кува алайхи йасирун

Ва йа муйассира қулли асирин

Ижълани мин амри фаражан ва маҳражан

Эй, борки дунёнинг энг улуг зоти,

Эй, бор эзгуликнинг офтоб сифоти.

Эй, қуёш ва ойнинг яратувчиси.

Эй, гўдакнинг ризқ таркатувчиси.

Эй, сен мусовидга этгучи раҳм,

Мушқулни енгувчи, топгучи қадрин.

Қийин ишни осон этгил бу фурсат

Боши берк бу йўлдан чиқишни кўрсат.

ТЕМУР

Пирим, танг қолганда бергансиз мадор,

Қутқаргансиз йўлни тўсганда ағёр.

Мен Сиздан қарздорман, қарздор умрбод.

Пирнинг сабоғидан бошланар ҳаёт.

Нурли чехрангиздан топдим шаън йўлни,

То абад ўпайин муборак кўлни.

(Бирданига, кескин)

Ноғоралар чалинг, тоғдай кўзғолинг.

Боязидга қарши жангта шай бўлинг.

Парвардигор ўзинг қўлла қулингни,

Оллоҳу акбар, бергин йўлингни.

Калла инна шаъий раббий саяхдиний.

(Саваш бошланади)

КҲНЧА ҲҒЛОН

(Мироншоҳни олиб киради)

Амирим, Мироншоҳ ярадор бўлди,

Танидан бир майдон қонлар тўкилди.

ТЕМУР

(Ўғлининг қўлини боғлаб)

Бу зафар қонидур, ёруғлик, ўғлон.

Хали кўрмагандек бўлиб кетасен.

МИРОНШОҲ

Амирим, олингиз Боязид тугин.

ТЕМУР

Ота дегин, ўғлим, ота де бир бор.

Ахир мен отамен, бўйинг ўсаркан,

Кўнглим ўсар эди, ўйларим ёруғ.

Сенинг ёвқурлигинг, ўрлигинг, ўғлим,

Ёдимга туширар ўсмрлигимни.

Тикан кирганида Қарши чўлида

Оёғингга, санчик кирди танамга.

Сўғишсанг, юрагим ховучлар эдим,

Кел, ўғлим, отангнинг бўйнидан бир қуч?

*(Мироншоҳ сог қўли билан Темурни қучади. Шохруҳ келиб
Мироншоҳнинг қўлини силайди. Темур иккала ўғлини
қучоқлайди.)*

Болаларим, балки мен темирдирмен,

Ҳар сафар кўрганда кучгим келади

Ҳар бирингизни. Сиз мени тошбағир

Ҳаёл қилмангиз, мен оддий отамен.

Ўғлини қўрганда ўзин кўргандай

Юраги ҳапқириб кетгучи ота.

Эртадан кечгача бошингиз силаб,

Сизга умр тилаб ўтиргум келур.

Лекин қўлларимда қилч дастаси,

Мен бўйин сунамен унинг амрига.

Юртга амир, дилга султон эмасмен.

Аммо амирликнинг юки кўп оғир.

Баъзан қаттиққўллик қаламен сизга.

Сиз менга боласиз, мен юрт боласи.

Алхусус, баримиз оддий фуқаро

Тузин ичганимиз ота Туронга.

Тингланг, Амир Темур Тарағай сўзим

Мироншоҳ ҳокимдир Озарбайжонга.

ОҚ БҲҒА

(кириб)

Румнинг аскарлари қочиб қолдилар,

Ғалаба офтоби биз ёққа оғди.

Аммо саваш қилар султон Боязид.

Қўлда ойболтаси, юзлаб навкарни

Ер тишлатди якка ўзи Йилдирим.

Ҳамон сўғишмоқда бир ўзи дадил.

*(Темур ўрнидан туриб, жанг майдонига чиқади. Боязид бир
ўзи унга ёпирилган ўнлаб навкарларни хужумини мардона
қайтармоқда. Темур имо қилгач аскарлар чекилади. Темур ва
Боязид жанг қиладилар. Иккови ҳам чарчайди.)*

ТЕМУР

Оллоҳ, зафар қушин менга кўндирди.

БОЯЗИД

Ундай бўлса Оллоҳ дегани бўлсин.

*(Темурнинг навкарлари Боязиднинг қўлига кишан
кийдирадилар.)*

ТЕМУР

Офтоб ботишига оз вақт қолибди.

БОЯЗИД

Офтоб ботиб бўлди.

ТЕМУР

Балки ботгандур.

БОЯЗИД

Ким учун кун ботган, ким учун чикқан.

ТЕМУР

Йўк, кунинг ботмади ҳали Боязид.

БОЯЗИД

Сенинг кунинг ботди.

ТЕМУР

Сенга кун чикдими?

БОЯЗИД

(Темур жим)

Кун чикди турк халқин душманларига.

Нечта ўглинг бор?

ТЕМУР

Учта.

БОЯЗИД

Уч ўғил,

Бир қозонга сиғмас уч кўчқор боши.

ТЕМУР

Менинг ўғилларим илму-ирфонли,

Таништириб кўйсак ўғилларингга

Ҳаммаси дўст бўлиб яшарлар ғоят.

БОЯЗИД

Бир қориндан тушган инилар ҳатто

Бир-бирига ошно бўлмас-ку ахир.

ТЕМУР

Дўстлик деган қутлуг сўз бор дунёда.

БОЯЗИД

Афсус бу сўз холос.

ТЕМУР

Дўстлик риштаси

Туғиб турар ахир етти иқлимни.

БОЯЗИД

Бир-бирин бўғмоққа қулай пайт пойлар

Сен айтганинг етти иқлим шоҳлари.

ТЕМУР

Ўзга учун кафил бўла олмайман.

Аммо мен дўстликни ерга урмаймен.

БОЯЗИД

Ақалли ўзингга дўст бўлолдингми?

(Темур жим. Саҳна айланади.)

Кун айланар, тун айланар, минг айланар,

Инсон кезиб-кезиб гўрга жойланар.

Сўнги манзилига етгунча инсон,

Ҳиёнат қилади, дўстга, Оллоҳга.

Жазолаши мумкин дўст ҳам, Оллоҳ ҳам.

Энг буюк ҳиёнат жазосиз қолар

Инсон яшар экан ҳиёнат қилар.

Аввало ўзига, эътиқодига.

(Саҳна айланади)

ТЕМУР

Шармандалик бўлди, кўп турк қирилди.

Бир миллат бўлсагу бирлик бўлмаса.

Туркларнинг қошида гуноҳимиз кўп.

БОЯЗИД

Сен турклик нелигин билиб қолибсен,

Гуноҳинг кўп оғир, қон тўқдинг ахир.

ТЕМУР

Мен кўп афсусдамен, иним Боязид,

Бу қандай миллатки, фақат бир-бирин

Иллизини қирқар, изини қирқар.

Турк-туркни демаса, ини-инини,

Ёвга ўлжа бўлар бундай халқ мудом.

Ўтмиш китобларин варақлаб кўрсам,

Туркни ёт қиролмас, бир бирин қирар.

БОЯЗИД

Ҳа-а шуни яхши англасанг агар

Румга нечун найза кўтариб келдинг?

Қонхўрсен, ўз халқинг қонини ичдинг.

ТЕМУР

Боязидни озод қилинг кишандан.

(Боязидни қўлини озод қилишади)

БОЯЗИД

Ҳеч қачон эй, Темур еча олмайсен,

Юрагимга ўзинг солган кишанни.

ТЕМУР

Номангдан сачраган нафрат олови,

Мени банди қилди ғазаб ўтига.

БОЯЗИД

Кунботар кўлимга ўтай деганда

Турким қирқди менинг йўлимни, афсус.

ТЕМУР

Мен Чинга отланган чоғимда қайтдим,

Кунтуғарга ҳозир эга чиқардим.

Исломи ёярдим офтоб юртига.

БОЯЗИД

Овропани намоз ўқимоқ учун

Тиз чўқтирдим ахир. Аммо ўз турким,

Ўз жигарим менинг йўлимни ёпди.

Ўзи қирқди ҳатто ўз йўлини ҳам.

ТЕМУР

Сенга эрк бераман.

БОЯЗИД

Туғилибменки

Эрк йўли бек учун берқидир батамом.

ТЕМУР

Сендан сўровим бор, Боязид султон,

Сен томонга оғиб омад офтоби,

Ғолиб чиққанингга не қилар эдинг?

БОЯЗИД

Кўнглимга туғибдим бир ниятни мен,

Сени ўлдирмасдим, лек сени қамаб

Темир қафас ичра, бутун элларга

“Темур” деб кўрсатиб, мазах қилардим.

ТЕМУР

Ёмон ният чалар эгасин мудом,

Яхши ният фақат элтар муродга.

Мен сени гар енгсам озод қиламен

Дея ният қилдим, мақсадга етдим.

Фақат бир шартим бор, бобонгинг юрти

Гўзал Самарқандни зиёрат қилиб,

Ўтганлар руҳига оятлар ўқиб,

Кунтуғарда ининг не қилганини

Ўз кўзингла кўриб гувоҳ бўласен,
Турклар тиккалаган буюк бошкентни,
Сўнг ихтиёринга ўрду берамен,
Рум тахтига қайта ўтиражаксен.

БОЯЗИД

Тобутга ўтирмак мен учун афзал
Мен отланажакман очик мазорга.

ТЕМУР

Мен ваъда этдимку хурриятингни.

БОЯЗИД

Инсон зоти фақат гўрда хур бўлар,
Бу хўрликни ҳеч ким ололмас тортиб.

ТЕМУР

Дўстим, иним, ҳали ўлимга эрта
Ислом байрогини ҳали дунёга
Тикиб улгурмадик.

БОЯЗИД

Туғни томга эмас, жонга тикиш фарз.

ТЕМУР

Иним, дунё ҳали гафлат пинжида
Оёғи етмаса ислом лашкарин,
Динни ёйиб бўлмас, дил қопқаси берк.

БОЯЗИД

Калима келтирган мусулмонлар ҳам
Ҳамон жаҳолатга асирдирлар, бил.
Тилида оллоҳ деб, дилида зулмат
Макон топса ҳали мусулмон эмас.

ТЕМУР

Диндан чиққанларни жазолаш даркор.

БОЯЗИД

Мен диндан чиқдим деб сенга айтарму?
Яхши англамаймиз бир-биримизни.
Яна расуллиқдан даъво қиламиз?

ТЕМУР

Нечун англамаймиз?

БОЯЗИД

Сен бугун голиб.

Мен бошдан тож тушган собиқ султонмен.

ТЕМУР

(Тожини ечиб курсига қўяди)

Тожу тахт бевафо аёлга ўхшар

Тож ҳаминша кишан эркин фикрга.

БОЯЗИД

(Бўшашиб)

Амир, изн бергил, ташқари чиқиб

Кўрай ботаётган қуёшни сўнг бор.

(Темур ва Боязид ташқарига чиқадилар)

(Мироншоҳ ва Шоҳруҳ кирадилар.)

(Мироншоҳ Темурнинг тожини бошига қияди)

ШОҲРУҲ

Оға, жойига қўй отамнинг тожин.

МИРОНШОҲ

Ўзи ялтироғу аммо вазндор,

Шундай оғир тожни бошига кийиб,

Яна жангга кирган отамга балли.

Тожни кийиб юриш ўзи маҳорат.

Мен ҳоқон бўлганда жанг-жадал қилмай,

Ўтирган бўлардим девон тўрида.

Ҳар бир мамлакатдан битта малика

Хизматимда бўлар эди доимо.

Зериккан чоғимда Овропа ёқдан
Келган элчиларни вайсатар эдим.

ШОҲРУҲ

Оға, жойига қўй отамнинг тожин.

МИРОНШОҲ

Бошимга мос келди. Отам ўтгач мен

Эга чиқажакмен бу олий тожга.

ШОҲРУҲ

Отамнинг ўлимин истайсан наҳот?

МИРОНШОҲ

Менку истамаймен, аммо ҳаётнинг

Ўз қонунлари бор. Ўлим ҳақ ахир.

Расуллилоҳимиз қайтганлар ҳатто,

Агар ҳукм сурган шоҳлар ўлмаса,

Ҳар одамга битта шоҳ бўлар эди.

Шоҳлар қасрлари қулаб тушмаса,

Майдон қолмас эди дон экиш учун.

ШОҲРУҲ

Ота тирик туриб тожни ўйламок

Саҳв бўлғай, оға.

МИРОНШОҲ

Сен ўйламайсанми?

ШОҲРУҲ

Йўк.

МИРОНШОҲ

Ундай бўлса воз кеч вазирлигиндан.

ШОҲРУҲ

Нега воз кечайин?

МИРОНШОҲ

Аслинга қайтдинг.

Қайси вазир орзу қилмас шоҳликни?

ШОҲРУҲ

Оға, жойига қўй отамнинг тожин.

(Шу пайт Темур ва Боязид кирадилар)

МИРОНШОҲ

Оғамиз Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо

Йўк энди. Тирилтиб бўлмас марҳумни.

Оллоҳ раҳматига қовушсин оғам.

Ахир Жаҳонгирдан кейинги ўғил...

ШОҲРУҲ

Хўш?

МИРОНШОҲ

Ким?

ШОҲРУҲ

Сен.

МИРОНШОҲ

Демак, ким тожга талабгор?

ШОҲРУҲ

Ахир отам тирик.

МИРОНШОҲ

Бир кун...

ШОҲРУҲ

Хўш бир кун...

МИРОНШОҲ

Бир куни Оллоҳнинг айтгани бўлар.

ШОҲРУҲ

Оллоҳ айтгани не?

МИРОНШОҲ

Оллоҳ айтгани

Ўлим. Ўлимдан бош тортиб бўлмас.
Ўлим қувиб борар шоҳ-гадони ҳам.
Вақт етса азроил жанг пайти тугул
Жон олади тахтда ўтирган маҳал.

ШОХРУҲ

Ҳой, жойига қўй отамнинг тожин.

МИРОНШОҲ

Менга насиб этгай бу муборак тож.

ШОХРУҲ

Йўқ!

(Иккови отасини кўриб қолади.

Тож қўлларидан тушади)

ТЕМУР

(Жаҳл билан)

Чекилингиз!

(Мироншоҳ ва Шохруҳ чиқадилар.)

БОЯЗИД

(Боязид тожни ердан олиб Темурга кийдиради.)

Нечун иним ортик оқариб кетдинг?

ТЕМУР

Хом сут эмган банда эканим билдим.

Бирлаштирмак учун бутун дунёни

Умр бўйи вақтим сарфлаб ўтдим

Бирлаштирмабмен ўғилларимни.

БОЯЗИД

Мен ҳамон афсусдамен, тож талашишган

Ўғилларинг кўриб, зил кетдим тамом.

Бу қандай қисматки шоҳ ўглин кўзи

Тожда бўлар фақат. Шу тилла кишан

Нечун ёв қилади ога-инини?

Менинг ўғилларим балки ўлимим

Қутмоқдалар. Даҳшат. Энг буюк жазо

Шоҳ учун ноқобил ўз фарзандлари.

Ётни қўятурғил, ўз ўглин тожни

Орзу қилар, бундай давлат йиқилар.

Нечун оқиб кетмас гувоҳ кўзларим,

Турон ўғилларин қилмишин кўриб.

Минг ташаккур мағлуб қилганинг учун,

Шаҳзода отасин ёғийси бўлса,

Ўзинг улғайтирган суюкли ўғлон

Ўлимнингни кутиб, кун, ой санаса.

Сенинг ўглинг учта, маним еттита.

Тождан айирганинг учун ташаккур.

Йўқса, етти ўғлон етти томонга

Тортиб йиртар эди Рум диёрини,

Тож йўқ энди менда, минг қатла шукур.

Бу машъум манзара такрорланмас-ку.

Ўғилларим билан, оҳ, субҳоноллоҳ.

Тожу-тохт фоҳиша аёлга ўхшар,

Ўзига ром қилар яхши-ёмонни.

Оёғи қалтираб турган кекса ҳам,

Мингиси келади сатанг аёлни.

Тахт вафо қилмайди эгасига ҳам,

Бу бузук аёлнинг устига чиқар

Сен тушган замони бошқа бир жазман.

Соҳта ишвасига ром бўлган ўғил

Ҳар кун туш кўради ёлғиз тож-тахтни.

Отани отиши мумкинди тахтдан

Фақат тожни кўзлаб улғайган фарзанд.

Отага хиёнат қилган ҳар кимса,

Ватанга хиёнат қилмоғи мумкин.

Чидаб бўлмас бундай шум манзарага.

(Боязид йиқилиб жон беради.)

ТЕМУР

Боязид.

(Қуръони Каримдан оятлар ўқилади.)

П А Р Д А

1403 йил, Самарқанд. Темурнинг саройи. Темур,
шаҳзодалар, сардорлар. Амирнинг хотинлари. Испания элчиси
Рюн Ганзалос де Клавихо, Англия элчиси ва бошқа юртлардан
келган элчилар. Базм. Туркча қўшиқ ва рақс ижро этидилар.

ТЕМУР

(Клавихога)

Испониёга ҳеч ўхшарми бу юрт?

КЛАВИХО

Мен Шарқни севаман, бундай озода,

Бундай тартибли жой йўқдир дунёда.

Одамлари хушфел, битта ўғри йўқ.

Агар юртингиздан андоза олса,

Овропа ҳам обод бўлади бир кун.

Менинг тилим лолдир, менда ҳайрат мўл,

Бундай мард улусни кўрмаганмен ҳеч.

ТЕМУР

Элчига ёпингиз Турон тўнидан.

КЛАВИХО

Қулик амир, менга руҳсат берингиз.

Испониёга бориб келишим лозим,

Жугрофиё ҳақда китоба битдим.

АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ

Буюк қирол Генрих тўртинчи сизга

Эхтиромлар айтди, инглиз бахтига

Яхшиям сиз борсиз, йўқса Боязид

Тажовуз кўзини тикканди бизга.

ТЕМУР

(хафа)

Буни қўяверинг. Шундай иш бўлган

Аммо элчиларга зўр сабоқ бўлсин.

Элчи гиж-гижловчи эмас, сулҳчидир,

Архиескоп Ионн қўйнимга кириб,

Мени Боязидга қарши қўйгани.

Уни ҳайдаганим Фарангистонга,

Барча элчи учун огоҳлантириш.

Элчининг хунари жосуслик эмас,

Дўстлик риштасини давлатлар аро

Мустаҳкам этмакдур, буни унутманг.

АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ

Дўстлик ишларини маҳкам боғламоқ

Муродида қирол Генрих Тўртинчи.

Икки қитъа аро яна бир қитъа

Турон! Офтоб соқчи сархатларида.

ТЕМУР

Осиё, Европа ўпишган ахир,

Машрик, Мағриб ернинг ўз болалари.

АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ

Англия ва Турон сулҳин тузайлик.

Элчихона очсак Самарқандда биз,

Сиз Лондонда, борди-келди қиламиз.

ТЕМУР

Жуда соз! Эзгулик туркнинг хунари,

Дўст ортса, ётади ҳавфу-хатарлар.

Англиядан келган азиз меҳмонга

Турк тўни ёпилсин.

АНГЛИЯ ЭЛЧИСИ

Куллуқ, куллуқ амирим.

(Суюрғол Англия элчисига тўн ёпади)

ОЛМОНИЯ ЭЛЧИСИ

Аҳднома келтирдим Олмониёдан

Савдо-сотик ҳақда. Танишинг, амир,

Туронда пахта-ю, пилла сифатли.

Олмонлар суяди шарқий либосни,

Олтин ҳисобида нархин тўлаймиз.

ТЕМУР

(Шартномани кўриб)

Мавороуннаҳрда юзлаб боғ очдик,

Пахта майдонларин кискарттирдик боз.

Ярмин биздан олинг, қолган ярмини

Мисрдан, у ерда ўғлим Мироншоҳ

Хукмронлик қилар. Мен мактуб биттум.

ОЛМОНИЁ ЭЛЧИСИ

Куллуқ, амир. Ахир аждоқларингиз-

Хунлар олмонларга хунар ўргатган.

Турклар ва олмонлар бўлса иттифок,

Беҳад шод бўлгайдир аждоқлар рухи.

ТЕМУР

Олмон мусофирга тўн ёп, Суюрғол.

(Суюрғол Олмониё элчисига тўн ёпади)

Сабоҳ хабар келди Венециёдан,

Қирол қазо қилди, кўп танти эди.

Насроний бўлса ҳам мусулмон каби

Эгулик дастини тутганди марҳум.

Элчи Родриг қани?

РОДРИГ

Бундаман, амир.

ТЕМУР

Мен етиб бормасдан вассаллик туғин

Кўтарган юрт бизнинг ҳимоямизда.

Сени қирол қилгум Венециёга.

(Ҳамма Родригни қутлашади)

Родринга қирол деб ёрлик берилсин.

(Улуғбек ва Ҳалил Султон чопиб қирадилар)

УЛУҒБЕК

Амирим!

ТЕМУР

Бобо деявергин. Тахтда амирмен.

УЛУҒБЕК

Бобожон савол бор. Лашкарингиз кўп

Ё осмонда юлдуз?

ТЕМУР

Сен не ўйлайсен?

УЛУҒБЕК

Менимча лашкардан юлдузлар кўпдур.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Само юлдуздан кўра лашкар кўп.

ТЕМУР

Иккинги ҳам ҳақсиз. Кўкда юлдуз кўп,

Ерда эса лашкар.

УЛУҒБЕК

Юлдуз чиройли.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Лашкарни суямен. Лашкар қувватли.

УЛУҒБЕК

Юлдуз эса ёруғ.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Кучли лашкар билан бутун ер юзин,

Ишғол қилмоқ мумкин.

УЛУҒБЕК

Юлдуз уйи-кўкдан жилмай туриб ҳам

Дунёни олар-ку.

ТЕМУР

Оббо, тирранча.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Лекин, юлдуз олис, лашкар-чи ерда.

ТЕМУР

Улуғбек, юлдузни суясанми?

УЛУҒБЕК

Ҳа!

ТЕМУР

Улуғбек, юлдузни кўп суясанми

Ё бобингни кўпроқ?

УЛУҒБЕК

Икковларингни.

ТЕМУР

Ҳов, муғомбир бола,

Юлдузларни сенга ҳаля этамен.

УЛУҒБЕК

Тонгда офтоб чиқса, уни мен Сизга

Ҳаля, этгум бобо.

ТЕМУР

Оббо, тирранча

Шоҳруҳ Мирзо, ўғлинг олим бўлажак.

(гапни буриб)

Қурилиш ишлари қандай бормоқда?

ШОҲРУҲ МИРЗО

Ясси шаҳрида Хўжа Аҳмаднинг

Мақбараси битди. Самарқандда ҳам

Боғи Чинор битди. Қуҳақ дарёси,

Жайхуну Сайхуннинг кўприклари

Битди, Амир. Яна Асхикенту

Хуқанд, Марғйилон, Қобилу Қарши,

Сабзаворда ишлар ортиқ кизиган.

Туроннинг энг буюк шаҳри Ҳирот ҳам,

Қундан-қун кўк қадар юксалиб борар.

Ҳиротда ўқилган азоннинг саси

Тутар Турон тугул бутун дунёни.

ТЕМУР

Жуда соз. Авлодга иншоот қолур,

Йиғирма етгита мамлакат бутун

Менинг измимдадур. Ҳар мамлакатда

Бино қолдирайлик келгуси авлод

Бузгунчи деб хотир этмасин токи.

Искандар Мақдуний дунёни олиб

Қўли очик кетган. Биттил, Қиссахон,

Шул Турон заминда фармону олий.

Неки бўлса давлат хазинасида

Аямай сарф этинг обидаларга.

Турклар қурувчи халқ, қирувчи эмас.

ЭШИК ОҒАСИ

Ироқ ҳокимининг онаизори

Қошингизга келган савдои бўлиб.

ОНА

Раҳмат сен кўприкни битказдинг, ҳокон,
Ўғлим, киш тушгунча Боғдод кўпригин
Битказмоқчи эди, мусулмонларга
Хажга бориш йўлин қисқартмоқчийди.
Боскинчи бўлсанг ҳам кўприкни курдинг.
(*деразадан қараб*)
Оҳ, кўприк қулади, узилди наҳот
Боғдоднинг умиди, нажот кўприги.
Хой, босқинчи ҳоқон менинг танамни
Шу буюк кўприкка синч қил сўраймен,
Бошимни пона қил кавакларига.
Макка зиёратин ихтиёр этган
Муслим оёғидан тортмагаймен ҳеч.
Ироқда қолмаса бошу таналар
Кўприк қурмоқ учун ўз навкарларинг
Қалласи бор ҳали, бекларинг баши
Кўприк бўлгусидир пишиқ ғўлали.
Сўнг кўприк битмаса хотининг-боланг
Қалласини олгин ўз қўлинг билан.
Кўприк қуриш керак, ҳажга оз қолди.
Шунча ўлик кўприк учун етмасми?
Ундай бўлса манов йиртқич қаллангни
Кесмоқ зарур, кўприк учун қизгонма.
(*Она хўйнидан ханжар олиб Темурга тақиланади. Темур қаршилик билдирмайди. Онанинг қўлини қайирган соқчилар Темурга юзланади.*)

ТЕМУР

Онани тинч кўйинг, гуноҳимиз кўп,
Она кўз ёшига биз арзимаймиз.
Онадан туғилар шоҳ ҳам, гадо ҳам,
Она кўкрагидан муборак сутни
Ичиб улғаяди ғўлақда исён.
Одамзоднинг олий, энг мухтарам
Ягона онадур, меҳр қасрининг
Одил ҳукмрони, илоҳаси у.
Ироқдан бир дона тошни олманг,
Курувчилар чорланг ҳар тўрт тарафдан.
Давлат ғазнасидан аяманг олтин.
Бир ҳафта ичида кўприкни қуринг.

ЭШИК ОҒАСИ

Хитой элчиси Шан Юан Тан-Кан.

ТЕМУР

Марҳамат.

(*Элчи Шан Юан Тан-Кан кириб таъзим қилади*)

Туронзамин буюк Амири ҳазрат
Темур Кўрагонга Чин ҳукмрони
Чжу Юанчжандан салом келтирдим.

ТЕМУР

Соғ бўлсин кадрли ЧЖУ Юаньчжан.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

(*Санам беради*)

Бу қутлуғ Санамни девонда асранг.

ТЕМУР

(*Санамни олиб*)

Бу сизнинг худонгиз?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Худонинг бути.

ТЕМУР

Бутга тавоф этиш дини исломда

Таъқиқ этилган.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Лек бу худо бути.

(*Шан Юан Тан-Кан бутни Темурнинг қўлидан олиб, девоннинг тўрига ўрнатади.*)

ТЕМУР

Ҳар худо ўзининг қавмида азиз,
Мусулмон юртида бут ва ҳайкалнинг
Туриши ҳақорат аҳли муслимга.
(*Темур имоси билан Сари Буга бутни олиб қўяди*)

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Чжу Юаньчжан Чиннинг буюги.
Сизга шундай амри фармон буюрди.
Темур

Тили иккитами Чжу Юаньчжаннинг?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Битта... аммо узун...

ТЕМУР

Юрт сарҳадидан

Чиқувчи тилни сал қисқартмоқ керак.
Исфаҳон пичоғини юборсақмикан?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Исфаҳон пичокдан кўпроқ юборинг
Чжу Юаньчжан суяр хирожни.
Манзурдир элчингиз келтирган хирож.
ТЕМУР

Сира хирож эмас, совғадур совға.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Чжу Юаньчжан яна айтдики,
Чинга бу йил пахта хирож юборинг.
ТЕМУР

Пахта?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Яна пилла. Пилла қуртлари
Совуқдан ўдилар оғзини очиб.
Ерга пахта экинг. Деҳқон оч қолса
Чиндан дон-дун, озик бериб тураминг.
ТЕМУР

Юртим сарҳадида бирор фуқаро
Ўзга элда битган бугдойни эмас.
Туронда битган дон, мева.чевадан
Томирига ўтар юртга муҳаббат.
Ўзга элнинг нони ўзига сийлов.
Бу шундай диёрки, ҳар қаричида
Экиб қўйса ҳатто олтин унади.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Чинга той беклари Чин ҳукмдорин
Сўзин ерда сира қолдирмаганлар
ТЕМУР

Яхши сўзга Турклар бошин эгарлар,
Билки ёмон сўзга ёмон тегарлар.
Нечун Чинда таъқиб остида муслим?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Чиннинг чин динидур бутпарастлик, шу.
ТЕМУР

Нечун ўзгартдилар Хонбалиқ номин?
ШАН ЮАН ТАН-КАН

Пекин Чинча номдур, Хонбалиқ туркча,
Юрт ҳокони чинлик, турк эмас ахир.

ТЕМУР

Хонбаликни турклар қурган, бу тарих.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Балки қурган, аммо, аждодларингиз
Хунлар чинлиларга кўп зуғим қилган.
Юртни кўримоққа босқинчилардан
Қурганмиз биз буюк Хитой деворин.

ТЕМУР

Мабодо бирор юрт газоват қилса,
Тўса олармикин Хитой девори?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Тўсажак. Ҳаттоки шимолдан эсган
Шамоллар ўтолмас.

ТЕМУР

Офтобчи, офтоб.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Офтоб ўз бобомиз. Минг йиллар бурун
Кўкка сизинганлар хитою турклар.
Машваратим шуки, юрт сарҳадида
Қурмоғингиз даркор Турон деворин.

ТЕМУР

Турон шундай буюк бир мамлакатки
Уч қитъа жойлашган сарҳадларида.
Минг йиллар етмагай девор қурмоққа.
Аммо биз қурганмиз ишонч деворин.
Чегарамиз очиқ, кирмоғи мумкин,
Дўсту душман, ҳатто қумурскалар ҳам.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Чжу Юаньчжан буюк ҳукмдор
Ахднома юборди, имзоланг бунин.
Ҳеч қайси давлатга пахта сотмайсиз,
Пилла-тилла уни бизга юборинг.

ТЕМУР

Илон керакмасму?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Илон, ох, илон

Илон энг суюкли таомнимиздур,
Пахта эвазига қурол берамиз.

ТЕМУР

Хитойча илтифот учун ташаккур.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Ҳимоя этамиз агар Туронга,
Хужум қилиб қолса бирорта давлат.

ТЕМУР

Ҳимоячимиз йўқ Оллоҳдан бўлак,
Ҳимоячи бўлмас сичқон арслонга,
Олтита Хитойдан улқандир Турон,
Ўз-ўзин ҳимоя этсин чинликлар.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Сизга чин қизлари ипақдан тиккан
Зарбоф тўн, бу эса етти иклимининг,
Гўзал маликаси Бибиҳонимга
Чжу Юаньчжан шахсий совғаси-
Хитойда урф бўлган ялтироқ нимча.

ТЕМУР

Ташаккур.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Хитойнинг буюк ҳокони

Чжу Юаньчжан буюрди бу йил

Пахта хироҷ беринг мингта туяда.

ТЕМУР

Отинг нима сенинг?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Шан Юан Тан-Кан.

Темур

Сен, Шан Юан Тан-Кан доно экансан.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Мен. Шан Юан Тан-Кан ҳам доно, ҳам элчи.

ТЕМУР

Эй, доно Шан Юан Тан Кан хом.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Хом эмас, Шан Юан Тан-Кан

ТЕМУР

Ҳоконингнинг оти нимаиди?

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Чжу Юаньчжан...

ТЕМУР

Донолар доноси Чжу Юаньчжан,
Ҳоконингга айттил, мен Амир Темур
Ўзим элтажакмен унга хироҷни.

ШАН ЮАН ТАН-КАН

Куллуқ, амир...

(Элчи чиқади)

ТЕМУР

Машваратга чорланг, ногора чалинг,
Ғазоват жангига шай бўлсин аскар.
Мужоҳидлар чиксин буюк жиҳодга.
Юриш қилажакмиз Хитой юртига.

Ўтпор. Яна биринчи саҳна.

Ҳамма ёқ қор. ТЕМУР ва ЗИНДОНИЙ

ШОХРУҲ

(кириб)

Вақт ўтгани сайин қор кучаймакда,
Қор остида қолди бир неча тулпор.
Агар яна бир кун тинмай қор ёғса
Қор тагида қолар қароргоҳимиз.

ТЕМУР

Додинг Оллоҳга айт. Мен ерда амир,
Кўк учун фармоним бир чақага тенг.
Орамиз бузилиб қолди кўк билан.
Бошимга ҳамиша нур сочгувчийди.
Мен кўкка хиёнат қилганим йўғу.
Юзимга урар қор, ёмғир қамчисин.

(Шоҳруҳ чиқади.)

ЗИНДОНИЙ

Кўк-онанинг қаҳри ошган чиндан ҳам,
Аммо у ягона меҳр бобида.
Оналар кўнгли бўш, иншооллоҳки
Сулҳ нурларини сочгай у шояд.

ТЕМУР

Кўк мандан бутунлай юз ўгиргандир,
Неча ой бойлайди ахир йўлимни.
Лашкар ўралгандир қор тушовида.

ЗИНДОНИЙ

Инимдай қараймен ҳар тош, дарахтга.
Огадек боқамен ҳар тош, дарахтга.
Огадек боқамен ҳар бир гиёҳга.
Дарвешларнинг уин шу буюк замин,

Шу баланд осмондур бу уйнинг шифти.
Учраган ҳар бир тош бошимда ёстик
Кундузи кун дасти тўн бўлур менга,
Тунда ой, юлдузнинг нурун ёпиниб,
Ширин тушлар кўриб ухлайман доим.

ТЕМУР

Ҳавасим келади сенга Зиндоний,
Эгнинг юпун, аммо энг бадавлатсен.
Тошлар сенинг тахтинг, тахт талашмайсан,
Бу ёруғ дунёнинг бахтли кишиси.
Тила тилагингни, бажо этамен,
Ё ҳоким қилайин бирор шаҳарга?

ЗИНДОНИЙ

Дарвешга ҳокимлик, рутба керакмас,
Дарвешлар дунёнинг бахтиёрлари.
Кун чиқса қувонар, ботса ҳам хурсанд,
Бировнинг молига кўзин олайтмас,
Уларнинг бойлиги ютгани-нафас.

ТЕМУР

Қариндош эканмиз, кўнгил бобида,
Мен-да бойлик, олтин йиғмаганмен ҳеч.
Нима топсам шунини элга сочамен,
Дунё бир шудгордур, мен эса деҳқон.
Лекин оғоч эмас, ерга фарқ шуки
Ўтқазиб чиқамен минораларни.
Кўксаройдан туриб Оксарой томон
Қараган чоғимда ҳар гал яйрайман.
Тахт майиб қилади жоҳил бўлса шоҳ,
Элнинг назаридан тушса ҳукмрон,
Қор қилмас қиличу қамчи ўйнатиш.
Одил бўлса подшоҳ, ҳар бир фуқаро
Уни дуо қилар беш вақт намозда.
Юртни жаҳолатмас, адолат тутар,
Мени халқ дуоси жаҳонгир қилди.
Парча-парча эди буюк мамлакат.
Халқ оч эди, ортиқ ноилж эди.
Талончилик эди касби ёғийнинг.
Мен юртни тикладим, туркни тикладим.
(*Темур жимиб қолади. Шоҳруҳ унга сув беради. Темур ҳолсизланиб ўзини ташлайди.*)

ШОХРУҲ

Ота, не бўлди?

ТЕМУР

(*кутилмаганда дадиллашиб*)
Ер юзида емакка
Илк бора туз солғон турк.
Кўкни чорлаб кўмакка,
Юксакка кўз солғон турк.
Эллар ёғин-сочинда
Қишда аччиқ ўй сургон.
Турк миллати очунда
Биринчи бор уй қургон.
Турк илк бор харобала
Аробани кашф этган.
Ҳанд, Эрон, Овропада
Ҳокон танлаб, бош этган.

Турк элин тиклаганмен,
Тилимни турклаганмен.
Туронни харитада
Ерлаган, кўклаганмен.
Танам, онам Туроним,
Тилинмасин турк юртдан.
Турон бўлинган они
Бурда-бурладур мурдам.
(*Темур жимиб қолади. Саҳнанинг нариги чеккасида Саид Барака сиймоси пайдо бўлади.*)

КУНЧА ЎҒЛОН

Амирим, қор тинди, қуёш кўринди.
Кўклагини булутлар йўқолди тамоғ.
Амирим, чарақлаб бормоқда осмон.

ТЕМУР

(*Бирдан ўрнидан туриб*)
Турон йўли осмонга туташ,
Турон йўли жаҳонга туташ.
Суюкли бекларим, кўркли туркларим,
Ўғилларим яна орқадосларим.
Турон фарзандлари, сўзимни тингланг,
Сизу мендан улуғ, қутлуғ бир ҳилқат
Турондур, беш минг йил кўкси осмондур.
Сиз жонни ўйламанг, Туронни ўйланг.
Имконни қўймангиз, иймонни бўйланг.
Мендан сўнг Туронга Жаҳонгир ўғли
Пир Муҳаммад Мирзо ҳокон ўлажак.
Набирамни суйинг, асранг, шай бўлинг.
Энди валиаҳдга кўзим олдида
Итоат омини ўқинг, онг ичинг.

ҲАММА

Омин!

ТЕМУР

Ло илоху иллоллох.

ҲАММА

Ло илоху иллоллоху Муҳаммадан Расулиллох.
(*Темур жон беради. Темурнинг жасади устига Турон ялови ёпилади.*)

ШОХРУҲ

Ота, Ота.

ЗИНДОНИЙ

Буюк одам эди, фидойи эди.
Унинг ҳар қадами самовий эди.
Меҳрибони эди етим-есирнинг.
Кўзин очгувчиди кўрнинг-басирнинг.
Отаси эди у Туронзаминнинг
Каттаси эди у дунё азимнинг.
Силагувчи эди эл пешонасин.
Қитъаларга ёйди азоннинг сасин.
Жаҳонгир эди у эшик очгувчи,
Шоҳ, фуқарога тенг нурун сочгувчи...
Қуёш ининг ўлди, сен ҳам мотам қил,
Туроннинг офтоби ботди бемаҳал.

П А Р Д А



ҒАЗЗОЛИЙ

ДАҚОЙИҚ УЛ-АХБОР

Баъзиларнинг наздарида жон тамоми баданда бўлурки, одамнинг ҳеч узви жонсиз бўлмас. Далиллари шулки, қавли Аллоҳ таоло - ҚУЛ ЙУХЙИХА-Л-ЛАЗИЙ АНШААҲА АВВАЛА МАРРОТИН28, яъни, Худойи таоло айдики: “Эй Муҳаммад, бул ўликнинг устухонини аввал мартабада яротқон холиқи тирилтирур деб жавоб беринг”. Бул оятдин маълум бўлурки, жон тамом баданда бўлур, чунки, аввал мартабада яратилғон одамнинг тамом бадани жонлик эрди. Ани Худойи таоло тирилтурғонда тамом баданига жон берса керак.

Аммо, ҳукамолар айтурларки, одамнинг сочида ва устухонида жон бўлмас. Мундин ўзга аъзоларининг ҳаммасида жон бўлур.

Аммо, баъзи жойда жон бўлмас деган қавл хатодур, далиллари ҳам ботилдур, чунки, чифқон чиққон жойдин агар бир дона куйдурги чиқса, ўлдурмоққа кифоя қилур. Куйдурги чиққан жойдин чифқон чиқса ўлдурмас. Бас, агар ўлмоқнинг сабаби жонлик жойга жароҳат чиқмоқ бўлса эди, албатта ул жойга чифқон чиққонда ҳам ўлдурур эрди. Ваҳоланки, чифқондин ҳеч ким ўлган эмас.

Одамнинг тамом баданида жон бор деган қавл ҳам ботилдур. Далил қилғон оятларининг ҳам таъвили бордурки, аввалги мартабада яратилғондин мурод анинг гўшти ва тамурларидур. Чунки, агар бир киши эгов бирла ё бир беозор асбоб бирла тишининг нисфини олиб ташласа тишига алам пайдо бўлмас. Агар озорлик асбоб бирла зарб еткурса, тишининг тагидаги гўшт ва тамурига алам пайдо бўлур. Аммо устухоннинг ҳаракати тамур ва пайларнинг қуввати бирладурки, аъзони кўтариб барпо қилиб турғон сугундур. Инчунун, жоннинг ҳақиқатида ҳам ихтилоф бордур. Баъзилар айтубдирларки, жон деб Худойи таолонинг жасадга берган қувватини айтурмизки, ул қувватнинг номини арабда руҳ ҳам дерлар ва равон ҳам дерлар. Руҳ бирла равон ҳар иккиси бир маънидадур.

Баъзилар айтибдурларки, руҳ деб жасаднинг ичида юрган бодни айтурмиз. Равон деб руҳдин ҳосил бўлғон қувватни айтурмизки, анинг турадурғон жойи икки қошнинг аросидур. Бас, агар кишининг руҳи жасадидин чиқса, ул киши ўлур, агар равон чиқса ухлар.

Ҳукамолар айтурларки, руҳ уч навъдур. Анинг бири фақат Худойи таолонинг амридур. Махлуқнинг жасадини яратқондин сўнгра, турғил деб амр қилур, ул жасад дарҳол ҳаракатга келар. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, ЙАСЪАЛУНАКА АНИР-РУҲИ ҚУЛИР-РУҲУ МИН АМРИ РОББИЙ 29 ушбу маънига далилдур. Иккинчиси шулки, махлуқнинг баданига онадин туғулмасдин илгари Худойи таоло бир ҳарорат бергандурки, анинг таҳсиридин ул кишининг димоғига бир қувват ҳосил бўлғондур. Андин тамур ва пайлар баҳра олиб, тамом баданни тарбият қилурлар.

Ул қувватнинг номини руҳи нафсоний дерлар. Учунчиси шулки, яхши лаззатлик таомлардин одамнинг дили ҳаловат топиб, баҳра олғон сабабларидин дилларида бир қувват ҳосил бўлурки, анинг номини руҳи ҳайвоний дерлар. Бул икки қувват ҳаминша баданни тарбият қилиб турар. Вақти-ки, руҳи нафсоний чарчаб, баданнинг тарбиятидин ожиз бўлса, руҳи ҳайвоний ҳам почор бадандин чиқиб кетар. Ушбу ҳол уйқудур. Агар руҳи нафсоний ҳам бадандин чиқса, ул ҳолда анинг номи ўлук бўлур. Ухлағонда руҳи ҳайвоний чиқиб ҳар жойга борса ва ҳар нимарса кўрса, уйқудин турғон вақтда ҳам ани фаҳмлаб турарки, анинг номи туш кўрмоқдур.

Баъзи улomalар айтибдурларки, агар одам ухласа, анинг руҳи мурунидин чиқиб, осмон тарафига равон бўлуб, олами малакутга борур.

Баъзилар савол қилибдурларки, агар мўъмин баданнинг руҳи осмон тарафига равон бўлса, кофирларнинг руҳи қаён борур? Анго жавоб берибдурларки, кофирнинг руҳи ҳам осмонга равон бўлур. Лекин, ани шайтонлар манъ қилиб олиб қолурлар. Ул кофир то уйқудин бедор ўлгунча анинг руҳи шайтонлар бирла юрар. Бинобарин, аларнинг тушлари таъбирга мувофиқ келмаски, ҳаммаси шайтонийдур.

Баъзилар савол қилибдурларки, агар руҳ жасаддин чиқса эрди, жасад ҳаргиз нафас ололмас эрди. Ваҳоланки, ухлаган киши нафас олиб турар. Анго баъзилар жавоб берибдурларки, нафас олмоқ ҳаётликнинг ва нафснинг хизматидур. Руҳ кетган вақтда ҳам ҳаётлик ва нафс боқийдур, бинобарин, ухлагон киши нафас олиб турар. Чунончи, Абдуллоҳ ибн Аббос розийоллоҳу таоло анҳу ривоят қилибдурларки, тўрт тоифа махлуқда руҳ бўлур. Булар - одам, жин, фаришта ва шайтондур. Булардин ўзга махлуқнинг руҳи бўлмас, балки, ҳаётлик бирла ҳаракат қилурлар.

Аммо, ҳукамо бу ривоятни қабул қилмаслар. Чунки, агар руҳи бўлмағон вақтда ҳам ҳаётлик ҳаркатта сабаб бўлса эрди, ухлагон кишиларда ҳам ҳаётлик боқий бўлғон сабабидин алар ҳам ҳаракатдин қолмас эрдилар. Ваҳоланки, ухлагон киши ҳаракатдин ожиз бўлур. Иккинчи далил шулки, агар одам ухлағонда руҳи кетиб ёлғуз ҳаётликнинг ўзи анинг нафасига сабаб бўлса, бошқа ҳайвонларда руҳ бўлмай, ёлғуз ҳаётликнинг сабабидин ҳаракат қилсалар, алар ухлагонларида жасаддин нима кетар экан? Агар ҳаётлик кетса ўлсалар керак. Ваҳоланки, бул фаҳм ботилдур, балки, ҳамма махлуқнинг руҳи бордур. Лекин, ухлагон вақтда дилдаги руҳи ҳайвоний кетар, аммо, димоғдаги руҳи нафсоний боқий бўлғон сабабдин нафас ҳам боқий бўлур. Учунчи далил шулки, то руҳ бўлмаса ҳаётлик мумкин эмас. Зероки, ҳаётлик деб руҳнинг жасадда туруб тарбият қилиб турғон ҳолини айтарлар.

Муҳаммад ибн Термизий ҳам ривоят қилибдурларки, рух икки навъ бўлур. Бири ҳаётликка сабаб бўлур ва бири ҳаракатга сабаб бўлур. Бас, агар одам ухласа, ҳаракатга сабаб бўлгон рух чиқиб кетадур, лекин ҳаётликка сабаб ўлгон рух жасада турар. Бинобарин, ул киши ўлмай нафас олиб турар. Аммо, одам ўлгондин сўнгра анинг жони қайси жойда турмоғида ҳам ихтилоф бордур.

Баъзи уламо айтибдурларки, одам ўлгондин сўнгра жони ғориб Исрофил алайҳиссаломнинг сурларида турарки, ул сурнинг ҳаммаси тешик ва ковақдур. Ул ковақларнинг адади Худойи таоло ҳазрат Одам алайҳиссаломни яратқонидин то қиёматгача яратадургон махлуқларининг ададиға баробардур. Ҳар бир махлуқнинг руҳи бориб бир ковақга кириб турар. Бас, агар мўъмин бўлса, ул жойда Худойи таолонинг карамидин неъмат топиб турар ва агар кофир бўлса азоб топиб турар.

Баъзилар ривоят қилибдурларки, Худойи таоло жаннатда бир неча қуш яраттики, ҳаммасининг ранги кўкдур, дўзахда бир неча қуш яраттики, ҳаммасининг ранги қорадур. Бул қушларнинг адади ҳазрат Одамдин то қиёматгача дунёга келадургон одамларнинг ададиға баробардур. Лекин, аларнинг жонлари йўқдур. Агар мўъмин киши ўлса, анинг жони жаннатга бориб, ўшал кўк қушлардин бирининг жасадиға кириб, жаннатда парвоз қилиб ўйнаб юрар. Агар кофир киши ўлса, анинг жони дўзахга бориб, ўшал қаро қушнинг жасадиға кириб, азобда ётур.

Баъзилар ривоят қилибдурларки, агар мўъмин киши ўлса, анинг жонини раҳмат фаришталари осмон тарафиға эъзозу икром бирла олиб чиқарлар. Бас, Худойи таоло тарафидин бир нидо келурки: “Эй фаришталар, бул банданинг мартабасини Иллийнға ёзинлар ва ўзини ер юзиға қайтариб олиб тушинлар”. Андин сўнгра фаришталар қайтариб жасадиға олиб келиб қўярлар ва гўридин жаннат тарафиға эшик очарлар. Ул банда то қиёматгача гўрида туруб ўзининг жаннатга боргонда турадургон маконини тамошо қилиб ётур. Агар кофир киши ўлса, анинг жонини азоб фаришталари олиб осмон тарафиға чиқарлар, осмоннинг ҳамма эшиклари бекилур ва нидо келурки: “Эй фаришталар, бул бадбахтни осмонга олиб чиқманлар, ер юзиға қайтаринлар”. Андин сўнгра фаришталар ани гўриға олиб тушиб жасадиға қўйиб, гўридин дузах тарафиға эшик очиб қўярлар. Ул кофир то қиёматгача дўзахдаги ўзининг турадургон маконини кўруб, ғамгин бўлуб ётур.

Ушбу мазмунга пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадислари ҳам далилдурки, айдилар: “Агар мазорнинг устидин юрсангизлар, кафшларингизнинг наълидин чиққан овозни мурдалар эшитурлар, лекин, сизларға сўзламоқға ожиздурлар, чунки, аларнинг жонлари ҳам гўрларидадур”.

Баъзи уламолар айтибдурларки, жамиъ пайғамбар алайҳимуссаломларнинг жонлари жаннати Аднда бўлгойлар. Гоҳо қабрлариға келиб, жасадлариға унс олиб улфат бўлуб юрарлар ва доим Худойи таолага сажда қилиб ётурлар. Шаҳидларнинг руҳлари жаннатул-фирдавсда бўлурларки, ул жаннатда бир неча кўк рангли қушлар бордур. Шаҳидларнинг жонлари ўшал қушларнинг жасадиға кириб учуб юрарлар. Гоҳо аршга осилиб турган қандилға келиб қўнарлар. Мусулмонларнинг гўдак фарзандларининг жонлари жаннат чумчуқларнинг жасадлариға кириб, Мушк тоғининг

атрофида учиб юрарлар. Аммо, мушрик, мунофиқ ва кофирларнинг гўдак фарзандларининг жонлари жаннатга киролмаслар. То қиёматгача жаннатнинг атрофида айланиб юрарлар. Қиёмат бўлгондин сўнгра аларнинг жонлари мусулмон гўдақларнинг жонлариға хизматкор бўлурлар.

Қарздор ва зolim мўъминларнинг жонлари то қарзлари адо бўлуб, зулимлари соқит бўлгунча жаннатга ҳам, осмонга ҳам етолмаслар. Балки, осмон бирла ернинг миёнасида муаллақ турарлар. Аммо фосиқ ва гуноҳкор мусулмонларнинг жонлари гўрларида жасадлари бирла азоб тортиб ётурлар.

Кофир ва мунофиқларнинг жонлари жаҳаннам ичида Сижжийн номлик жойда ҳамиша абадул-абад ётурлар.

Баъзи уламолар айтибдурларки, жон бир жисми латифдурки, камоли латифлигининг кўзга кўрунмас. Бул важҳдин Худойи таолони жонлик деб бўлмас. Чунки, жон ҳам жисмдур, Худойи таолода жисм йўқдур. Яна, жон жасадиға кириб турар, Худойи таолода жасад бўлмас.

Ривоят қилинибдурки, пайғамбар алайҳиссаломнинг хузурлариға яхудийлар келиб Рухдин ва Асҳоби қаҳфдин ва Зулқарнайндин савол қилдилар. Бас, жавобиға аларнинг шаънларида “Сураи Қаҳф” позил бўлди ва руҳдин савол қилгонларида ЙАСАЪАЛУНАКА АНИР-РУҲИ ҚУЛИР-РУҲУ МИН АМРИ РОББИЙ ояти нозил бўлди. Яъни, Худойи таоло “Ё Муҳаммад, рух Худонинг амри деб жавоб бергил”-деди. Бу амрнинг маънисига уламолар ихтилоф қилгондурлар. Бас, баъзиларнинг наздларида МИН АМРИ РОББИЙнинг маъниси шулки, руҳнинг ҳақиқатини билмоқ Худонинг ишидур, банданинг илми анга кифоя қилмас демакдур. Баъзилар айтибдурларки, МИН АМРИ РОББИЙнинг маъниси шулки, жон махлуқ эмасдур, балки, Худонинг амридур. Худонинг амри - Худонинг каломидур. Бул қавл хатодур. Зероки, Худонинг каломи жон бўлмас, балки анинг мазмунининг қабули жондур. Баъзиларнинг наздларида жоннинг маъниси Худойи таолонинг “КУН!” деган амри бирла ашёларни пайдо қилмоғидур. Бул қавл ҳам равшан эмасдур. Чунки, Худойи таоло тоғларни ва тошларни ва дарахтларни ва мундун ўзга мавжудотларни ҳаммасини “КУН” деган амри бирла пайдо қилдики, аларнинг ҳеч бирида жон йўқдур. Бас, маълум бўлдики, “КУН” деб пайдо қилмоғи мутлақо жон эмас, балки, мавжуд қилмоқда Худойининг иродаси ҳаракат бирла вужудга келтирмоқда бўлуб, қилгон амрининг қабули жондур. Сокин бўлиғини ирода қилиб қилгон амрининг қабули ўлумдур.

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

28. (Эй Муҳаммад), айтинг: “у (чириган суяк) ларни дастлаб (бир томчи сув) дан пайдо қилган зотнинг ўзи қайта тирилтирур (36-79).

29. (Эй Муҳаммад), сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Рух ёлғиз парвардигорим биладиган ишлардандур”. (17-85).

Давоми келгуси сонда.



ЮРАК ШАКЛИДАГИ ДАРД

(Шоир Азим СУЮН ижодига бир назар)

Хозирги замон ўзбек адабиёти-да ўз сози ва овозига эга бўлган шоир Азим Суюн ижодига халқчиллик, халқона оҳанглар поэтикаси хос. У ҳамиша илдизи минг йилларга бориб тақаладиган ва ҳеч қачон оҳори тўқилмайдиган халқ оғзаки ижоди бойликларидан моҳирона фойдаланиб келди.

Танлаган услубига содиқ қолган шоир халқчилликни кенг миқёсда тушунади, кўҳна маънавий бойликларга бутунги кун эҳтиёжи билан назар солади, тарих ва хотира замиридаги ижтимоий уйғунликдан эртанинг орзуларини кидиради. Азим Суюн яратган лирик қаҳрамон - "Мен" ўз дунёқарашига, ўз фикрлаш тарзига, ўз кураш йўлига эга бўлиб, у тақдирини элу юрт тақдиридан айри тасаввур қилолмайди. У ҳамиша қишлоғига, киндик қони томган тупроғига талпиниб яшайди, унинг назарида, поёнсиз Ватани кичкина қишлоғидан, шу қишлоғидаги мўжаз қулбаси остонасидан бошланади. Ватаннинг ҳар қарич ери, зилол сувли булоқлари, дов-дарахтлари, сокин ўрмонлари, ҳатто куз палласида далалар узра ялтираб учган мезон иплагригача унга шу қадар қадрдонки, улар учун азиз жонини беришга ҳам тайёр!

Шоир мавзунини мозийдан танлайдими ёки шу кунининг манзаралариданми, ҳар қандай ҳолатда ҳам ижодий канцепциясининг бош йўналиши - инсон маънавий қиёфасини бор мураккаблигича кўрсатишга, тангри-нинг бебаҳо немаъти саналмиш озодликни маҳв этган ҳам, сўнг унга эришиш учун чексиз доғу аламлар чеккан ҳам, умуман, жамики яхшиликларнинг ҳам, жамики ёзувликларнинг ҳам яратувчиси бандасининг ўзи эканлигини очиб беришга интилади.

Шу маънода шоир хотира фожеасини давр фожеаси сифатида тақдим этади, инсон тарихи, ўзлиги, қуфати, яхшиликларидан ажралиб яшол-

магани сингари тақдирнинг номаълум қатламларида қолиб кетган хотирасидан айри яшолмасилигини фалсафий умумлашмалар орқали тасвирлайди. Хотира - кечмиш ва тақдир кўзгуси. Гуноҳкорлар ҳам, бегуноҳлар ҳам унга сажда қилмоғи лозим. Шоир "мен"и "Қурбонлар" шеърида мана шу икки оқим ўртасида туриб ҳакамлик қилади. Лирик қаҳрамон қатагон кунлари чекаётган изтироб беихтиёр сизининг ҳам қалбингизга ўтади, чангаллари қон Азроил қиёфасида энг бегуноҳ истеъдодли ўғлонларимиз жонига чанг солган жаҳолатнинг ёвуз башараси кўз ўнгимизда гавдаланади:

*Бўгилди ҳақиқат,
бўгизланди эрк,
Азроил солланиб
ташлайди қадам.
Қодирий устида
мана, қотди тек,
Чинқариб юборди
тош қотган олам!*

Азим Суюн "Унутилган тиллар" шеърида хотира фожеасининг туб илдизларига тагин ҳам зийракроқ нигоҳ билан қарашга, кечмишда рўй берган маънавий йўқотишлар ўша давр эмас, бугунги кун, ҳатто келажакка ҳам дахлдорлигидан огоҳ этган. Шеърни ўқирканмиз, тарих қиёфаси турли-туман эврилишлар, лоқайдлик келтириб чиқарган мудҳиш хатолар илму маърифатнинг жаҳолатга қурбон бўлиши каби ҳоллар билан белгиланиши хаёлимиздан кечади. Унутилган тиллар тарих-хотиранинг аянчли йўқотишлари... Қанча кўп изсиз кетган тиллар: шумер, сўғд, юнон, аққад, бобил, кушон, миср, санскрит, кхмер... Тарихнинг бу фожеаси ўша халқлар фожеасига айланган, шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон уларнинг ўзларини эътиқодсизлик ва лоқайдликда айблайди:

*Ким эрур гуноҳкор? Йўқ, йўқ, сиз эмас,
Рости, халқингизнинг гуноҳкор ўзи.*

Юлдуз эди кўзи, тиг эди сўзи...

Пайтида... ўйламоқ керак эди, бас,

Пайтида муқаддас тақдирингизни!

Она тилидан ажралиш одамзод учун энг катта фожеа, буни лирик қаҳрамон ўз руҳий кечинмаларига қориштириб юборади-да, сабоқ бўладиган хулоса чиқаради:

Унутилган тиллар! Хей, сўник тиллар!

Она тилим ўлса - халқим ўлгани!

Азим Суюн фақат шеърларида эмас, дostonларида ҳам халқ ижоди анъаналарига содиқ қолди, қаламини тарих бағридан узиб олмаган ҳолда, аксинча, мозий оламига яқинроқ бўлиб, замон садоларига ҳамоҳанг бонг урди, инсон қалбининг нозик тебранишларини ўтли сатрлар, рангин бўёқлар орқали ифодалади.

Мозийнинг қонли кўзёшлари қаламини титратган бўлса, унинг сатрларига алам, нафрат, қаҳр, фиғон бўлиб ёғилган бўлса не ажаб. Шоир ижодкор тасаввури билан қадимий диёрини кезаркан, араб босқини, юнон ва эрон, мўғил ва чор тузуми тажовузкорлигидан ваҳшатга тушади, халқининг саркашлигини ҳис этади, лекин шундай фидойи халқ душмани қошида мағлублигидан ҳайратланиб, қайғу ва жонини сақлаб қолиш эвазига эрк йўлида чекади! Маълумки, садокат билан хиёнат ўту сувдай гап, улар ўртасидаги зиддиятлар аёвсиз, бу ҳол шоирга тинчлик бермаган, хусусан, у тарихда сарбадорлар ҳаракати деб ном олган ҳаракат замиридаги исёнкорлик ва эркака ташналик ҳиссини илгаркан, голиб келган, адолатни маҳв этишга чоғлаган қора кучлардаги гаразгўйликни фаҳмларкан, охир-оқибат қон билан бўялган бу фожеани дилидан бепарво кечириши мумкин эмасди. Қонга бўялган фожеа! Унинг

хар бир зарби, хар бир оғриги шоир маънавий дунёсини бутунлай забт этиб олади, шоир ўша даврга - 1365-1366 йилларга, Мовароуннахр маркази саналмиш Самарқандга қайтади, имонлари, садоқатлари, тантиликларини чингизийларнинг ёвузликларига қарши қўйган Сарбадорлар орасида яшай бошлайди. Шу аснода "Сарбадорлар" драматик достони туғилди.

Азим Суюн достонида қаҳрамонлар характерини яратишда ҳам, улар руҳий дунёсини талкин қилишда ҳам, воқеаларни ривожлантиришда ҳам ўзига хос йўлдан борган. Асардаги энг муҳим нукта - жаҳонгир Амир Темурнинг сарбадорларга муносабатини очишга Азим Суюн белгиланган поэтик концепция ҳисобланади. Тоғу тахт учун даъвогар Амир Хусайн ватан фидойиларини ўлимга буюрганида Амир Темир уларга ёрдам қўлини чўзолмай ночор қолганини шоир руҳий-драматик ҳолатларда ишонарли тасвирлайди.

Азим Суюн халқ ҳар қанча кудратли ва жасур бўлмасин, агар бирлашмаса, эркидан, тупроғидан ажралиб қолаверишини, эртасини қора булутлар қамраб олишини мўғулнинг сўнгги ҳокони, босқинчи Илёсхўжа тилида қуйидагича ифодалайди:

*Қумурсқа бирлашса бирлашар, лекин
Бу эл бирлашолмас - унутма буни!*

Айтиш мумкинки, "Сарбадорлар" тарихий-драматик достонидаги кучли драматизм, фожиавийлик манзаралари, воқеалар шиддати руҳий оғриқ, зўриқишлар, таранглик билан уйғун ҳолда поэтик тасвирнинг бош мезонига айланиши тинимсиз изланишлар маҳсулидир. Адабий-маърифий фазилатлари билан "Сарбадорлар" дostonчилигимизнинг кейинги йиллардаги ажойиб ютуқларидан биридир.

Оламда шоирлар кўп, агарда улар ҳаммалари бир-бирларига ўхшаб, бир хил оҳангда ёзишса, уларни ҳаётнинг ўзи инкор этган бўларди, бадий ижод маънавий дунёмиз ва ижтимоий-маданий турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолмасди. Мустақиллик истездодга хос экан, бу хусусият истездод соҳибига шаксиз кўнади, лекин ўзга истездодларни рад

этиш уларга дахлдор ижод моҳияти ва жозибасини инкор қилиш дегани эмас. Моҳиятан шеърият ва насрдаги ривожланиш ўзаро "инкор" самарасидир. Масалан, 60-70 йиллар поэзияси шахсга сиғиниш даври поэзиясини ҳам услуб, ҳам шакл, ҳам мазмун-мундарижа, ҳам ғоявий-бадий эстетик жиҳатдан рад этди, оқибатда поэзиямизда ҳаётга яқинлашув, руҳий олам зиддиятларини тўлақонли тасвирланиши кузатилди, айниқса, услубий рангбарангликнинг вужудга келиши, риторик кўринишларнинг фалсафий тафаккур йўналишларига жой бўшатиб бериши бадий эстетик жиҳатлар кучайишига самарали таъсир кўрсатади.

Таъбир жоиз бўлса, поэзиямизда мана шу уйғониш даври кўпгина шоирлар қаторида Азим Суюн истездодини ҳам майдонга олиб чиқди, бу истездод Азим Суюнга ўзига хос услубий жозоба, халқона фалсафий мушоадакорлик, содда, равон лирика, жанговар сиёсий-публистик руҳ бахш этган. Одатда, кўп ҳолларда шоирлар ўз истездодлари кучини тўла сафарбар этолмай қийналишади, аммо фаол тенгқурлари қаторида Азим Суюн бу ҳолдан деярли мустасно, шоир танлаган услубини шакллантириш, ўз овози билан қуйлаш йўлида иқтидоридан унумли фойдаланади.

"Бобом Суюннинг отам Олимга васияти" да тоғ кишиси характери бетакрор поэтик ифодалар орқали бўрттириб кўрсатилгани учун ҳам услубий ўзига хослик намунасидир. Мазкур шеърда шоир лирик қаҳрамон - бобоси дилидаги армонлар, ниятларни ёритиш учун зарур ифодалар ва деталларни топа олган. Лирик қаҳрамон ўз кўнглини ўз сўзлари билан очиши айниқса ибратли:

*Бугун хайрлашиб келдим тоғлар билан,
Тоғ маликалари-какликлар билан
хайрлашдим.*

*Видолашдим олқорлар билан-
недир юрагимдан ситилиб кетди,
ахир, жуда ўрганиб қолишганди менга
улар.*

Кўриниб турибдики, бутун умри тоғда ўтган, тоғдаги ҳаётга руҳан боғланиб қолган, ҳатто ўлим олдида ҳам ундан кўнгул узолмаётган тоғ кишинигина шундай фикрлайди. Ҳаётган кўз юмаётган бобо нутқи донишмандлик билан суғорилган, у ҳаётда муроцаи мадора билан яшаган инсон кам

бўлмаслигини, жамики жонзод билан тил топиша олишни таъкидлайди:

*Болам,
илонларни чақади, дейди, одамлар,
Ҳаммаси ёлгон! Улар қаҳишмайди,
тегмасанг, агар, -
менга тегмади-ку бирор марта ҳам.
Кўзлари жовдираб-жовдираб қолишди -
хайрлашдим мен улар билан.*

Азим Суюн қайси жанрда ижод қилмасин, албатта халқ оғзаки ижодига хос оҳанглардан, халқ донишмандлиги, соддалиги ва улугворлигидан озиқланишга интилади, бинобарин, унинг ўзига хос поэтик услуби шаклланишида бу барҳаёт сарчашма ёрдам берганини алоҳида таъкидлаш керак. Халқ донишмандлигига монанд санъаткорона омиллар Азим Суюн ижодини ҳаёт ва руҳиятнинг номаълум қатламларига олиб кирмоқда. Азим Суюннинг фикрлаш тарзи, сўз ишлатиш, шакл ва мазмун бирлигини таъминлашдаги тажрибаси қадимий анъаналаримизга уйғунлиги унинг дostonларида ҳам яққол сезилади. Тўғри, эркин вазнда битилган "Замин тақдири", "Ўзбекистон" дostonларида сиёсий-публистик руҳ ҳукмрон. Хар иккала дostonнинг айрим ўринларига халқ ижодига хос фикрлаш услуби сингдириб юборилган. Қуйидаги сатрларга эътибор беринг:

*Она Замин, айланайин,
Айланайин, Она-Ер.
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин Она-Ер.*

Поэтик жиҳатдан жангаворлик касб этган бу сатрлар аслан соддалиги ва оҳангдорлиги билан ижод илдиэларига бориб тақалади. Бинобарин, ушбу сатрлар асарда ўрни билан такрорланиши унинг ҳаётгий услуби ва поэтикасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Азим Суюннинг "Иморат" дostonи жанр хусусиятлари жиҳатидан халқ дostonларига, айниқса, яқин туради. Асар ҳам шаклан, ҳам мазмунан шу асосда яратилган бўлиб, унинг содда, кизгин, тўпори, саркаш, фаол руҳи оғзаки меросимизда кенг истезмолда бўлган мажозий образлар, маталлар, мақоллар, қочирмали иборалар, сермаъно сўзлар билан озиқлантирилган. Асар номи умумлашма

мажозий образ даражасига кўтарилган. Шундан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, шоир дostonга киритилган ҳар бир образ зиммасига маълум даражада мажозий юк ортганини ҳис этамиз. Демак, мажозийлик дoston услубидаги ўзак омилга айланади.

Дostonда Сори чечан билан Чори чечан ўртасидаги тортишув жанр-поэтик хусусиятга, услубий йўналиш мукамаллашувига самарали таъсир қилибгина қолмасдан, аynи чокда улар маънавий дунёсини қанчалар бойлигига ишора этади. Ҳар икки чечан маъноли гап айтишга, ширинсуханлик ва донолик билан дилларни забт этишга уринади.

Бинобарин, бу кўр-кўрона баҳслашув эмас, маҳорат ва бийронлик беллашув, тафаккур ва заковат парвозининг рамзидир. Сори чечан дейди:

*Ангиз ўсган ерларда
отлар бевақт ўлмагай,
Яхши бўлса аёллар эрлар юзи сўлмагай.
Қайси юртда чинакам
ботир эрса йигитлар,
Ўша юртнинг эллари
ёвларга қўл бўлмагай.*

Чори чечан жавоби:

*От минмаган от минса,
чопачопа ўлдирар.
Бог кўрмаган бог кўрса,
пайҳон қилар, сўлдирар.
Ҳушёр бўлгил, ўзбегим,
элдай сақла элингил.
Ёвларингга қўл берсанг,
паймонингни тўлдирар.*

Дoston мазмуни жонли иборалар, қанотли сўзлар, мақолу маталлардан сайқал топганки, бунга эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Қўп маъно ташийдиган бу ҳикматли иборалар асар маъзи-маъзидан жой олган. Улар асар мазмунини бойитиш билан бирга, тасвир услуби рангин, қабарик қиёфа олишига хизмат қилган. Мисоллар: бемор бемор эмас, беморни боққан бемор; чумолига бир томчи сув дарё кўрinar; бошлиқ бўлсанг - бошли бўл; бир уй тўла жонсан, бир-биринга меҳмонсан; ёмон илон тегирмон бошида айланар; дарёга от солмасдан кечувини топ; оч бўри йўртагон келар; тотли сув тошдан чиқар; ҳар супра-нинг нони бошқа; ювош отнинг теп-

киси ёмон; кулидан кириб косовидан чиқади; шўрхоқда сунбула ундирди; туяда тўғри жой бўлмас; куруқ шох оловига ҳўл ҳам ёнади...

Бир парча темирни қайсидир уста тегиртакка, қайсидир уста кескир қиличга айлантираркан... Адабий жанрлар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Нўноқ шоир жанр имкониятлари олдида ожиз, аммо Азим Суюн жанр имкониятларини деярли бой бермайди, у иложи борича шаклни мазмунга бўйсундиришга, ижтимоий-фалсафий хулосаларни тўла куч билан сафарбар қилишга уринади.

Пейзаж - табиат манзаралари Азим Суюн ижодидан кенг ўрин эгаллаган. Лекин у табиат жозибасига шунчаки муносабат билдирмайди. Ҳар бир лавҳани жонлантиришга, шу лавҳа орқали руҳиятимиздаги бирор-бир қатламга назар ташлашга ёки бирон-бир фикрни поэтиклаштиришга ҳаракат қилади. "Оқ булоқ", "Тун куши", "Қатта булоқ бўйи", "Баҳор", "Август окшомларида", "Тоғ ўрмони", "Тоғларда куз", "Бир дарахт", "Сув ўтлари", "Баҳоролди кайфиятлари", "Тун" каби шеърларини шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Шоир воқеабанд шеърлар битишда бой тажриба тўплаган. У бирон-бир воқеани танлаб оларкан, унинг шунчаки баёнини бериш билан

кифояланмай, ундан албатта одамлар учун ибрат бўларли фалсафий хулоса чиқаради.

Сюжет асосига қурилган "Чингиз Аҳмаров", "Устоз ва шоғирд", "Балиқчи ва денгиз", "Жалолиддин Мангуберди", "Эр ва хотин", "Баллада", "Гадой", "Барханлар" шеърлари ёвузлик ва жаҳолат қурбони бўлган, йўлидан адашган, хиёнат

кўчасига кирган, мардона ўлим топган, дилида очкўзлик ва ғараз ин қурган кишиларга ҳамдардлик руҳида битилган...

Умуман олганда, ҳамдардлик руҳи Азим Суюн ижодининг бутун мазмун-моҳияти, ғоявий-бадиий эстетикасини ич-ичдан нурлантириб туради. Шоир фалокат ёқасида турган она-сайёрага, беадад кулфатларни бошдан кечираётган одамзотга ёрқин ифодаларга бой шеърятини билан ҳамдардлик билдираркан, башарий мусибатларни ўз қалбидан кечираркан, ўзини бир қадар енгил ҳис этади, кўнгли бир мунча ҳаловатга етишгандек бўлади. Лекин ҳаловат шоир учун бегонадир. Негаки, шоир янги-янги асарлар яратиш, қалб эврилишлари, руҳий исёнларни поэтиклаштириш, халқимизнинг ўзлигини тўла англаши жараёнига ўткир қалами воситасида ҳисса кўшиш шавқи билан ёнмоқда...

Фотима ДИЛМУРОДОВА



Фотима Дилмуродова 1972 йили Ургут туманида туғилган. ТошДД-ни тугаллаб, ҳозир мактабда дарс бермоқда. "Ёшлик"да илк бор чиқиши.

Ғолиб ҲОШИМОВ

ШАЙХЛАРИ

МАШОИХЛАРИ

Ушбу рисола нақибандия тариқати йўлида хизмат этган, пири муршид даражасига етган, "Силсилаи шариф"дан жой олиб, бутун оламга маълум бўлган соҳиб каромат - уч валиюллоҳ-Мавлоно Муҳаммад Дарвиш, Ҳўжа ал-Имканакий, Ҳўжа Боқий Нақибандий Деҳлавий ҳақларида ўқувчиларга маълумот беради.

Садриддин Салим БУХОРИЙ ВА Ҳалим ТўРА таҳрири остида

МАВЛОНО МУҲАММАД ДАРВИШ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Мавлоно Муҳаммад Дарвиш нақшбандия тариқатининг улуг пири муршиди, аллома, буюк тарбиячи ҳисобланади.

Носириддин Тўра ибн Амир Музаффар ал Ханафий ал Бухорийнинг “Тухфат аз зоирин” (Зиёратчиларга тухфа) номли тарихий китобида Бухоро вилояти, шунингдек, бир вақтлар Бухорога тегишли бўлган шахару қишлоқларда дафн қилинган 500 дан ортиқ авлиёлар ҳақида қимматли маълумотлар бор. Носириддин Тўра Бухоро амири Музаффархоннинг ўғли бўлиб, “Тухфат аз зоирин”ни 1906 йилда ёзган. Бу рисола 1909 йил Когонда тош босмада чоп этилган. Мазкур китобда Нақшбандия тариқатининг улуг пирлари ҳақида ҳам қизиқарли, нодир маълумотлар бор.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мавлоно Муҳаммад Дарвиш Мавлоно Муҳаммад Зоҳиднинг халифасидур. Муҳаммад Зоҳид “Силсилаи шариф”да Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрори Валийдан кейинги ҳалқанинг пири муршиди, яъни 20 ҳалқанинг пири ҳисобланади. Муҳаммад Зоҳид вафот этгандан сўнг, ҳазрат Муҳаммад Дарвиш ул зот ўрнида ноиб ва шайх бўлди деб (“Тухфат аз зоирин”да) хабар берилган.

Мавлоно Муҳаммад Дарвиш “Силсилаи шариф”да 21 ҳалқанинг пиридир.

“Парвардигорингиз номини /мудом/ ёд этинг ва унга бутунлай берилиб(чин ихлос билан бандалик қилинг)” деб Қуръони Каримдаги “Музаммил” сурасида(8-оят)да таъкидланади. “Кимки парвардигорнинг зикридан - Қуръонидан юз ўгирса, У зот уни қаттиқ азобга йўллар (“Жин” сураси, 17-оят). Демак, банда доимо Аллоҳ таоло номини зикр этиши керак. Лекин мен Аллоҳ номини зикр этаман деб кечаю кундуз ишламай, оёғини чўзиб ўтирмоғи нотўғри. Зеро, нақшбандия тариқати “Дил ба ёру даст ба кор”, яъни кўнгили ёр (Аллоҳ таоло) билан, қўл эса кор билан банд бўлиши лозимлигини дастурига айлантирган. Бунда улуг ҳикмат бор. Зеро, кўнгилида Аллоҳ бор киши, Аллоҳ газабидан кўрқувчи одам ҳалол ишлайди, ҳалол яшайди. Ҳазрат Муҳаммад Дарвиш ҳам худди шу дастурга мувофиқ яшаган.

Ҳазрат тақводор, илмига амал этувчи, инсофу адолатни ўзига касб этган, қаромати зоҳир, ботин тасарруфига эга, шунингдек, гумномлик ила машғул ва сатри ҳол эдилар деб манбааларда ёзилган.

Улуг пир гумномликни, яъни шухратдан қочишни, аниқроқ қилиб айтганда, камтарликни ўзига пеша этган экан. Зеро, Хусайн ас-Сарахсий қаламига мансуб “Манокиби Саъдия” китобида таъкидланганки, Ҳазрат Ҳақ Субҳанау таоло тўрт нарсани тўрт нарсада пинҳон ва махфий айтадур. Биринчиси, ўз дўстларини халойиқ орасида пинҳон этибди. Шунинг учун ҳар бир инсон билан аҳтиёт юзасидан ҳокисорона яхши муомалада бўлиш лозим. Иккинчиси, кадр кечасини барча кечалар ичида пинҳон қилибдур, токи толиб ҳамма кечани бедор ўтказиб кадр кечасини топсин. Учинчиси, ўз газабини фисқу фужурда яширибдур, токи инсонлар гуноҳдан йироқ бўлсин. Тўртинчиси, ўз раҳмати ва иноятини таот ва ибодатда пинҳон этибдур.

Хожа Ориф ар-Ревгарийнинг “Орифнома” асарида ёзилганки, кимки қилаётган амалини зоҳир, яъни намоён этгай - мунофиқ, риёкор, икки юзламачидур. Ва кимки ўз ҳолини зоҳир этгай - ул муддайдур. Ал Осий Ҳайрун минал муддаий - осий банда муддайдан кўра яхшироқдур. Шунга кўра Мавлоно Муҳаммад Дарвиш сатри ҳол, яъни ўз ҳолини бошқалардан яширадиган, авлиёлигини пинҳон тутувчи киши бўлган.

Мавлоно Муҳаммад Дарвиш ҳам бошқа авлиёлар каби соҳиб қаромат эди. Шунинг унутмаслик керакки, қудрат эгаси ёлғиз Аллоҳ таолодир. У йўқдан бор қилувчи, ўн саккиз минг олам Парвардигори ҳисобланади. Аллоҳ пайгамбарларга мўъжиза кўрсатиш изинни берган. Авлиёларнинг қаромати ҳақлиги тўғрисида Қуръони Карим, Ҳалиси шариф, шунингдек, бошқа манбааларда хабарлар келган. Қуръони Каримда айтилганки, ҳар вақт Зикриё алайҳиссалом Биби Марям ҳузурига кирсалар, У киши ёнида қишда ёз меваси, ёзда эса қиш мевасини кўрарди. Ваҳоланки, Биби Марям пайгамбар эмасди.

Нақл этилишича, бир кун саҳобай қиромга Муҳаммад алайҳиссалом ўтган замонда содир бўлган қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб бердилар. Пайгамбар алайҳиссаломнинг айтишларича, уч киши сафарга чиқибди, йўлда туни горга кириб ўтказмоқчи бўлибдилар. Ногоҳ тоғдан тош кўчиб улар кирган гор оғзини беркитиб қўйибди. Булар ночор қолиб, бир-бирига дебдики, ҳақ таолло йўлида бир риё, ҳолисанлиллоҳ этган хизматимизни ҳар биримиз шафеъ келтирайлик ва муножат қилайлик. Зора Аллоҳ таоло бизга нажот берса..

Биринчиси: “Менинг қари ота-онам бор эди. Мен ҳар кун саҳарда саҳрога чиқиб, ўтин териб сотар ва топган маблағимдан ризқ-рўзимни ўтказардим. Уйда бир эчким бор эди. Ҳар кеч эчкини ўзим соғиб, унинг сугидан овқат тайёрлаб, ота-онамга ўз қўлим билан едирар эдим. Иттифоқо, бир кун кечикиб уйга келдим. Эчки сугини кўшиб овқат ҳозирладим ва ота-онам ёнига кирдим. Қарасам улар ухлаб қолибди. Мен тонггача ҳеч нарса танаввул қилмай, улар уйғонишини пойлаб, бедор ўтирдим. Саҳар улар уйғонди, отам билан онамни овқатлантирдим. Ё Аллоҳ! Агар шу гапларим рост бўлса, шу хизматим тугайли менинг фарёдимга ет! Ўзинг нажот бер!” дейиши билан ҳалиги тош тебраниб, горнинг оғзи андек очилибди.

Иккинчиси: “Амакимнинг соҳибжамол қизи бор эди. Мен унга ошиқу беқарор эдим, лекин у ҳаргиз илтифот кўрсатмасди. Қулардан бир кун юз динор зар ашрафий қўлимга теғди, уни ҳаммасини қизга юбориб бир кеча мен билан ҳилватда бирга бўлишини илтимос қилдим. Қиз ёнимга келди, ҳилват муяссар бўлди, лекин мен Аллоҳ таоло газабидан кўрқиб, қизга ҳатто қўлимни узатмадим, теғмадим.

Ё Аллоҳим! Агар шу гапларим рост бўлса, шу хизматим тугайли менинг фарёдимга ет, ўзинг нажот бер!” - дейиши билан тош яна тебраниб, тешиқ каттароқ очилибди. Аммо ундан ташқарига чиқиш имкони ҳали йўқ экан.

Учинчиси дейди: “Мен бир неча мардикорни уйга ишлатдим. Ҳаммаларига келишувга мувофиқ ҳақ тўладим. Лекин бир мардикор ўз ҳаққини менга омонат қолдириб кетди. Мен унинг пулига битта қўй олдим. Бу қўй йилдан-йилга кўпайди. Қирқ йилдан сўнг ҳалиги киши келиб, мендан ҳаққини сўради. Мен ўша қўй сурувини унга бердим.

Ё Аллоҳ! Агар менинг гапларим рост бўлса, шу хизматим тугайли фарёдимга ет, ўзинг нажот бер!” Тош бирдан горнинг оғзидан йироқ бўлибди ва уччалалари ҳам нажот топибди.

Манбааларда таъкидланишича, Мавлоно Муҳаммад Дарвеш Қуръони Карим илмидан ўз шогирдларига дарс берган.

“Тухфат аз зоирин” да қуйидаги нақл бор: Ўз замонининг мухтадоси ҳисобланмиш Шайх Хусайн Ҳоразмий (1470-1556) кунлардан бир кун Мавлоно Муҳаммад Дарвеш даргоҳларига қадам ранжида этмоқчи бўлади, бироқ

ниятидан қайтади. Ул мулкдаги барча машойиҳлар шайх зиёратига боради. Мавлоно Муҳаммад Дарвеш буюрадиларки, биз ҳам шайх Хусайни кўрмоққа боришимиз лозим. Лекин юракларига шайхга нисбатан салб (инкор) зоҳир бўлди. Шу заҳот шайх Хусайн ўзини барчадан ҳоли топиб, мустар-ғамгин бўлди.

Мавлоно Муҳаммад Дарвеш узоқдан кўринишлари билан шайх димоғига ажиб бир ҳид урилди. Шайх дафтган туясига миниб, Мавлоно Муҳаммад истиқболларига чикди. Мавлонога яқинлашган сайин хушбўйлик ортар эди. Гўё Мисрдан Юсуф Алайҳиссалом кўйлақларини олиб келаётганда, ул кўйлақ ҳиди йироқдан Ёқуб Алайҳиссалом димоғларига урилиб таъсир этгани каби шайх машомига ҳам хушбўйлик таъсир қилди. Шайх билан Мавлоно учрашган жойда бу ҳид ўз-ўзидан йўқолди. Шайх билдиларки, бу ҳол (яҳни ўзидаги ўзгариш) салбнинг сабабидан зоҳир бўлмиш ва бул мулк Мавлоно тасарруфида эркан. Шайх ожиз кўрсатиб, кўп узрхоҳликлар этдилар ва дедиларки, билмабиз, ҳато қилдик, узримизни қабул айланг, бу вилоят сизнинг тасаввурингизда экан, товба қилдим. Мавлононинг шайхга раҳми келди ва узрини қабул қилдилар. Шайх ўш заҳот Хоразм томон юз тутиб кетди.

Бухоролик аллома Ҳасанхўжа Нисомийнинг (1516-1597) “Музақкирул аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) асарида Хусайн Хоразмийнинг шоғирди шайх Халилуллоҳ ҳақида маълумот берилган. Атоқли мутасаввуф Хусайн Хоразмий бир неча асрлар муаллифи бўлиб, 1556 йили вафот этган.

“Музақкири аҳбоб” да ёзилганки, шайх Халилуллоҳ Бадахшон вилоятидандур. Шайх Халилуллоҳнинг Хусайн Хоразмийга иродат нисбати бор. Бир неча мулдат алар шариф хизматида ҳам бўлиб, нафис нафасини ҳилват қолибида миждоҳада билан таския қилиб дил ойнасини мушдоҳада сайқали била тасфия (соф) айлаб, уни руҳоний сирлар манбаига айлантириб яширин атвор масҳари ва ғайбий ғайблар учун нурлар жиловгоҳи этиб, ҳалофат маснадида беҳилоф ўлтирубдур.

Шуниси диққатга сазоворки, шайх Халилуллоҳ шеърлар ҳам битган ва Ҳасанхўжа Нисроний шайхнинг айрим ғазал, рубойларига татаббуъ этган.

Мавлоно Муҳаммад Дарвеш ҳижрий 970-йил вафот этган. Мавлоно қабри Китобнинг Хўжаиспароз қишлоғидадир. Ҳозир бу қишлоқни Хўжаи Исфароз деб атайдилар. Бу қишлоқдан Оқдарё оқиб ўтади. Суви шифобахш. Мавлоно Муҳаммад Дарвеш қабрлари дарё лабидадир.

Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид ҳикмати ушбуди: зоҳирам руҳонийликка алоқаси бўлмаган нарсаларни ўрганаётган ёки ўргатаётган суфийни кўриб қолсангиз мазкур асрнинг руҳонийлиги шундан иборатлигини эсланг.

Муҳаммад Дарвеш дедиларки, сукут пайти сукут сақланг, суҳбат вақти фаол бўлинг, жаҳд кўрсатиш фурсати жаҳд кўрсатинг, ҳаракат палласи бошланиб кураш майдони очилганда зиммангизга тушган ишларни адо этинг.

МАВЛОНО ХЎЖАКИ-АЛ ИМКАНАГИЙ

Ҳазрат Хўжа Имканагий ҳам Нақшбандий тариқатидандур. Бу зоти муборак “Силсилаи шариф”даги 22 халқанинг пири муршиди сифатида тарихга маълум.

“Тухфат аз зoirин”да ёзилганки, Мавлоно Хўжаги номи билан машҳур бўлган зот Ҳазрат Мавлоно Хўжаги номи билан машҳур бўлган зот Ҳазрат Мавлоно Хўжаги ҳисобланадилар. Ул Алломан фаҳмоманинг исми мубораклари Мавлоно Хўжаги ал Имканаги бин мавлоно Маҳмуд Дарвиш Ваҳшиворийдир. Шунингдек, “Тухфат аз зoirин”да ул зоти шарифнинг насаблари куйидаги тартибда пайғамбар Сарвари Олам Муҳаммад Алайҳиссаломга бориб тақалиши берилади.

Ҳазрат Мавлоно Хўжаги ал Имканаги бин Мавлоно Хўжа Маҳмуд Дарвиш бин Хўжа Калони (Офок) Офок бин Хўжа Зиёвиддин бин Хўжа Абдулваҳоб бин Хўжа Насриддин бин Саййид Фаҳриддин бин Саййид Шамсутдин Бин Саййид Зиёвуддин бин Саййид Зиёвулмулк бин Саййид Насриддин бин Саййид Абдулмаоний бин Саайид Шамсиддин бин Саййид Зиёвуддин Калон бин Саййид Имодуддин шаҳид бин Саййид Шамсиддин Калон бин Саайид Зиёвуддин Калон бин Саййид Насриддин Кабир бин Саййид Абулмаоний бузрук

Саййид Абулмаоний бузрук

Бин Саййид Жаъфар

бин Саййид Зиёвулҳақ

бин Саййид Имодудин

бин Саййид Абдулло Мохруйи

бин Саййид Абдулҳасан

бин Саййид Амир Абулқосим

бин Саййид Абдулло

бин Саййид Ҳасан ал Амир

бин Саййид Хусан ал Амир

бин Имом Жаъфар Ҳожи

бин Имоми Жаъфар Ҳожи

бин Имоми Хусинал Сагирийин

имомни Зайнулобиддин бин ҳазрат Имоми Хусайн Разноллоҳу анҳум.

“Тухфат ул ансоб”да айтилишича, эшоннинг (яъни Имканагийннинг) интисоблари ўз валади бузрутворлари, (яъни оталари) Ҳазрат Муҳаммад Дарвишга бориб тақалади. Валатларига этган хизмати шарофатидан иршод мартабасига етдилар. Ўттиз йил шайхлик маснади (ўрни) да бўлдилар. Доимо Буюк Хўжанинг (яъни оталарининг) тариқатларига амал қилар эдилар. Ул кишининг қаромат ва ҳаворик одат (яъни оддий одам қилиб билмайдиган иш) лари кўп ва ҳаммага аён эди. Ҳазрат буюк давлатга муяссар бўлган эдиларки, бутун салотин (яъни подшоҳлар) ул зотнинг ҳужмига бўйсунарди. Подшоҳлар келиб ул зотнинг остонасини кўзларига тўтиё этар ва бу остонани энг олий даражадаги қаср ҳисоблардилар.

“Равзаи ислом”да ёзилишича, ўз вақтининг султони ҳисобланмиш Пирмуҳаммад беҳисоб лашкар билан Самарқандни олмоқни ният қилиб келди. Самарқанд Султон Бокий тасарруфида эди. Султон Бокийнинг ёса Пирмуҳаммад билан жанг қилмакка етарли на лашкари, на тобу тоқати бор эди. Султон Бокий югуриб Ҳазрат Имканагий ёнларига келиб, кўп тавба-тазарру ва ниёмандлик қилиб ул зотга ёлвордилар. Шундан сўнг ҳазрат Имканагий Пирмуҳаммад ҳузурига бориб, унга панду насиҳат этадилар ва уришмасликни, оддий меҳнаткашлар конини тўқмасликни маслаҳат берадилар. Лекин у қабул қилмайди. Ҳазрат Имканагий шаҳарга келиб Султон

Боқийга дейдиларки, сен чин дилдан тавба қил! Бундан сўнг халққа озор берма ва доимо инсофу адолатни ўзинга пеша қил. Султон Боқий энди зулму ситам этмайман деб аҳду-паймон қилди. Хўжа буюрдиларки, бориб Пирмуҳаммад билан жанг қил, албатта, сен ғолиб бўласан. Хўжа дуо қилдилар. Султон Боқий тўрт минг лашкари билан Пирмуҳаммаднинг элик минг лашкарига қарши уришга кирди ва урушда Султон Боқий енгди. Пирмуҳаммад шарманда бўлиб, қочиб кетди.

Дарҳақиқат, тарих саҳифаларига назар ташласак, бу воқеа шунчаки афсона ёки тўқима эмас, балки бўлиб ўтганлигига гувоҳ бўламиз. Маълумки, Шайбонийлар давлатининг ҳукмдори Абдуллахон II (1557-1598) вафот этгач, тожу тахт унинг ўғли Абдулмўминга ўтади. Абдулмўминнинг қаттиқ қўллик билан юргизган сиёсатидан норози бўлган гуруҳлар унинг ҳукмронлигидан олти ой ўтгач, Зоминда Абдулмўминни ўлдирдилар. Шундан сўнг Шайбонийлар салтанатида бебошлик бошланади. Бухоро тахти Абдуллахон II нинг амакиваччаси Жонибек Султоннинг ўғли Пирмуҳаммад II ибн Сулаймон Султон (1598-1601) қўлига ўтди. Балх Абдуламин, Ҳирот ва Марв эса, Абдуллахон II нинг опаси Зуҳраҳоннинг ўғли Динмуҳаммадхон тасарруфига кирди. 1599 йил Динмуҳаммадхон ҳалок бўлгач, унинг икки укаси Боқи Муҳаммад (Султон Боқий) ва Валимуҳаммадлар Хуросондан Бухорога келдилар. Бу вақтда Бухоро остоналарида ҳозоқ хони Таваккалхон билан Бухоро хони Пирмуҳаммад II ўртасида қонли жанглар кетаётган эди. Оғир жангдан сўнг улар ўртасида сулҳ тузилиб, унга мувофиқ Пирмуҳаммадхон Таваккалхонга Тошкентни берди. Жангларда Пирмуҳаммадхон II томонидан туриб жасорат кўрсатгани учун Боқимуҳаммадхонга Самарқанд ҳукмронлиги ҳадя этилади. У Самарқандда мустақамланиб олгач, Пирмуҳаммад II га бўйсунмай, мустақил ҳукмрон бўлади. Пирмуҳаммад эса, Боқимуҳаммадга қарши лашкар билан келади ва бу тўқнашув Ҳазрат Икканагайнинг дуолари туфайли Боқимуҳаммад фойдасига ҳал бўлгани ҳақида юқорида фикр баён қилинди. Бу тарихий жанг Самарқанд яқинидаги Боғишамол мавзуйида 1600 йилда бўлиб ўтган эди. Мавлоно Икканагайнинг ўз маънавий пири Хўжа Аҳрор Валий сингари мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётига фаол иштирок этган. Хўжа Аҳрор Ҳазратлар сўнгги Темурийларнинг бир-бирлари билан келишувига, муросага даъват этган бўлсалар, Ҳазрат Икканагай илк Аштархонийларга йўл-йўриқ кўрсатдилар, уларни инсофу диннатга чақирдилар. Ҳазрат дуосидан файзиёб бўлган хонларга зафар ёр бўла бошлади. Айниқса, Аштархонийлар сулоласининг биринчи вакили Боқи Муҳаммад (Султон Боқий) нинг олий ҳукмдор бўлишига Ҳазрат Икканагайнинг панду насихатлари, дуолари жуда қўл келди.....

Тарихий манбаларда кўрсатилшича, Мавлоно Икканагай Ҳазратлари ўз даврининг энг улуғ кишиси эдилар. Шул сабаб Мавлоно атрофида замонанинг буюк кишилари, олим-фузалолари тўпланиб, ул кишининг хизматида эрдилар.

Мавлоно Икканагайнинг шарафларига улкан Хонаҳоҳ, катта масжид ва мадраса бунёд этилиб, бу ерда ўз даврининг илм толиблари қол ва ҳол илми сирларини ўрганар эдилар.

Ҳозирда ушбу Хонаҳоҳ сақланиб қолган бўлиб, унинг атрофида ўнлаб улкан уламою фузалоларнинг қабрлари мавжуд.

Қабр тошларидаги ёзувдан маълум бўлишича, соҳиби қабрлар турли вилоятлардан бўлганлар. Тошдаги ёзувларда Ҳисорий, Бухорий, Насафий, Ваҳшиворий, Кеший сингари эгаллик номлари мавжуд, шунингдек, муршидлар орасида мусулмон оламининг 23 пири Хўжа Боқи Нақшбандий Деҳлавий ҳам бор эдилар.

XVII аср бошларида Ҳиндистонда ўтказилган ислоҳатлар ислом динига дарз етқизгүлик даражада эди.

Хўжа Боқийни Мавлоно Икканагай шул бонс, Сиз Ҳиндистонга боринг, - дея фатво бердилар.

Нақл қилурларки, Робияя Адвия Ҳасан Басрийга уч нимарасани жўнатди: булар мум(шам), игна ва соч толаси эди. Аҳли хикмат бу воқеани ушбундоқ шарҳ қилурлар: мум каби мулойим бўл ва ўзинг ёниб оламни мунвар қил! Ва игна каби ўзинг яланғоч қолиб бўлса-да, ўзгаларни кийинтир ва бир-бировларига пайванд эт! Ва Аллюҳ таоллога олиб борувчи йўл худди соч толасидек нозик ва ингичкадурким, тойиб йиқилишдан хушёр бўл!

Ҳазрат Икканагай ва бошқа тариқат пирлари мана шундай бўлиб ўтган ривоятлар, хикматлар асосида ўз шогирдларини тарбия этган.

Нақл этишларича, Ҳазрат Икканагай вафот этишларидан олдин ўз халифа (ўринбосарлари) Хўжа Боқий номига мактуб ёзган, мактубда жумладан қуйидаги байтлар дарж қилинганди:

Замон то замон марг ёт оворам,
Надонам кунин точи пеш оядам.
Жудой мабодо точи пеш худо
Дигар ҳар чи пеш ояд шоядам.

Мазмуни: ўлим хабари яқин келди, билмайман энди (у дунёга) менга не воқеа дуч келур. Илоҳий худодан жудо бўлмайин, бошқа не иш бўлса барчасига розиман.

Хўжа Икканагай 1008 ҳижрий йил тўқсон ёшга кириб марҳум бўлган. Демак, Ҳазрат ҳижрий 918 йили туғилган. Ҳазрат Икканагайнинг қабрлари Китоб туманидаги Хўжа Икканагай кишлоғидадур.

Айни қунларда ҳам Ҳазрат Икканагайнинг авлодлари бор.

Улар Мавлоно Хўжаги дафн этилган, ҳозирги Китоб туманининг Хўжаилмкони кишлоғида истиқомат қилдилар. Исматхон, Акмалхон, Ислохон, Акбархон, Пўлатхон, Усмонхон, Сайид Алихон, Лукмонхон, Омонхон, Ғўзархон, Тошкентхон Нуъмонхонлар айни Ҳазратнинг набираларидирлар.

Шунингдек, Ҳазратнинг набиралари Ақобирхон Шаҳрисабз тумани имоми ҳатиби вазифасида ишлаб келмоқдалар.

ХЎЖА БОҚИЙ НАҚШБАНДИЙ ДЕҲЛАВИЙ

Хўжа Муҳаммад Боқий Ҳазратлари “Силсилаи шарифда” 23 халқанинг пири муршидидир. “Орифнома”да муршид, яъни, тўғри йўлга бошловчи пир, устод тавсифи берилган. “Муршид улдирки, халқни дунёдан ухро (охират) га ва маъсият (гуноҳ) дан тоатга ва ҳирсдан зуҳдга ва бахилиқдан саҳовотга ва кибрдан тавозейга ва гафлатдан огоҳликка ва ғурурдан парҳезкорликка чорлагай! Ва охират дўсти ва дунёвий зебу зийнат душманига айлантисин!”

Дарҳақиқат, Нақшбандий тараққиётининг барча пирлари, жумладан, Хўжа Муҳаммад Боқий Ҳазратлари шу сифатларга эга эди. Машойихлар деганларки, авлиёлик аломати учта: баланд даражага етганда ҳам камтар бўлмоқ, қудрати, сабру тоқати етгунча парҳезкорлик қилмоқ, то кучи етгунча инсоф қилмоқ.

“Тухфат аззоринда” ёзилишича, Хўжа Боқий Нақшбандий Дехлавий ўз замонасининг буюги, муқталдоси имоми эрди. Зоҳир ва бетин томондан камолга етган жазо ва ишқу муҳаббат-ла дилини ораста этган ва суҳду тақвода ягонаи давронга айланган эрди. Хўжа Боқий увайсий ҳисобланадилар, яъни Хўжа Аҳрори Валий ҳазратларининг руҳи Хўжа Боқийни тарбият этган. Хўжа Боқийнинг нисбаси Хўжаи Бузрук Нақшбандга, Хўжанинг зоҳиран нисбалари Мавлоно Импанагийга бориб тақалади.

Ибтидода Ҳазрат Муҳаммад Боқий Қобулдан Самарқандга келган, зоҳир илмлар таҳсилни Мавлоно Содик Хулвонийдан, ботин илми таҳсилни эса, Мавлоно Импанагийдан олдилар.

Нақл этурларки, Хўжа Боқий воқеа (туш)да Хўжа Аҳрор Валийни кўрадилар. Хўжа Аҳрор лейдиларки, эй азиз! Мавлоно Импанагий ёнига бориб, ул зотдан таълим олинг!

Бу ишоратдан сўнг Хўжа Боқий Мавлоно Импанагий хизматларига етди. Ҳазрат Импанагий Хўжа Боқийни кўрган заҳот: “Эй фарзанд! Кўзимиз йўлингизда чор эди!” деб воқеада кўрганларига ишора этадилар.

Маълумки, Хўжа Аҳрор Валий (1404-1490) улуг аллома ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳазрат Ёқуб Чархийдан таълим олган. Хўжа Аҳрор воқеада Исо алайҳиссаломни кўриб, Исо алайҳиссаломдан таълим олган. Шу боис, аллоҳ таолло ҳазрат Аҳрорга ўлик қалбларни тирилтириш кароматини ато этди. Исо алайҳиссалом нафаслари ўликни тирилтирган. Бу ҳол Исо алайҳиссаломга Аллоҳ таолло томонидан берилган мўъжиза эди.

Хуш, Хўжа Аҳрор ўлик қалбларни қандай тирилтирган? Ўлик қалб деганда нима назарда тугилади? Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом деганларки, кимки ҳақ субҳонау таолони эслашдан гофил бўлса, у ўлик билан тенг. “Демак, Аллоҳ таолло зикридан гофил бўлган кишининг қалби ўлик экан. Қалбнинг тириклиги Аллоҳ таолло ёди билан бўлади”.

Ҳазрат Баҳовиддин Нақшбанд гафлат билан пиширилган таоми асло тановул қилмас ва дарвешларга ҳам бундай овқатни тановул этмоққа қўймадилар.

Имом Ҳаззолий ёзганларки, “...бидонки, роҳи ибодат ҳам аз жумлаи ибодат аст пас харчи роҳи динро ба у хожат аст ҳам аз жумлаи дин буват ва роҳи динро батаом хурдан хожат аст. Чу мақсуди хама солиқон дийдори ҳақ таоло аст ва тухми он илм ва амал аст ва мувозибат бар илму амал бе саломати тан мумкин нест ваа саломати тан бе таом ва шароб мумкин набуват. Балки таом хурдан зарурати роҳи дин аст. Пас ин аз жумлаи дин бошад”.

Мазмуни: Билгилки, ибодатни адо қилмоқ йўлида этилган барча ишлар ҳам ибодат ҳисобланур. Ва не ишгаки дин йўли учун ҳожат тушган, уларнинг барчаси дин жумласига киргай. Ва дин йўлида таом емоққа ҳожат бордир. Гарчи, барча солиқлар мақсуди ҳақ таолло дийдори эрур ва бу мақсудга етмоқ асоси илму амалдир. Илму амал эса, вужуднинг саломатлигисиз муяссар бўлмас, вужуд саломатлиги эса, таом ва ичимлик (яъни чой, шарбат, сув)сиз ҳосил бўлмас. Балки, таом емоқ диннинг заруратидир. Демак, бу ҳам диннинг жумласига киргай.

Нақадар улуг фалсафа! Агар биз таомни гафлат билан есак, ўғирлик, қазоблик, ёлгончилик йўлтўсарлик қилишимиз мумкин. Бундай таомдан ҳосил бўлган қувват гафлатга сарф этилади. Агар бу таомни ибодат учун, эзгу ишларни амалага ошириш учун ният этиб бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, деб истеъмол қилсак, унинг қуввати ибодатга, эзгу ишларга сарф бўларкан.

XX асрнинг улкан алломаси Бадиуззамон Саид Нурсий деганки, таом танаввул қилинаётганда зикр, шукр, фикр этмоқ зарур. Аввало (бисмилло-зикр, охирида (яъни, таом еб бўлгандан кейин) “алҳамдулилоҳ”-шукр, ўртасида эса, бу нозу неъмат аллоҳнинг қудрати билан бизга берган ҳақяси эканлигини идрок қилиб фикр этмоқдир.

Нақшбандий тарихатининг улуг пир Хўжа Али Ромитоний (Хўжаи Азизон) “Рисолаи азизон” асарларида дейдилар: “Гафлат билан танаввул қилинган таом, бу демасдан ейилган овқатдур. Хушёр бўл, ҳатто бир дастурхонда гофил киши билан ўтирма, зинҳор бундайлар билан ҳамтовоқ бўлма!” Байт:

Машин бо бадон, ки суҳбати бад,

гарчи поки, туро палид қунад.

Офтоб бадин бузургияш

Парчаи абр нопадид қунад.

Гавҳар хас ноқисони раҳ маталаб

3-оң, ки моя комиле дорад

Мазмуни: Ёмонлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Гарчи сен покиза бўлсанг-да, ёмонлар суҳбати сени бўлғайди. Бир парча булут улкан қуёшнинг юзини тўсади-ку!

Нуксонли (яъни камолга етмаган) одамлардан гавҳар талаб этма, Бу моя (яъни гавҳар) асл, комил одамларда бўлур.

Билгилки, таомни пишираётган киши ҳам таҳоратли бўлсин. Таом пишираётган одам ҳам зикрда бўлиши керак, йўқ эрса, бошқаларнинг гафлати ва кўнглининг хиралигига сабаб бўлғай. Хўжаи Ҳизр алайҳиссалом: “Ҳамир корган киши таҳоратсиз бўлган, бундай лужма бизга лойиқ эмас”, деб гафлат билан пиширилган нонни емаганлар”.

“Тухфат аз зорин”да айтилишича, Хўжа Боқий икки масала ечимини ҳал этолмай қийналарди. Қай устод билан учрашса, шу масалани сўрар, лекин ҳеч ким бу жумбоқни ечиб бера олмасди. Ҳазрат Импанагий ҳали Хўжа Боқий ушбу икки муаммо ҳақида оғиз очмасданок, ҳар икки мушқул масалани ечимини тушунтирадилар. Хўжа Муҳаммад Боқийни уч кеча-кундуз ёнларида тутиб суҳбат этадилар, таълим берадилар, шундан сўнг халифаликка руҳсат этиб Хўжа Муҳаммад Боқийга Ҳиндистонга бормоқ ишоратини қиладилар ва дедиларки, Ҳинд аҳлини иршод (тўғри йўл)га бошланг! Ҳазрат Боқий Дехлига бориб дарё лабидаги Фирезин калъасига сокин бўладилар.

Ушбу ҳикмат Хожа Муҳаммад Боқийниқидир: “Биз маконнинг қандайдир бир ерини бақд қилганмиз. Аммо сен бу жойни белгилаб қўйишга уринма. Яхшиси, бу жойдаги ҳали омон турган энг муҳим нарсани ол.”

ТАРИҚАТ - ТАРБИЯ ДЕМАК

Маълумки, мукамал одоб-ахлоқ эгаси Аллоҳ таолодир. Аллоҳ беайб, бенуқсон, беҳато. Аллоҳ ўн саккиз минг оламнинг ТАРБИЯЧИСИдир. Аллоҳ-таоло пайғамбарларни, жумладан, Муҳаммад, алайҳиссаломни тарбиялади. Аллоҳ-таоло Муҳаммад алайҳиссаломга Куръони Карим оятларини нозил этиб, бутун бани башарга одоб ахлоқ қондаларини ўргатди. Муҳаммад алайҳиссалом тарбияларини тарикат пирлари олиб, унга амал қилиб келганлар.

Юқорида номлари зикр этилган Муҳаммад Дарвеш, Ҳазрат Импанагий, Муҳаммад Боқий ҳазратлари ҳам тарбиячи бўлган. Улар элу улусга панду насиҳат этиб ёмонлик, қабоҳат-ғуноҳдан кишиларни қайтарган, одамларни

яхшиликка, эзуликка даъват этган.

Шуни таъкидлаш жоизки: ..." бу (Куръон) одамлар учун тўғри йўлни баён қилувчи ва такво эгалари учун ҳидоят ва панду насиҳатдир" ("Оли Имрон" сураси 138-оят) дейилган. "Аъло" сурасида таъкидланганки, "Бас, агар панду насиҳат фойда берса, (кишиларга) панду насиҳат қилинг (яъни насиҳат таъсир қилмайдиган одамларга сўзни исроф қилманг). (Аллоҳдан) кўрқадиган киши панду насиҳат олажақ. Катта ўтга (дўзахга) қирадиган бадбахт кимса эса ўзини у (насиҳат) дан четга олур. Сўнгра у жойда на ўла олур ва на яшай олур (9-13-оятлари) (А.Мансур таржималари).

"Ҳошия" сурасида айtilган: "Бас (эй Муҳаммад) Сиз панду насиҳат қилинг! Зотан, сиз фақат бир панду насиҳат қилувчисиз, холос. Сиз уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукмингизни юргизувчи эмассиз. Илло, ким (бу панду насиҳатлардан) юз ўгириб, кофир бўлса, у ҳолда, Аллоҳ уни энг катта азоб билан қийнар. Зеро, ёлғиз ўзимизга қайтишлари бордир. Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш (жазо бериш) ҳам ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир! (21-26 оятлар)

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ёзадилар:

Чашм бичушой, бубин Каломуллохро
Оят омад аз худо маъний Куръон адаб аст.

МАЗМУНИ: Кўзни очу Каломуллоҳга қара. Аллоҳ таолодан: "Куръони Карим маънисини одоблур" деган оят келди.

Демак, Куръони Каримдаги панду насиҳатларни, одобни тариқат устодлари ўзларига дастуриил амал қилган. Шуни унутмаслик жоиздирки, пайгамбар алайҳиссалом: "Мен барча яхши ахлоқларни такомиллаштириш учун юборилганман" деганлар. Умуман, шарқда таълим-тарбия ўзимизни тил билан айтганда, педагогика икки нарсани: Аллоҳ ғазабидан кўрқитиш ва Аллоҳ марҳаматидан, мағфиратидан умидвор этишга асосланади. Кимки, Аллоҳ ғазабидан кўрқса, ўзини ғуноҳлардан тияди. Кимки, Аллоҳ раҳматидан умидвор бўлса, эзу ишлар савоб ишлар қилмокка, ибодат, хайру садақа этиш билан банд бўлади.

Саййид Мир Кулол деганларки, агар сиз бир катта боққа кирсангиз, у ерда сон-саноксиз дарахтлар кўкка бўй чўзиб турибти, ҳар бир дарахтнинг беҳисоб шохлари ва ҳар бир шохнинг беадад барглари бор ва ҳар битта баргда биттадан қуш кўниб, янғроқ ва часиҳ овоз билан "Асалому алайкум, эй валиюллоҳ!" дейишса, бу қанчалик ёқимли бўлмасин, сиз зинҳор бундан гурурланманг, шу заҳотиёқ ҳам зоҳир, ҳам ботинингиздан Аллоҳ-таолодан кўрқув жой олсин. Гоҳо банда Аллоҳ-таолодан шу қадар кўрқсинки, дўзах фақат мен учун бино қилинган, деган фикр унинг қалбидан бўлсин. Ва гоҳо Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб шодлансин, зеро, худонинг назидида, бутун олам ғуноҳини мағфират қилиш душвор эмас.

БАЙТ: Мурги иймонро ду пар: хавфу ражсот,

Мурги бепарро бипаррондан хатост.

МАЗМУНИ: Иймон қушида иккита қанот бор: бири хавф/яъни Аллоҳ ғазабидан кўрқиш/, иккинчиси умидворлик. Қанотсиз қуш уца олмагай.

Атокли тасавуфшунос олим Н. Комиловнинг ёзишича, X-XI асрлардаёқ Хуросон, Эрон ва Моваруннаҳр шайхлари (яъни тариқат пирлари) муридларини мардлик ва фидойилик саховат ва қаноат руҳида тарбиялаб жувонмардликни тариқат шиорига айлантиришга киришганлар. Улар сўфийнинг асосий фазилати элга наф келтириш, маърифат тарқатиш деб ҳисоблаганлар,

("Тафаккур" I) 94-й.

"Мардлик тариқати".

Дарвоқе, Шайх Саъдий айтган:

Тариқат ба жуз хизмати халқ нест,

Ба тасбеҳу сажжодаву далк нест.

МАЗМУНИ: Тариқатга биргина тасбеҳ, жойномоз, хирқа билангина етиб бўлмайди, балки тариқат халққа беминнат хизмат қилиши билан ҳосил бўлур.

Шуни унутмаслик жоизки, айрим ғарб исломшунослари, хусусан, собиқ шўролар иттифоқидаги исломшунослар шарият билан тариқатни бир-бирига зид деб талқин қилган. Шунингдек, улар тариқат мақомига етган киши шариятни тан олмайди, уни рад этади деган ғайриилмий ақидани олға сурган. Баъзилари эса, тариқатга будда, оташпарастлик динларининг таъсири бор деб нотўғри хулосаларга келган. Бу билан улар мусулмонлар орасида фитна солмоқ, шарият обрўсини тўқмоқни мақсад қилганлар. Саййид Мир Кулол ҳазратлари: "Тариқат шариятнинг нигоҳдошидир" деганларини унутмаслик дарқор.

Шарият дарахтнинг илдизи, тариқат дарахтнинг танаси, ҳақиқат эса, шу дарахтнинг мевасидур. Тана илдизсиз, мева танасиз қандай пайдо бўлур?! Қандай яшайди?!

Аллоҳ тавфиқ берсин. Этган хато камчиликларимизни Аллоҳнинг ўзи кечирсин. Пирларимиз гўрларини Аллоҳ пурнур этсин. Омин!

27 ЁШЛИ ҚАЙНСИНГИЛ



27 МИЛЛИОН ДОЛЛАРНИНГ БОШИГА ЕТДИ

Омадли Цезарь Бестос лотерея билетига нақд 27 миллион доллар ютиб олиб олти йил мобайнида осмонда юрди, лекин нима бўлдию, бирдан...

- Бу тарих инглизча мақолга жуда мос: "кирдан чиқиб княз бўлдим, қайтиб яна кир бўлдим", - дейди ҳикоямиз қаҳрамони, бугунги кунда қулогига қарзга ботган ҳолда ҳафтасига 290 доллар иш ҳақи эвазига ҳаммоллик қилаётган Цезарь, - ҳаётимнинг катта қисмини мен қашшоқликда ўтказдим, лекин қиролдай бўлиб ҳам яшаб кўрдим. Албатта, бу бойликни аксар кишилар етти улаб тушларида ҳам кўрган эмаслар. Осон топдим - осон йўқотдим.

Цезарь, - жуда киришимли йигит, - 1988 йили, яъни Рио-де-Жанейрода яшаётган онаси қазо қилгунга қадар Айдако штатидаги картошқачи-

лик фермасида ишларди. Хотини иккови Бразилияга, мотам маросимига боришга ишлатармиз, деб пича пул йигиб юришганди.

- Мен Бразилиянинг миллий лотереясида иккита сотиб олдим, бирига нақ 27 миллион доллар ютдим, шу боисдан ер юзи мен учун жаннатга айланди. Иш фаолиятим давом этаётган Бойз шахрига қайтиб келдим тўрт кечаю тўрт кунлик тўй уюштирдим. Тўйнинг харажати 125 минг долларга тушди.

Цезарь, хотини ва 27 ёшли қайнсинглиси Кармилита Фернандос италияча мрамрлар ила колонна ҳолида ажратиб қурилган, ўта безакдор ва қулай шароитга эга 14 хонали ҳашаматли ҳовли сотиб олди. Ҳовли янги безаклари билан 5 миллион долларга тушди. Эр-хотин тагин иккита

"Порше" дея номланувчи энг ноёб машина, қайнсингил бўлмиш Кармилитага "Кадилак", сўнгра энг зотдор отлар боқиладиган 200 гектарлик от фермасини сотиб олишди. Цезарь ўзи ишлаган картошқа фермасидаги дўстларига 100 доллардан тарқатиб чиқди, Бразилияга 100 минг долларни эҳсон тариқасида бериб юборди. 50 мингта кийим-кечак харид қилди, Лас - Ветасда тагин 500 мингнинг тагига сув қуйди.

Бирок, 1991 йилга келиб, Цезарнинг шоҳона ҳаёти бирданига барбод бўлди. Хотини ўз синглиси Кармилитани Цезарнинг оғушидан топиб олди-ю, пуллар писта пўчоғи янглиғ сувга оқиб кетди. У эрини судга берганида 5 миллион доллар пул, ҳовлижой ҳамда йилкичилик фермасининг ярмига эга бўлди-қолди.

Шундан сўнг унинг ҳаёти жарликка қулаётган тош каби орқага кетаверди. Бойлигини туғиб туриш мақсадида жамгарма бозорига чиқарган капитални қасодга учраб, қолган бойлигини ҳам ўпириб кетди, натижада у яримта фермасидан ҳам жудо бўлди. Пуллари тугагач, Кармилита ҳам йўқолиб қолди.

- Мен ҳеч нарсадан афсус чекмайман, - дейди Цезарь чунки кам эмас, олти йил мобайнида бой ва номдор бўлиб яшадим, 27 миллион долларлик мулкка эга бўлиб турдим. Ҳеч бўлмаганда ҳозир далага чиқиб картошқа тераётганим йўқ-ку.

"ЁШЛИК" - 96

ЖЎРНАЛИМИЗНИНГ 1996 ЙИЛ
СОНЛАРИДА ЎҚИЙСИЗ:

- *Одил ЁҚУБОВ. *Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири. Драма*
- *Абдулла ОРИПОВ. *Амир Темур қиссаси. Драматик дoston*
- *Тоғай МУРОД. *Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Роман*
- *Омон МУХТОР. *Янги роман*
- *Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. *Динозавр. Роман*
- *Миразиз АЪЗАМ. *Улуғбек ҳақида ҳикоялар*